



**ТИЛШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

TOSHDO'TAU



0000002761

978.2
4
7-42/1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Илмий мақолалар тўплами)

I

O'zbek filologiyasi
& fakulteti
KUTUBXONASI

Тошкент
«Университет»
2002

ALISHER NAVOI
Тошкент
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Мазкур тўшламдан ўзбек тилшунослиги масалаларига бағишланган мақолалар ўрин олган бўлиб, улар тил назарияси, фонетика, фонология, грамматика, лексикология, стилистика сингари соҳаларни қамраб олган.

Тўшлам талабалар, тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, тил мутахассислари ҳамда филологларга мўлжалланган. Китоб хусусидаги фикр-мулоҳазаларни куйидаги манзилга йўллашингизни сўраймиз:


Тошкент - 700174, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети, умумий тилшунослик кафедраси.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

ф.ф.д. Ҳ.ДАДАБОЕВ	- масъул муҳаррир
ф.ф.д. Ҳ.ШАМСУДДИНОВ	- аъзо
доц. З.ҲАМИДОВ	- масъул котиб
доц. Ҳ.ХОЛМОНОВА	- аъзо

ТАҚРИЗЧИЛАР:

ф.ф.д. проф. Э.УМАРОВ
ф.ф.н. доц. А.РАФИЕВ



СЎЗБОШИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети умумий тилшунослик кафедраси томонидан нашрга тайёрланган ушбу тўшлам ЎзМУнинг 84 йиллигига бағишланади. Йилига бир марта аънавий тарзда чоп этилиши режалаштирилаётган тўшамнинг мазкур сони тилшуносликнинг бугунги долзарб муаммоларига мўлжалланган бўлиб, у бир неча рукнларни ўз ичига олади.

«Тил назарияси» рукнидан Ш.Раҳматуллаевнинг «Айрим синтактик термин ва тушунчалар ҳақида», Х.Неъматовнинг «Шарқ ва Ғарб тилшунослиги методологик таҳлил асослари», Х.Дадабоевнинг «Лисоний алоқалар – тил тараққиётининг муҳим омили», А.Нурмонов, Д.Набиеваларнинг «Морфемик сатҳда инвариант ва вариантлик», И.Мирзаевнинг «Лингвистик поэтика ва унинг филологик таҳлилдаги ўрни» мақолалари ўрин олган.

«Фонетика, фонология» рукнида «Профессор Аюб Фулом ва ўзбек адабий тили фонологияси ва морфонологияси» (А.Абдуазизов), «20- йиллар ўзбек тили тараққиётига рус олимларининг таъсири» (А.Рафиев) каби муаммолар хусусида фикр юритилади.

«Грамматика» рукнида «Ноагентов феъллар ҳақида» (М.Миртожиев) «Айрим феълларнинг маъно хусусиятлари ҳақида» (Р.Расулов), «Ўзбек тилшунослигида гап ва гап бўлаклари таърифи масалалари» (М.Курбонова), «Йўқликни билдирувчи гапларнинг табиати хусусида» (Д.Лутфуллаева), «Предикатив синтагма феъл азосининг **-ётган** сифатдош ясовчиси билан трансформация қилиниши» (С.Маҳматқулов), «Турғун бирикмалар асосида тузилган сўроқ гапларда шаклий-мазмуний номувофиклик» (М.Хайназарова), «Нутқ стилистикаси ва лисоний синтаксис» (С.Назарова), «Грамматик шаклда категориял ва нокатегориял маънолар» (Б.Бахриддинова), «Харакат феълларининг адресат валентлиги» (С.Мухамедова), «Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатини ифодаловчи лисоний воситалар» (Д.Йўлдошева), «Синтактик синонимлар» (Р.Шукуров), «Адресат валентлиги ва унинг ифодаланиши» (У.Шарипова), «Кўчирма гапли қурилма эволюцияси (синтактик соддаланиш)» (Ж.Омонтурдиев) сингари масалалар борасида мулоҳазалар ўртага ташланган.

«Лексикология» рукнида «Ўзбек тилидаги айрим акраболик отлари ҳақида» (Қ.Содиқов), «Эвфемик омониямига доир» (А.Омонтурдиев), «Ўзбек тилида луғавий парадигма» (Б.Қиличев), «Ижтимоий муносабатлар асосида перифразанинг шаклланиши» (Р.Нормуродов), «Луғавий микросистема ва унинг турлари» (З.Юнусова), «Сўз ишлатишнинг социолингвистик аспектларидан бири ҳақида» (Н.Бекмухамедова) каби масалалар таҳлил қилинади.

«Тил тарихи» рукнида «Алишер Навоий прозасида синтактик тавтология» (С.Аширбоев), «Навоийнинг тилшуносликдаги маҳорати»

(М.Кодиров), «Садди Искандарий» лексикасида самовий тимсоллар» (З.Ҳамидов) «Ўзбек китобатчилик терминологиясида арабча ўзлашмалар» (И.Йўлдошев), «Бобурнома»даги айрим лексемаларнинг семантик қўлами» (З.Холмонова), «Эски ўзбек тилида қўшма гаплар ва боғловчилар масаласи (И.Азимов), «Увайсий шеърятида самовий тимсоллар» (Ш.Эгамова), «Алишер Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг шева-лардаги инъикоси» (Н.Шоимова) каби муаммолар тадқиқ этилади.

Тўшамнинг «Қиёсий тилшунослик» рукнидан «А.Н.Самойлович ва биринчи туркийшунослар курултойининг чақирилиши» (Ж.Худайбердиев), «Француз ва ўзбек тилларида қўшма сўзлар ясалишининг баъзи бир хусусиятлари» (А.Умаров, Н.Каримова), «Ўзбек ва турк тилларида пайт ҳолининг ифода материали» (З.Худайберганава) мақолалари жой олган.

Тўшамга киритилган мақолалар лингвистиканинг ўз ечимини кутаётган долзарб масалаларини қамраб олган бўлиб, улар, шубҳасиз, мутахассислар назарига тушади ва келажакда амалга ошириладиган фундаментал изланишларга маълум даражада туртки вазифасини ўтайди.

ТИЛ НАЗАРИЯСИ

АЙРИМ СИНТАКТИК ТЕРМИН ВА ТУШУНЧАЛАР ҲАҚИДА

Ш.Раҳматуллаев (ЎЗМУ) *

Айюб Фулом ўзининг кўп кирралаи ва бой илмий-амалий фаолиятида ўзбек тили қурилишининг синтаксис босқичини ҳам чуқур ўрганган. Олимнинг аниқловчиларни (1941), содда гаини (1948, 1955) ёритишга бағишланган монографиялари улар чоп этилган йиллар нуктаи назаридан ўзбек тилшунослигига қўшилган катта ҳисса деб баҳоланиши лозим. Устознинг содда гаини талқин этишга бағишланган сўнгги асари вафотидан кейин босилди (Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашри. «Ўқитувчи», Тошкент, 1987). Бетоб бўлишига қарамай, Айюб Фулом дарсликдаги ўз қисмига жиддий ўзгартишлар киритган, тилшунослик фанидаги энг сўнгги янгилекларни ҳам қамраб олишга интилган. Бу дарслик ҳозир олий ўқув юртлари учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боис ўз фикрларимни шу дарслик асосида баён қиламан.

Ўзбек тилшунослигида, жуда кўп тўғри ва ўринли фикрлар билан бир қаторда, анчагина янглиш ва ноўрин фикрлар ҳам мавжуд. Олдимизда турган вазифалардан бири ана шу камчилик ва нуқсонларни аниқлаб, уларни бартараф этишдан иборат. Бундай камчилик ва нуқсонлар деярли барча асарларда топилади. Ушбу дарсликнинг тахрирчиси сифатида куйида баён қилинган барча фикрлар ўзимга ҳам тааллуқли деб биламан.

Дарсликнинг 2- параграфи «Сўзларнинг ўзаро алоқага киришувидан сўз қўшилмаси ҳосил бўлади. Булар икки хил: 1) гап (*Япроқлар кўм-кўк*); 2) сўз бирикмаси (*кўм-кўк япроқлар*)» жумлалари билан бошланган (7- бет). Дарсликдаги 7- параграф «... қўшилма уч формада – гап, сўз бирикмаси, сўз тизмаси формасида бўлади» деб тугалланган (12- бет).

Ушбу кўчирмалардаги «сўз қўшилмаси», «қўшилма» термини нисбатан янги бўлиб, юқорида саналган уч синтактик бирликнинг умумий номи сифатида ишлатилган. Аввало шунга айтиш керакки, «қўшилма» фразеология соҳасининг термини (семантик бирликнинг номи) сифатида кўндан бери ишлатиб келинади. Айюб Фулом бу терминни синтактик мундарижа билан ишлатди. Термин сифатида «сўз қўшилмаси», «қўшилма» деб икки хил ишлатиш ноўрин, иккинчисини танлаш маъқул: 1) ихчам, 2) «сўз» эмас, «сўзлар» қўшилади, «сўзлар қўшилмалари» деб ишлатиш эса услубий ғализликка олиб келади.

Бу терминни ишлатишда мазмунан ҳам икки хиллик рўй берган: 2- параграфда гап ва сўз бирикмаси тилга олинган бўлса, 7- параграфда учинчи ҳодиса – сўз тизмаси ҳам таъкидланган (Мен «сўз бирикмаси» ўрнига «бирикма» деб ишлатиш тарафдориман, чуқки: 1) ихчам, 2) «сўз» эмас, «сўзлар» бирикмади, «сўзлар бирикмалари» деб ишлатиш эса услубий ғализликка олиб келади).

Дарсликда бу уч тур кўшилма аввал предикатив алоқа (гап) ва предикатив бўлмаган алоқа тури деб иккига гуруҳланиб, иккинчиси тенгланиш ёки тобеланиш тарзида тузилиши айтилган. Бундай таснифдан сўз тизмаси ҳам (асли «сўзлар тизмаси» дейиш тўғрироқ) бирикманинг бир тури деб қаралгани англашилади. Ваҳоланки, «уюшиқ бўлак» деб номланиб келган бу ҳодиса синтагма деб қаралмайди, «уюшиқ қатор» деб юригилади; чунки уюшувчилар ўзаро тенг боғловчи, санаш интонацияси билан кўшилади, улар бошқа бир birlik билан яхлитлигича синтактик алоқага киришади. Уюшиқ қатор аъзолари ўзаро тенг ҳолатда бирлашади; агар «кўшилма» сўздан синтактик термин сифатида фойдаланиш лозим кўрилса, бу термин билан уюшиқ қаторни номлаш ўринли.

Тобе алоқа асосида юзага келадиган гапда ва бирикмада уларнинг аъзолари ўзаро тобе боғланади, шунга кўра бу икки тур синтактик birlikни «боғланма» деб юригиш ўринли; тобе боғланиш асосида боғланма юзага келади, тенг кўшилиш асосида кўшилма ҳосил бўлади.

Дарсликнинг 21- параграфи «Хар бир синтактик конструкция икки компонентли бўлади» деб бошланган, беш қатор пастда эса «... очик алоқада бир қанча компонентлар боғланган бўлади» деб, тўрт компонентли конструкцияга мисол келтирилган. Синтактик конструкциянинг (қурилманинг) икки компонентли (аъзоли) бўлиши жиҳатидан ҳам боғланма уюшиқ қатордан фарқланади.

21- параграфнинг охирида «Тенгланиш алоқасида компонентлар бир хил функцияда, семантик томондан бир тизда бўлади» дейилган (20- бет). Демак, уюшиқ қатор (кўшилма) бу жиҳатдан ҳам боғланмадан фарқ қилади.

Синтактик алоқани таъминловчи воситалар нуқтайи назаридан ҳам уюшиқ қатор (кўшилма) боғланмадан кескин фарқланади. Кўшилмада синтактик алоқани тенг боғловчи, санаш интонацияси таъминлайди, уюшиқ қатор аъзоларининг грамматик шакли бундай қаторнинг ташқи синтактик алоқаси учун хизмат қилади. Боғланма аъзолари орасидаги синтактик алоқани таъминлашда боғловчи, санаш интонацияси қатнашмайди.

Хуллас, синтактик қурилмаларни дастлаб боғланма ва кўшилма деб иккига ажратиш, боғланмаларни ўз навбатида гап ва бирикма деб иккига ажратиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади.

Айюб Фулом синтактик қурилма аъзоларини «элемент», «компонент» деб номлаган; бугунги кунда булар ўрнига «аъзо» сўзини ишлатиш билан мазмун жиҳатидаш аниқликка эришилади («элемент», «компонент» сўзларининг маъноси ўта кенг).

21- параграфда синтактик қурилма аъзолари сўз билан ифодаланиши айтилган: «(сўз+сўз)». Орага кўшув аломатини қўйиш синтактик қурилма аъзолари тенг алоқада бўлсагина тўғри (кўшилмада шундай). Тобе алоқада (боғланмада) эса кўпайтирув аломатини қўйиш қабул қилинган. Демак, икки хил формула бериш ўринли: боғланма учун — кўпайтирув аломати билан, кўшилма учун — кўшув аломати билан.

Синтактик қурилманинг ҳар икки аъзоси 21- параграфда «сўз» деб номланган бўлса (19- бет), 11- параграфда (13- бетда) бирикмада «сўз формаси ва сўз» бўлиши, эга-кесим муносабатида (гапда) эса «сўз формаси ва сўз формаси» бўлиши таъкидланган. Демак, «сўз» ва «сўз формаси» — бошқа-бошқа ҳодисалар деб қаралган. Синтактик қурилма аъзосининг «сўз формаси» деб номланишидан бу термин русча «словоформа» терминининг муқобили экани маълум бўлади. Асли «словоформа» терминини ўзбек тилига «сўзшакл» деб калъкалаш тўғрироқ (маълум вақт «сўзформа» деб ҳам ишлатдик). Сўзшакл деганда мустақил туркумга мансуб лексик бирликнинг синтактик вазифада келиш даражасида грамматик шакланган кўриниши тушунилади. Сўзшаклни ана шундай тушуниш лозимлиги 3- параграф охиридаги жумладан англашилиб турибди: «Лексема — лексик бирлик, лекин маълум грамматик формада келиб, синтактик вазифа бажаради — синтактик бирлик бўлади» (9-бет). Демак, «лексик бирлик + грамматик шакл = сўзшакл» (асли «лексемашакл» деб номлаш маъқулроқ).

3- параграфда «Синтактик конструкция хосил қилишда: 1. Материал элемент — сўзлар иштирок қилади. 2. Сўзларни бириктирувчи восита — синтактик восита сифатида аффикслар (синтактик характердаги аффикслар), ёрдамчи сўзлар (кўмакчилар ва боғловчилар), интонация ва сўз тартиби (позиция) иштирок қилади» дейилган (8-, 9-бетлар). Бу ерда «сўз» деганда «материал элемент», яъни лексема, лексик бирлик тушунилган. Бирикма «сўз формаси ва сўз»дан таркиб топади деган фикрни эсласак, «сўз» деганда «лексик бирлик»ни тушуниш тавсия этилгани аён бўлади. «Сўз» терминини шундай мазмун билан ишлатиш ўзини оқламаса керак. Масалан, ёрдамчи туркум бирликлари ҳам «сўз» деб номланади, натижада «сўз» лексик бирликнинг ҳам, грамматик бирликнинг ҳам номи бўлиб қолади. Зиддиятдан қутулиш учун сўзшаклнинг материал қисмини «лексема» деб, формал қисмини «грамматик шакл» деб номлаб, «сўз» терминини грамматик шаклланиш воқе бўлмайдиган лексик бирликларнинг номи сифатида ишлатиш мумкин.

Дарсликда синтактик алоқаларни таъминловчи воситалардан бири ҳам «сўз формаси» деб номланган, «Булар синтактик вазифа бажарувчи аффикслар — сўз ўзгартувчилардир» дейилган (16- параграф).

Аввало, «Аффикс синтактик вазифа бажаради» деган фикр — хато: синтактик вазифада келиш сўзшаклга хос. Сўзшаклнинг иккинчи қисми (грамматик шакл) турлича ифодаланади, кўпинча бир неча грамматик кўрсаткичдан иборат бўлади, булар орасида синтактик вазифани таъминлайдиган кўрсаткич ҳам қатнашуви мумкин. Шунга кўра «сўз формалари» деб кенг номлаш тўғри эмас, ҳатто «аффикслар» дейиш ҳам кенг, «синтактик табиатли аффикслар» дейиш тўғрироқ.

Кўринадики, «сўз формалари» термини 16- параграфда ва 21- параграфда бошқа-бошқа мундарижа билан ишлатилган. Бунинг сабаби маълум: рус тилшунослигидаги «словоформа» ва «форма слова» терминлари ўзбек тилига «сўз формаси» деб бир хил таржима қилинган. Асли «словоформа» терминига муқобил сифатида «сўзшакл» термини

ни, «форма слова» терминига муқобил сифатида «грамматик шакл» терминини ишлатиш маъқул.

«Сўз ўзгартувчи аффикс» термини — русча «словоизменяющий аффикс» терминининг калъкаси. Илгари, соямиздан ҳам кўрқиб юрган вақтимизда, русча терминни ўзгартиб ишлатишга кўпчилик ботинмади. Асли бундай аффикс сўзини ўзгартирмайди, балки сўзнинг шаклини ўзгартиради. Шунга кўра бундай аффикс «шакл ўзгартувчи» деб номлаш тўғри (Мен бу тур аффикс «шакл ўзгартувчи» деб номладим).

Шакл ўзгартувчи аффикс «синтактик вазифани бажаради» дейиш тўғри эмас. Шакл ўзгартувчи деб қараладиган тусловчи (шахс-сон кўрсаткичи), турловчи (келишик кўрсаткичи), нисбатловчидан (эгаллик кўшимчасидан) охириги тур аффикс синтактик вазифа учун кўпилимайди, синтактик вазифани белгилашда қатнашмайди. Шунга қарамай, нисбатловчи шакл ўзгартувчи деб қаралади. Демак, шакл ўзгартувчиларни белгилашда синтактик вазифани асосга олиб бўлмайди.

Агар сифатдош, равишдош ясовчиларини ҳам қамраб олиб фикр юритсак, синтактик вазифадан келиб чиқиш ноўрин экани жуда очик кўринади: асли сифатдош ясовчиси феъл лексемани сифатловчи вазифасида келтириш учун, равишдош ясовчиси эса ҳол (ҳолловчи) вазифасида келтириш учун, демак, синтактик вазифани таъминлаш учун қўшилади. Лекин ҳеч ким сифатдош, равишдош ясовчиларини шакл ўзгартувчи деб қарамайди.

Хуллас, шакл ясовчи ва шакл ўзгартувчи аффиксларни ажратиш бошқа ўлчов билан амалга оширилиши керак. Менимча, шакл ўзгартувчини «бошқа синтактик аъзонинг талабига кўра қўпилиш учун ва ўша синтактик аъзонинг семантик табиатига кўра танлаб қўпилиш учун ҳамда алмаштирилиш учун грамматик кўрсаткич» деб таърифлаш мумкин.

Тақлиф қилинаётган таъриф охирида «аффикс» демай, «грамматик кўрсаткич» деб таъкидлаш бежиз эмас: сўзшаклнинг формал қисми, аффикс билан бир қаторда, бошқа тур грамматик кўрсаткич билан ҳам ифодаланади. Дарсликнинг 17- параграфида тасвирланган кўмакчилар ҳам сўзшакл таркибига кириши аниқ, демак, «сўз формалари» остига бирлашади, фақат боғловчи сўзшакл таркибига қирмайди. Хуллас, 16-, 17- параграфлардаги ҳодисалар бошқача гуруҳланиши лозим.

11- параграфда бирикма «сўз формаси ва сўз»дан иборат бўлиши таъкидланган. Бирикманинг тобе аъзоси (аниқроғи — биринчи аъзоси) сўзшакл билан ифодаланади. Бирикманинг иккинчи аъзоси эса бирикма доирасида сўзшаклга тенг бўлмайди, чунки бирикманинг яхлитлигича тугал грамматик шаклланиши ташқи синтактик алоқа тугал файли воқе бўлади. Шуни ҳисобга олиб, «Нутқимиз кўрки» рисола-сида (1970) бирикманинг иккинчи аъзоси «лексик негиз» деб юритилган; ҳозирги тушунишга мосласак, «лексема» деб юритиш лозим (Баъзан маълум бир грамматик кўрсаткич ҳам қатнашади, лекин тугал грамматик шаклланиш воқе бўлмайди).

Яқингача синтаксиснинг қисмлари деб бирикма синтаксиси ва гап синтаксиси кўрсатилар эди, дарсликда синтаксиснинг алоҳида қисми деб текст синтаксиси ҳам ажратилган ва маълум даражада асосланган ҳам (6-, 7- бетлар); лекин, афсуски, дарсликнинг ўзида бундай қисм йўқ.

Дарсликдаги жуда муҳим фикрлардан бири шуки, «сўз формаси синтаксиси» ҳам тилга олинган (8- бет). «Бунда мустақил сўзлар кўзда тутилади; ёрдамчилар сўз формаларининг элементи бўлиб, гап бўлагининг составига қиради» деб таъкидланган (ўша бетда). Кўриниб турибдики, «гап бўлагининг составига қиради» деб таъкидлаш ортқача ва янглиш фикрнинг туғилишига сабаб бўлади; «ёрдамчилар» дейилиши ҳам жуда кенг, сўзшакл таркибига кирувчи ёрдамчиларнинг ўзини таъкидлаш керак.

Шу нарса аёнки, тил қурилишининг синтаксис босқичида уч синтактик бирлик мавжуд: сўзшакл, бирикма, гап. Булардан сўзшакл дастлабги бирлик бўлиб, бирикма учун, гап учун қурилиш ашёси вазифасини ўтайди. Сўзшакл учун қурилиш ашёси вазифасини эса лексема ва морфема ўтайди.

Лексема ва морфема сегмент бирликлар бўлиб, тил хотирасида лисоний бирлик сифатида намоён бўлади. Сўзшакл нутқий бирлик сифатидагина сегмент бирлик ҳолатида бўлади, лисоний бирлик сифатида эса тил хотирасида сўзшаклнинг формуласи (моделли, қолипи) мавжуд бўлади, ҳар сафар нутқда бу қолип аниқ бир лексема ва морфема билан (грамматик шакл билан) тўлдирилади. Масалан, тил хотирасида **фикрларимни** сўзшакли эмас, балки уни тузиш қолипи («от лексема + сонловчи [+ исбатловчи]+ турловчи») мавжуд, нутқ жараёнида ана шу қолип **фикр-** лексемаси ва **-лар, -им, -ни** морфемалари билан тўлдирилади. Бевосита нутқда кузатиладиган бирликдан келиб чиқиб фикрлаш одат бўлиб кетган, шунга кўра «сўзшакл» деганда сўзшаклнинг қолипи эмас, балки унинг аниқ бир лексема ва морфема билан тўлдирилган ҳолати — нутқий бирлик кўз олдига келади.

Синтаксис таркибида сўзшакл синтаксиси бўлимини ажратиш учун жуда катта ҳажмли мағни сидирғасига ўрганиб, унда ишлатилган сўзшаклларни тўғри ажратиб, турли жihatдан тўдалаб, таснифлаб, сўзшаклларнинг ҳар бир туркум бўйича қолипларини аниқлаш лозим. Ана шундан кейингина сўзшакл синтаксиси нима билан шуғулланиши ойдинлашади.

ШАРҚ ВА ҒАРБ ТИЛШУНОСЛИГИ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ АСОСЛАРИ

Ҳамид Неъматов (Бухоро ДУ)

Дастлаб **араб филологияси** (кенгрок **араб** фани) тушунчаси ҳақида. XX асрда Европа фанига эргашish асосида бизда ўзлашган **араб филологияси** тушунчасидаги **араб** сўзи халқ/элат номи сифатида тушу-

нилиши мумкин эмас. Бу бирикмадаги **араб** сўзи «исломий, мусулмон дунёсига оид» маъносига қўлланилган. VIII-XIV асрларда жаҳонда энг илғор ва ривожланган исломий маданиятнинг таркибий қисми бўлган дунёвий ва аниқ фанларнинг Европада **араб фани** деб шуҳрат топишига бу даврларда ёзилган илмий асарларнинг мусулмон оламининг муштарак (байналмилал, халқаро) алоқа воситаси — араб тилида ёзилганлиги сабаб бўлган. Ҳақиқатда эса бу фан ва маданият ислом динини қабул қилган сомий, хомий, иброний, туркий, эроний, ҳиндий, румий, андалусий каби ўнлаб тоифаларнинг муштарак мулкидир. Бу фан ва маданият тараққиётида араб тоифасига мансуб бўлмаган халқларнинг хиссаси келиб чиқиши араб бўлганлардан ўн чандон ортиқлиги барча тадқиқотчилар томонидан тан олинади. Жумладан, араб грамматик таълимотини тўғал шакллантирган олимлардан бири Сибовайх келиб чиқишига кўра эроний халқ вакилларидандир. Курьони қаримнинг тафсир ва тавсифларини арабларнинг ўзлари қарийб 800 йилдан бери «Кашшоф» асосида ўрганадилар. Бу асар эса хоразмлик ватандошимиз Замахшарий қалами остидан чиққандир. Анадалусиялик Абу Хайён турли фанларга оид 100 дан ортиқ асарларни араб тилида қолдириб кетди. Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Исмоил Бухорий, Ибн Сино, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек... Бундайлар юзлаб. Шунинг учун **араб филологияси** деганда исломий филологияни, ислом динида бўлган халқларнинг муштарак фанини тушуниш лозим.

Европада дастлаб тилшунослиқда, кейинроқ адабиётшунослиқда структурализм XX асрнинг ўрталарида кенг оммалашди. Структурал таҳлил усулининг моҳияти шундаки, нутқда турли моддий шаклларда воқеланувчи ҳар бир муайян ҳодиса бевосита кузатишда берилмаган маълум бир идрокий умумийлик (моҳият, қолип, модел)нинг юзага чиқиш шакли деб қаралади. Бу умумийлик узул, меъёрий, лисоний структур моҳият деб саналади. Ҳар бир умумийлик бошқа умумийликлар билан ўхшашлик ва фарқлилик муносабатларида — оппозитив алоқаларда туради ва бундай муносабатлар **парадигма** деб аталади. Жуда кўп ҳолларда бундай парадигмалар муайян мазмуни четлаштирилган (яъни маъно билан бевосита боғланмаган) бирликлардан — қолишлардан, моделлардан ташкил топади, чунки муайян, бевосита кузатишда (сезиш ва ўқишда) берилган маъно (мазмун) ва шакл фақат нутққа (воқеланишга) хосдир. Шунинг учун структурал изланишларда асосий диққат узул (умумий шакл ва умумий маъноли) бирликлар орасидаги ранг-баранг муносабатлар таҳлилига қаратилади ва тадқиқотчилар жуда кўп ҳолларда муносабат чизмалари, қолип, модель шаклидаги бирликлар билан иш тутиб, уларнинг ўзаро муносабатлари — оппозитивликларини ўрганиш асосида моҳиятларини очишга интиладилар (1, 2).

Араб филологияси ютуқлари билан танишган ҳар бир мутахассис (бу ютуқлар ҳақида қаранг: /3;4;5/) ўрта аср Шарқ фанининг жуда кўп жиҳатлар билан Европа структурализми таҳлил усулларига яқин эканлигини пайқаш мумкин. Шулардан айримларини эслатиб ўтайлик.

Бунда, албатта, биринчи навбатда поэтика — аруз ҳақидаги таълимот диққатга сазовордир. Аруз руки, вазн ва баҳрлари (6) шеърӣ мисра ва байтнинг шаклий-структур қолиpidир ва замонавий тилшу-носликнинг модель тушунчаси билан айнандир. Модель нуқтий ҳосилани-нинг қандай бирликлардан иборат бўла олишини белгилаб берганидек, аруз вазнлари ҳам бир руки, мисра ва байтда қандай бўғинлар кела олишини ва уларнинг ўзаро тартибини белгилаб беради.

Шеърӣ санъатлар - сановӣ бадиа, бадобул-сановӣ ҳам ўзига хос структур моҳиятга эга. Хар бир шеърӣ санъат ўзига хос узул кон-текст бўлиб, сўзнинг маъносига ва сўзлараро маъновий муносабатларга кучли таъсир кўрсатади (7). Чунончи, **чумоли** ва **фил** ёки **панша** ва **Жаброил** сўзлари ўзаро антоним эмас. Лекин тазод шеърӣ санъатида қўлланилганда улар антоним моҳиятини қашф этади. Чунончи:

Мўр анда раҳнаварду **фил** ҳам,

Панша анда тойиру **Жибрил** ҳам.

(Алишер Навоӣ. Лисонут-тайр, 153).

Афсуски, турлари 50 дан ортиқ бўлган бундай шеърӣ санъатла-ринг: структур моҳияти ҳалигача етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Тилшунослик соҳасида араб фани X асрдаёқ **парадигма** тушун-часини шакллантирган ва ундан кенг фойдаланар.эди. Бунда ҳам шарқ филологлари парадигмаларни нуқтий, муайян сўзлардан эмас, балки уларнинг структур моделларидан шакллантирар эдилар. Тилшунослар ўта мураккаб шакллар тизимидан иборат бўлган араб тили морфоло-гиясини асосан битта — уч ундошли феъл-ўзак **фаъала** асосида пара-дигмаларга бирлаштирар эдилар. Чунончи 15 аъзоли феъл навлари — породалари) парадигмаси қуйидагича берилади: 1) фаъала; 2) фаъала; 3) фояла; 4) афъала; 5) тафаъала; 6) тафояла; 7) ифъала; 8) ифтаъ-ала; 9) ифъалла; 10) истафъала; 11) ифъола; 12) ифъавъала; 13) ифъав-вала; 14) ифъанлала; 15) ифъинла.

Шу модель-парадигма асосида минглаб уч ундошли солим феъл-ларнинг шакллари ясалаверади. Табиӣки, хар бир феъл бу 15 турнинг барча шаклларига эга бўла олмайди. Шунинг учун бобокалон тилшу-носларимиз **маъруф** (маълум, амалиётда қўлланиладиган) ва **мажҳул**, **мўҳмал** (қўлланилмайдиган, лекин қоида-парадигма асосида ясалиши мумкин бўлган) ҳосилалар тушунчасини ишлаб чиққанлар. Тилшунос учун ҳосиланинг **маъруф** ёки муҳмаллигининг аҳамияти йўқ эди. Зе-роки, биров муҳмал ҳосилани ясаса ва қўлласа, «уни айблаш мумкин эмас, чунки бу иш қоидага мувофиқдир» (Маҳмуд Кошғарӣ). Юқорида-ги сўзлар ажодларимизнинг структурал таҳлил ва лисоний меъёр талқинида қанчалик юксакликларга кўтарилганликларини кўрсатиб турувчи ёрқин далилдир — улар **лисон** ва **нуқтни** (умумийлик ва хусусийликни, моҳият ва ҳодисани, имконият ва воқеликни) бемалол фарқлашган, лисоннинг системавий табиатини уқишган ва ундан ўз амалиётларида фойдаланишган.

Араб тилшунослигида барча шаклларни ҳосил қилиш мана шундай моделлар асосида берилади ва шарҳланади. Чунончи, **тароф**, **шеър**, **кутб**, **лакаб** каби сўзларнинг жамъ (кўплик) шакли **афъол** қоли-

пида ясалади, яъни бу сўзларнинг кўшлик шакллари **атроф, ашъор, актоб, алқоб.**

Моделлаштириш нафақат араб морфологиясида, балки синтактик таҳлил ва тавсифларда ҳам кенг қўлланилар эди. Шарқ филологлари араб тили гап синтаксисини асосан **Зараба Зайдун Амра - Зайд Амрни урди** гапининг турли тўлдирилиш ва кўринишларда қўлланилиши асосида тавсифлайдилар ва бу гап ўзига хос илк қолиш, модель ва-зифасини ўтаб, бунда ҳар бир сўзформа гап бўлаги, унинг ўрни ва шаклини кўрсатишга хизмат қилади, яъни модель, қолипдир. Шунга жуда яқин омилни туркий тил тавсифи учун Маҳмуд Кошгарий қўлаган (8) ва гапнинг қурилиш моделларини беришга интилган.

Шарқ тилшуносларининг таҳлил усулларини структурал тилшунослик тадқиқ омиллари билан қиёсий ўрганиш кўрсатадики, улар орасида жуда катта ўхшашлик мавжуд. Лекин биз XX аср структурализми X аср Шарқ тилшунослигидан кўчирилган деган фикрдан тамоман узокмиз. Бир-биридан деярли ўн аср узилган бу икки фан орасидаги умумийлик фан тараққиётининг барча давр ва минтакаларда бир йўналишда — фаҳмий (эмпирик) тавсифдан идрокий умумлашма, ходисалар ҳавсифидан моҳиятни очиш томон борилганини тасдиқлайди. Шарқ фани ҳам, Ғарб фани ҳам ҳар бири мустақил равишда бу йўлни босиб ўтди.

Шарқ X аср тилшунослиги ва Ғарб XX аср тилшунослигининг методологик таҳлил асарлари бир хил бўлганлиги сабабли талқинларда ҳам умумийликлар бўлиши табиий. Бу масала атрофлича тадқиқ этилиши лозим.

Адабиёт

1. Апресян Ю.Д. Идеи и методы структурной лингвистики. М., 1966.
2. Основные направления структурализма. М., 1964.
3. Гиргас Г.Ф. Очерк грамматической системы арабов. СПб., 1879.
4. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. М., 1958.
5. История лингвистических учений. Средневековый Восток. Л., 1981.
6. Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. Т., 1980.
7. Зарипов Б. Зоонимларнинг бадий санъатларнинг турларини ҳосил қилишдаги иштироки. НДА, Т., 2001.
8. Нигматов Х.Г. Некоторые особенности тюркских авторских примеров в «Диване» Махмуда Кашгари. «Советская тюркология», 1972, №1.

ЎСИНИЙ АЛОҚАЛАР — ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Х. Дадабаев (ЎЗМУ)

Маълумки, тилларга хос бир неча минг йиллик тарихий тараққиётнинг энг диққатга сазовор омилларида бири улар ўртасидаги алоқа ҳисобланади. Дунёда ўзга тил оилаларига мансуб тил ёки тил гу-

рухлари билан муносабатга киришмаган бирор бир тилни топиш амри маҳол. Жамият тараққиётининг турли замон ва маконларида мавжуд ҳамда истеъмолда бўлган тиллар бир-бирлари билан турли шаклдаги алоқаларга киришадилар, таъсир ва акстаъсир остида қоладилар.

Тиллар ўртасидаги муносабат масаласи В. фон Гумбольдт ва Г.Шухардт, И.А.Бодуэн де Куртенэ ва Н.Я.Марр сингари тилшуносларнинг назарий таълимотларидан алоҳида ўрин эгаллаган. Ушбу масала бугунги тилшунослар томонидан ҳам изчиллик билан ўрганишда давом этмоқда.

Жаҳон тилшунослиги назариясида сўз ўзлаштириш, ўзаро таъсир, яъни чагишув натижасида бошқа бир тилга айланиб кетиш ёки дурагай/аралаш тилларнинг таркиб топиши лисолий алоқаларнинг муҳим жиҳатларидан деб эътироф этилган.

Сир эмаски, ўзлаштириш ҳодисасига биринчи галда тилнинг сўз бойлиги, яъни лексика дучор бўлади. Тилнинг бошқа икки — фонетик ва грамматик сатҳларида ўзлаштириш анча кучсиз кечади. Умуман олганда, ўзлаштириш ҳодисаси кўр-кўрона, стихияли тарзда кечмайди. Тил луғат таркиби бойишининг бош омилларидан бири ҳисобланмиш сўз ўзлаштириш оқибатида муайян сўз бирлигининг лексик маъносиди, товуш қурилишида ва морфологик тузилишида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Бошқа тиллардан ўзлашган ҳамда ўзлаштирилган сўз ва морфемалар асосида ўзлаштирувчи тилда илгари мавжуд бўлмаган мутлақо янги сўзлар ясалди, қўлланишга кирди.

VIII асрнинг иккинчи ярмидан Мовароуннахрнинг араблар томонидан фатҳ этилиши бу минтақада ислом ғояси, араб тили ва араб алифбосининг мустақкам ўрнашишига замин яратди. Араб алифбоси асосидаги ёзув ушбу ҳудудда ўзига қадар турли даврларда муомаллада бўлган сўғд, руний, брахма, турк (уйғур) ёзувлар ичиди кенг ва узоқ муддат қўлланивчи ёзувга айланди (1). Натижада, маҳаллий туркийлар талаффузида улар учун хос бўлмаган сод, зод, то, зо, айн, ғайн, ҳойн ҳавваз сингари консонантлар фаол бўлмаса-да, ўрнаша борди (2).

Араб тилидан эски туркий ва эски ўзбек адабий тилига ўзлашган лексик қатламнинг миқдори асрдан асрга қараб ортиб борди. Агар илк эски туркий адабий тилга (XI-XII асрлар) оид манбалар тилида арабча ўзлашмаларнинг сони тахминан 8-10 % ташкил этган бўлса, XV-XIX аср эски ўзбек адабий тилида уларнинг миқдори деярли 33-35% ни ташкил эта бошлаган эди (3). Арабий унсурларнинг эски ўзбек тилига шиддатли ўзлашишида юқорида қайд этилган уч омил қатори форс-тожик мумтоз адабиёти ва форсийдан туркийга қилинган кўндан-кўн таржималарнинг сезиларли роли мавжуд.

Эрон тилларидан ўзлаштирилган бир қанча префикс ва постфикслар ўзбек тилида муқим ўрнашиб қолди ва улар янги сўзлар ясашда ҳозир ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Бу фикрни XIX асрнинг етмишинчи йилларидан эътиборан тилимизга кириб келган русча-ғарбий европача суффикслар борасида ҳам айтиш мақсадга мувофиқдир.

Мўғуллар истилосидан сўнг эски ўзбек адабий тилида қатъий ўрнашиб олган **-вул** аффикси ишгирокида ясалган юздан ортиқ ҳарбий-маъмурий маънодаги сўзларнинг ишлатилганлиги тарихдан маълум (4).

Тилшуносликда ўзлашмаларнинг бевосита (контактли) ва билвосита (контактсиз) турлари фарқланади.

Бевосита сўз ёки морфема ўзлаштириш жараёнида чет тили сўзларининг кириб келиши анча кучли бўлади. Масалан, ҳозирги инглиз тилида англо-саксонча сўзлар 30%ни ташкил этади. Англиянинг XI асрда норманлар томонидан забт этилиши инглиз тилига роман (француз, лотин) тилларига мансуб катта микдордаги сўзларнинг киришига сабаб бўлди (5).

XVII-XIX асрларда Олмониянинг араб ва форс дунёси билан маданий, иқтисодий (савдо) алоқаларига кириши **адмирал, алгебра, арсенал, ислам, балзам, эмир** сингари арабча, **базар, диван, кноск, пах, жасмин, қараван** каби эроний сўзларнинг немис тилида ўзлашишига олиб келади (6).

Рус халқининг Волга дарёсининг ўнг томонида яшовчи туркий халқлар билан қадимдан сиёсий, маданий, иқтисодий муносабатда бўлиши рус тилига нафақат туркийча кўпгина сўз ва терминларнинг, шунингдек 300 атрофидаги антропонимларнинг ҳам ўзлашишига имкон яратди. Туркийча **кутуз** (кутурган) сўзи асосида қосил бўлган Кутузов, **булгақ** «мағрур»дан ясалган Булгаков, **оғар/окар** сўзидан ясалган Огарков сингари антропонимлар рус тилининг ўз бойлигига айланган (7).

Ўзлаштириш жараёни доимо икки томонлама амалга ошади. Муайян тил унсурларидан баҳраманд бўлган тил ўз бойликларини ўзга тил билан баҳам кўради. Унинг тараққий топишига ҳисса қўшади. Эски ўзбек адабий тили лексик қатламида 5-6 минг атрофида форсча-тожикча ўзлашмалар қўлланишда бўлган. Айни чоғда форс-тожик тили ўз сўз бойлигини эски ўзбек адабий тилидан ўзлаштирилган жуда кўп ўзлашмалар ҳисобига кенгайтирган.

Билвосита ўзлаштириш энг аввал терминологик лексикада намоён бўлади. Ўзлаштириш аксар ҳолларда воситачи тил орқали юзага чиқади. Эски туркий адабий тил (XI-XIV) ва эски ўзбек адабий тилига ўзлашган астрономия, математика, география, тиббиёт, ботаника, зоология фанларига оид **абжал, риёзиёт, фалакиёт, устурлоб, жабал, бабр, асад, тиб, мизож** сингари арабча терминлар асосан форс-тожик тили воситада кириб келган эди. Мумтоз форс-тожик тилида **шиғавул, тавачи, кунбул, манглай** каби юзлаб мўғулча ўзлашмалар ишлатилган бўлиб, улар эски ўзбек тили орқали ўзлашган эди.

Ғарбий Европа тилларидан рус тилига ўзлашган терминларнинг микдори Пётр I даврида жуда юқори бўлган. XVIII асрнинг 30- йилларида немис, голланд, инглиз, дания, швед, француз, итальян, поляк, чех тилларидан кирган лексик бирликлар рус тили сўз бойлигининг 52% ни ташкил қилган бўлиб, улар асосан илмий, техникавий ҳамда маъмурий-ҳарбий соҳаларга тааллуқли эди. Ўзлашмаларнинг маълум

қисми Россиянинг Фарбий Европа давлатлари билан ўрнатган дипломатик муносабатлари ва лотин, немис, поляк тилларидаги китобларнинг рус тилига таржима қилиниши оқибатида кириб келган бўлса, иккинчи катта қисми поляк тилининг воситачилигида ўзлашган эди (8).

Тиллар ўртасидаги узвий муносабатлар айниқса ҳозирги фан ва техника тараққиёти даврида муҳим характерга эга бўлмоқда. Ўтган асрда собиқ советлар тарқибида бўлган бошқа миллий тиллар қатори ўзбек тилининг терминологик лексикаси русча-байналмилал терминлар ҳисобига ниҳоятда бойиб кетди. Чунки кенг кўламдаги илмий-техникани ахборот ўзбек тилига рус тили орқали етказилди.

Сўнгги ўн йилликда дунё сиёсат майдонида юз берган туб ўзгаришлар лисоний муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Жумладан, мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тун олиниши, унинг турли нуфузли ташкилотларга аъзо бўлиб кириши, кўндан-кўп давлатлар билан дипломатик, иқтисодий, маданий алоқаларнинг ўрнатилиши, айниқса ўзбекистонлик ёш мутахассисларнинг ривожланган хорижий давлатларда таълим олиши ёки малака ошириши ўзбек ва чет тиллар муносабатидаги янги бир босқични юзага келтирмоқда. Инглиз, француз, немис, корейс тилларидан сўзларни бевосита ўлаштириш ҳодисаси кўзга ташланмоқда.

Собиқ советлар мамлакатининг парчалашиб кетиши натижасида МДХнинг таркиб топиши, ёш мустақил республикаларнинг жаҳон ҳамжамияти томон юз тутиши лисоний муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аниқ тарихий шароитлар негизида амал қилиши ҳақидаги таълимотни яна бир бор исботлайди.

Адабиёт

1. Незматов Х. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Тошкент, 1992, 12- б.
2. Махмуд Кошғарий. Девоу луғотит турк. Том I. Тошкент, 1960. 48- б.
3. Бафроев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, 1983. 29- б.
4. Doerfer G. Turkische und mongolische Elemente im Neuperzischen. Bd. I. Wiesbaden. 1963 S.5.
5. Кодухов В.И. Общее языкознание. М., 1974. с.190.
6. Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. Ленинград, 1970. S.100.
7. Баскаков Н.А. Русские фамилии тюрского происхождения. М., 1979.
8. История лексики русского литературного языка. Конца XVII — начала XIX века. М., 1981. с.58-61.

МОРФЕМИК САТХДА ИНВАРИАНТ ВА ВАРИАНТЛИЛИК

Нурмонов А., Набиева Д. (АндДУ)

Морфемик сатх бирликлари фонологик сатх бирликларидан икки томонлама моҳият эканлиги, шакл ва мазмун томонига эга бўлган яхлитлик эканлиги билан ажралиб туради. Шундай экан, бундай бир-

ликларда инвариант ва вариант муносабати ҳам икки томонлама хусусиятга эга бўлади: а) шаклий инвариант-вариантлик ва б) мазмуний инвариант-вариантлик.

Тилни белгилар системаси сифатида эътироф этган Ф. де Соссюр белгини ифодаловчи ва ифодаланиш муносабатидан ташкил топган бутунлик деб қарайди. Шу билан бирга лингвистик белгининг ифодаловчиси билан ифодаланмиш ўртасидаги муносабат шартли, эркин эканлигини таъкидлайди¹.

Копенгаген тилшунослик мактабининг асосчиси Л. Ельмслев эса Ф. де Соссюрнинг лингвистик белги ҳақидаги фикрларини янада ривожлантирар экан, тил системасида белгилар билан биргаликда белги бўлмаган, лекин белгини ифодаловчи ва ифодаланмиш томонларидан ажралиб чикувчи кичик-элементлар ҳам мавжуд эканлигини баён қилади². Ифодаловчи томонидан ажралиб чикувчи энг кичик элементни ифодалаш учун *таксема* ёки *кинема* терминини, ифодаланмиш томонидан ажралиб чикувчи энг кичик элементни ифодалаш учун эса *плерема* терминини қўллашни маъқул кўради. Демак, *таксема*, *кинема*, *фонема* каби терминлар лингвистик белгининг ифода томонидан бўлинувчи энг кичик қисми учун, *плерема*, *сема* терминлари эса маъно томонидан бўлинишнинг энг охириги элементи учун қўлланилади.

Шуни таъкидлаш керакки, структур тилшунослик анъанавий тилшуносликдан бевосита кузатишда берилган моддий воситаларни эмас, балки шу воситалар орқали воқеланиш имкониятига эга бўлган абстракт бирликларни ўрганишга эътиборнинг қаратилиши билан фарқ қилади. Хусусан, Л.Ельмслевнинг таъкидлашича, реал тил бирлиги товуш ёки ёзув белгиси ҳам эмас, маъно ҳам эмас, реал тил бирлиги товуш ёки ёзув белгиси ва маъно орқали намоён бўлган муносабат элементларидир. Шундай экан, унинг фикрича, масаланинг моҳияти товуш ёки ёзув ифодаси ва маъноларда эмас, балки уларнинг нутқ занжирларидаги ва грамматика таркибидаги ўзаро муносабатидадир. Ана шу муносабат тил системасини ташкил этади ва ана шу система у ёки бу тилнинг ўзига хос томонини ташкил этади. Бу муносабатларнинг турли моддий воситалар ёрдами билан воқеланиши эса система учун катта аҳамиятга эга бўлмайди³.

Шунингдек, у тилда ифода шани билан мазмун планини ажратар экан, бу планларнинг ҳар бири субстанцияси ва ўз шаклига эга бўлишини баён қилади. Унинг таъкидлашича, шакл барқарор ва белгиловчи бўлиб, субстанция ўзгарувчан, тобе хусусиятга эга. Шундай қи-

¹ Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. - Труды по общему языкознанию. М., «Прогресс», 1977.

² Ельмслев Л. Метод структурного анализа в лингвистике. - Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. М., 1960, с.56.

³ Ельмслев Л. Метод-структурного анализа в лингвистике. - Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. М., 1960, с.49.

либ, лингвистик белгининг ифода томони ҳам, маъно томони ҳам имконият ва воқелик диалектикасини ўзида намойён этган ҳолда ифода шакли ва ифода субстанцияси, маъно шакли ва маъно субстанциясига ага бўлади.

Лингвистик белгиларнинг маъно шакли ва субстанциясида шакл субстанцияга нисбатан белгиловчи ва барқарор бўлганлиги учун тилшуносликнинг асосий текшириш объекти лингвистик белгиларнинг шакли бўлиши кераклиги таъкидланади.

Д.Ельмслевнинг шакл ва субстанция ҳақидаги фикрлари кейинчалик моҳият жиҳатдан сақланиб қолган бўлса ҳам, лекин белгиловчи, барқарор томонини ифодалаш учун субстанция, тобе, ўзгарувчан томонини, субстанциянинг турлича моддийлашуви учун эса шакл терминини Д.Ельмслевнинг назарияси билан бошқа тилшунослар, хусусан, С.Н.Иванов тавсия этган субстанционал морфологияда имконият — воқелик диалектикасини намойиш этиш учун қўлланилса ҳам, лекин улар икки йўналишда ўзаро ўрин алмашинади. Бирида имкониятни ифодалаш учун қўлланилган термин воқеликни, воқеликни ифодалаш учун қўлланган термин эса имкониятни ифодалаш учун қўлланилади.

Лингвистик белгининг ифода томони билан маъно томони ўзаро коммутация муносабати билан боғланади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ифода томони билан маъно томони ўртасида доимий боғлиқлик бўлиб, бу боғлиқлик тил эгалари хотирасида ўринлашади. Ифода планидаги ўзгариш маъно планида ҳам ўзгаришга олиб келади. Масалан, *нон* лексемаси биринчи товушининг **т, қ, х** каби товушларга ўзгаруви маънонинг ўзгарувиға, демакки, **тон, қон, хон** каби бошқа-бошқа моҳиятларнинг келиб чиқишиға сабабчи бўлади.

Лингвистик белгининг ифода томонидаги муайян товушларнинг ўзгариши маъно томонининг ўзгаришиға олиб келса, ифода томонининг бундай ўзгариш муносабатида бўлган унсурлар муносабати субституция ҳисобланади.

Ўзаро коммутация муносабатида бўлган ифода томони билан маъно томони яхлитлиги ва бу яхлитликнинг тил эгалари хотирасида имконият тарзида мавжуд бўлиши тил системасининг мустақил бирликлари ҳисобланади ва у инвариант саналади.

Ўзаро субституция муносабатида бўлган элементлар эса бир инвариантнинг турли вариантлари ҳисобланади.

Лингвистик белгиларнинг бу икки плани ўртасидаги инвариантлик-вариантлик муносабатини ёритишға бағишланган бир қатор асарлар майдонға келди¹. Лекин бу асарларда шакл ва мазмун планларидаги инвариант-вариантликни бир-бириға аралаштириш ҳолатлари учрайди.

¹ Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма. М.: Холдова К.Н. Варьирование в соотношении в грамматике старославянского существительного. ВЯ, 1975. №3; Шукуров А.И. 5000к Динда сўзнинг морфологик вариантлари, Тошкент, 1990.

Хусусан, К.И.Ходованинг таъкидлашича, грамматиканинг бирликлари ўзида шакл ва мазмун планларини мужассам этади. Шунинг учун тадқиқотчи олдида грамматик сатҳда қарама-қаршиликлар системасини топиш ва шакл ва мазмун планларининг боғлиқлиги хусусиятларини белгилаш каби масалалар туради. Бундай боғлиқликлар бир хил мазмуннинг бир неча шакллари орқали намоён бўлиши билан мураккаблашиши мумкин. Шунинг учун грамматикани система сифатида ўрганишда деярли барча қийинчиликлар ўхшашлик муаммосини хал этишда пайдо бўлади.

Унинг фикрига кўра, ўхшашлик муаммосининг асосий аспекти лингвистик бирликларнинг вариантланиши аспектидир. Олима вариантликнинг мазмун ва шакл планларидаги турларини фарқлайди. Мазмун вариантчилигида мазмун ўзгарган ҳолда шакл барқарор қолади. Шакл вариантчилигида эса, аксинча, шакл ўзгарувчан, мазмун барқарор қолади. Тил негизини маъноли бирликларнинг систем тузилиши ташкил этади. Систем муносабатлар мазмун планида намоён бўлади ва грамматик системани қуришда мазмун планидан боришга тўғри келади. Тилга бундай ёндашувда функция шаклдан олдин келади, шунинг учун мазмуний бирликлар мазмун планига мўлжалланиши керак.

Г.Глисоннинг фикрича маъно — «аниқ кузатувга берилмайдиган, ўзгарувчан катталик». Маъно жиҳатдан яқинлик турли даражада тахминий ва ҳатто эркин бўлиши мумкин. Гап зиддиятлар орқали намоён бўлувчи маъно бирликлари ҳақида борар экан, бир хил синтактик (синтагматик) позицияни эгалловчи элементларга нисбатангина қўллаш шартларига амал қилиш лозим. Бу ўринда парадигматик пландаги таҳлил синтагматик таҳлилга бўйсунганини ёдда сақлаш керак. Шундай қилиб, шаклларнинг мазмун бирлиги ҳақида фақат синтактик позиция бирлиги шартига амал қилган ҳолда гапириш мумкин. Масалан, юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, феъл приставкаси *при-* ва қаратқич келишида қўлланувчи *оу* боғловчиси маъно жиҳатдан кўп умумийликка эга бўлишига қарамай бир бирликнинг манифестациялари ҳисобланмайди ва шунинг учун вариантлар ҳам, синонимлар ҳам бўла олмайди¹.

К.И.Ходова вариантликнинг икки асосий тури мавжудлигини кўрсатади: а) боғли; б) эркин. Боғли вариантланишда ҳар бир бирлик вариантлари ўзаро қўшимча дистрибуция муносабатида бўлади. Эркин вариантланишда эса вариантлик бирикувчанликка боғлиқ бўлмайди. Мослашувчи дистрибуция шароитида амалга ошади².

Вариантларнинг бир хил қуршовда ўзаро қўшимча дистрибуция муносабатида бўлиши тўғри. Лекин К.И.Ходованинг чекланган томони шундаки, мазмуний инвариант бевосита кузатишда, нутқий жараёнда

¹ Ходова К.И. Ўша асар. 75- б.

² Ходова К.И. Ўша асар. 75- б.

мазмуний вариантлар орқали эмас, балки шаклий вариантлар орқали инфодаланиши ҳақида фикр юритадик, натижада ҳар икки планга мансуб бўлган инвариант — вариантлик муносабати бир-бирига аранштирилади. Шунинг учун ҳам ўзаро синонимик муносабатда алоҳида-алоҳида моҳиятлар саналувчи бир неча тил бирликлари бир мазмуний инвариантнинг вариантлари саналади. Натижада бир синонимик уяга бирлашган лексемалар ёки бир гипероним таркибидаги бир неча гипонимлар бир инвариантнинг вариантлари бўлади, деган ғайриилмий ҳулоса чиқаришга олиб келади. Ёки вариантлик лингвистик бирликларнинг бир планига нисбатан белгиланса ҳам, лекин инвариантлик имконият ва воқелик диалектикаси асосида эмас, балки бир воқеликнинг иккинчи воқеликка муносабатига кўра белгиланади.

Хусусан, Р.Шукуров лингвистик бирликларнинг мазмунни сақланган ҳолда шакл ўзгаришига олиб келувчи ҳолатларда шакл ўзгарган ҳолатини ўзгармаган ҳолатига нисбатан вариант деб ҳисоблайди. Бунинг натижасида бевосита кузатишда берилган бир моддийлик иккинчи моддийликка нисбатан инвариант ҳисобланади. Бундай ҳолда меъёр инвариант, меъёрнинг бузилиши эса вариант саналади. Имконият-воқелик диалектикасига амал қилинса, ҳар қандай воқеланган моддий воқелик муайян имкониятнинг (инвариантнинг) турли вариантлари саналади. Бу жиҳатдан Р.Шукуров инвариант сифатида келтирган бирликларнинг барчаси реал, нутқий жараёнда воқеланган, акустик-артикуляцион ҳоссага эга бўлган вариантлар сирасида туради.

Шундай қилиб, фонологик сатҳдан юқори сатҳ бирликлари, шакл ва мазмун томонига эга бўлган икки томонлама моҳият бўлганлигидан инвариант — вариантлик муносабати ҳам икки томонлама хусусиятга эга бўлади; шаклий инвариант — вариантлик ва мазмуний инвариант — вариантлик.

Ҳар икки инвариант — вариантлик умумий бирликларнинг хусусийликлар орқали воқеланишини акс эттирар экан, оралик ҳолатда алоҳидаликларнинг мавжуд бўлишига йўл қўяди. Хусусан, ҳар бир лексик морфема умумлашма, моҳият, система сифатида шакл ва мазмун муносабати бирлигидан ташкил топади. Шу билан бирга у бевосита кузатишда вариантлар орқали намоён бўлишда лексик морфема билан вариант оралиғида шаклий умумлашма ва мазмуний умумлашмаларнинг мавжуд бўлишига йўл қўяди. Шаклий умумлашма учун **помема**, **кинема** сингари «са» билан тувовчи термин қўлланилса, мазмуний умумлашма учун эса **семема**, **плерема** каби терминлар қўлланилади. Лексик морфеманинг помема томони ҳам, семема томони ҳам умумлашма сифатида ўз ички тузилишига эга бўлиб, бир неча шаклий ва мазмуний вариантлардан ташкил топади. Ҳар бир мазмуний вариант учун **сема** ёки лексик мазмуний вариант (ЛМВ) термини қўлланилади. Лексик шаклий вариант учун сема каби махсус термин қўлланилмайди. Лексик шаклий вариант (ЛШВ) термини билан юритилади. Агар маз-

мун планида семеманинг таркибий узвлари учун сема терминидан фойдаланар эканмиз, шаклий томони, номеманинг худди шундай узвлари учун семема — семага аналогия йўли билан ногема — ном зидланишидан фойдаланиш мумкин.

ЛИНГВИСТИК ПОЭТИКА ВА УНИНГ ФИЛОЛОГИК ТАҲЛИЛДАГИ ЎРНИ

Мирзаев И. (СамДУ)

Маълумки, ҳозирги пайтда жадал шаклланиш ва кенг тараққиёт йўлига кирган *лингвистик поэтика (ЛП)* ўзаро боғлиқ икки ҳолат асосида юзага келган. Бу ҳолатлардан бири Ф. де Соссюрнинг **тил/нутқ** дихотомисига кўра «тил» тушунчасининг ўзини чуқур таҳлил ва талқин этиш бўлса, иккинчиси ОПОЯзчилар ҳамда Прага тилшунослик тўғарида аъзолари ғояларининг жаҳоний эътирофи ва уларнинг кейинги давр тадқиқотларида кенг тадбиқ этилишидир (Григорьев, 6-91).

Тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг муштарақ жиҳатлари замирида Ю.Н.Тынянов ва Р.Я.Якобсон, С.Карцевский, И.Мукаржовский, Г.О.Винокур, Ю.М.Брик, В.М.Жирмунский, В.П.Григорьев, А.Д.Григорьева, И.И.Ковтунова, С.Ф.Гончаренко, Л.В.Зубова каби *филолог* олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ пайдо бўлган фанимиздаги бу янги йўналиш ўз олдига мутлақо асоссиз равишда тармоқланиб (тилшунослик, адабиётшунослик, шеършунослик, стилистика, фонология, нутқ маданияти, бадиий асар тили ва б.) кетган *филологиянинг* илмий принцип сифатидаги *яхлитлигини бадиий матн таҳлили асосида таъминлашни мақсад қилиб қўяди*. Зотан, юқорида санаб ўтилган филологик фанлар(тармоқлар)нинг бирортаси ҳам ўз ҳолича, яъни бири иккинчисининг ютуқларидан баҳраманд бўлмаган ҳолда *матннинг филологик таҳлилини* бера олмайди. Чунки ҳар қандай фикр, тушунча ёки образ сўз(ва унинг турли комбинациялари)да ўз ифодасини топади. Қолаверса, сўз адабиётнинг бирламчи элементи эканлиги аллақачон эътироф этилган.

Сўз эса, маълумки, фанимизда белги(оддий, масалан, йўл ҳаракати белгиси каби) деб қабул қилинган. Бинобарин, шу ўринда белги тушунчасига нисбатан олимларнинг муносабатларини келтириб ўтиш ўринлидир. Чунки унинг таърифи ва тавсифида бирёкламалик, тор фикрлаш кўзга яққол ташланади.

Аксарият тадқиқотчилар лисоний белгининг табиати ва унинг умумий семантик тизимда тутган ўрни ҳақида гапирганда, кўпинча сўзни назарда тутадилар ва бунга сабаб қилиб унда ифода ва мазмун планларининг мутаносиблигини кўрсатадилар. Бироқ В.Г.Гак ўзининг «Лисоний белгининг икки тури ҳақида» номли мақоласида мазкур муаммонинг бошқача, унинг моҳиятини тўлиқроқ акс эттирадиган талқи-

нини беради (Гак- 1967, 14-18). У семиотик жараённинг тугал хосиласи деб фикр(сўз ва гап воситасида идрок этиладиган белги)ни тушунади ва сўзни шу белгининг элементи — *ярим белги* — тарзида таърифлайди. Чунки *тўлиқ белги* — *фикр* — бевосита нутқ вазиятига мос, предикатив хусусиятга эга, бир маъноли, унинг референти мазкур белги тизимига нисбатан объектив тарзда мавжуд. Ярим белги (яъни сўз) фақат тўлиқ белги доирасидагина нутқий жараёнда қатнашади. У кўп маънолилиқ табиатига эга, референти эса белги тизими ичида шартли равишда содир бўладиган бўлакларнинг маҳсулидир.

В.Г.Гак фикр ўзининг микдорий чекланмаганлиги туфайли белгилар тизимидан ташқарида бўлади, деб ҳисобловчи олимларга эътироз билдириб, белгилар силсиласида *ички ва ташқи* тизимларни ўзаро фарқлаш лозимлигига эътиборни қаратади. Агар ташқи тизим, унинг асосли таъкидлашчи, мазкур предметларнинг ўзига хос систем муносабатларини акс эттирс, ички тизим тил бирикчалари аро мавжуд бўлган парадигматик ва синтагматик муносабатларга асосланади. Фикрда эса ички системалилик бор (Мирзаев ва б., 10-11).

Дарҳақиқат, имконият тарзида (тил сатҳида) мавжуд бўлган сўзни белги деб қараш тил/нутқ дихотомияси талабларига *зид* бўлиб, лисоний белги тушунчасини ўзида мужассам этолмайди. Бу — биринчидан. Иккинчидан, ҳар қандай белги *ифода, мазмун ва функция* планларининг муштгарак мажмуи сифатида идрок этилар экан, тил сатҳида мавжуд бўлган сўзда бу учликнинг бўлмаслиги табиийдир. Бинобарин, нутқ жараёнида қатнашмаган сўзни лисоний белги деб қараш, тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро чалкаштириш баробарида, лисоний белги тизими ҳақида объектив тасаввур ҳосил қилиш имконини йўққа чиқаради. Учинчидан, илмий манбаларда лисоний белги *ифода* плани ва *мазмун* планига эга деган фикрнинг устуворлиги ҳам белги сифатида сўзни тушунишга асосланган бўлиб, у методологик нуктайи назардан ҳам нотўғри. Модомики, белги муайян нарса-ҳодиса ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиши лозим экан, унда *ифода* ва *мазмун* планлари билан бир қаторда *функция* планининг бўлиши ҳам керак эди. Кейинги ҳолат эътироф этилгандагина лисоний белгининг тизими ва унинг бирламчи элементи ҳақида сўз юритиш мумкин.

Лисоний белгининг икки тури ҳақидаги мулоҳазаларнинг мухтасар баёнига шу ерда нукта қўйиб, мақола мавзусига қайтамыз. Тилшуносликнинг филология (апикрофи, филологик таҳлил) доирасидан чиқиб кетиши ундаги қатор муаммоларнинг ижобий ҳал бўлишига муҳим туртки бўлганлиги баробарида тадқиқотчиларни филологиянинг асосий объекти ҳисобланган матн таҳлилидан узоқлаштирди, натижада матн яхлит лисоний ҳодиса сифатида барча филологик фанлар иштирокида ўрганилмай қўйилди. Бошқача айтганда, белгига (кенг маънода матнга) хос турли (*ифода, мазмун, вазифа*) планлар филологиянинг турли тармоқлари ёрдамида турлича ўрганила бошланди. Афсуски, бу тармоқ-

ларнинг бирортаси ҳам ўз ҳолига, юқорида таъкидланганидек, матннинг филологик мақомини (яъни лисоний белгилик ифода, мазмун ва функция планларини) очиб беролмайди.

Баён қилинганлардан бугунги билим ва имконият доирасида филологиянинг яхлитлигини таъминлаш мумкинми, деган табиий савол туғилади. Бу саволга ижобий жавоб бериш, ўз навбатида, икки муҳим ташкилий ва услубий масалани зудлик билан ҳал қилишни тақозо этади. Биринчидан, ўрта, ўрта махсус ва олий таълимнинг тегишли ихтисосликлари (кейинги иккитаси бўйича) ўқув режаларини ислоҳ қилиш ва, иккинчидан, таълим жараёнида матннинг филологик таҳлиғига кенг йўл очиш мақсадга мувофиқлигини тан олиш лозим. Учинчидан, лингвопоэтика бугунги кунда филологиянинг яхлитлигини тиклаши мумкин бўлган соҳа деб эътироф этилаётган экан, унинг мақсад ҳамда вазифаларини, тадқиқот объектини, бошқа тармоқ фанлар билан муносабатини аниқлаб олиш ва бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш керак.

Таъкидлаш жоизки, лингвопоэтиканинг назарий муаммолари билан жиддий шуғулланиш даври ўтган асрнинг 60- йилларига тўғри келади. Бу соҳадаги тадқиқотларни кўпайтириш ва кучайтириш зарурияти кейинги йилларда филология илмининг энг долзарб вазифаларидан саналмоқда. Чунки лингвопоэтика нафақат тилнинг ижтимоий вазифа ҳамда мақсадларига, шунингдек унинг кўплаб назарий-методологик масалаларига тамомла янгича ёндашиш имконини беради. Лингвопоэтика тил/нутқ диxотомиясига монанд иш кўриб, тилнинг умумий муаммоларини қамраб олиш билан бирга, тармоқ фанлар вазифаларини ҳам ўз ичига олади ва шу тарзда филология бирлигини таъминлашга кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, мутахассис-филолог тайёрлаш сифатини яхшилаш, нутқ маданиятини кўтариш, ижтимоий мулоқот савиясини ошириш каби ақтуал вазифалар ҳам лингвопоэтиканинг келгусида тараққий этишига кафолатдир.

Фойдаланилган адабиёт

1. Бахтин М.М. К эстетике слова // Контекст 1973. -М.: Наука, 1974.
2. Брик О.М. Звуковые повторы // Поэтика. Сборник по теории поэтического языка. -Т.: ОПОЯз, 1919, вып. 1-2.
3. Винокур Г.О. Культура языка. -М.: Федерация, 1929.
4. Гак В.Г. О двух типах знаков в языке.(высказывание и слово) // Язык как знаковая система особого рода. -М: Наука, 1967.
5. Гончаров Б.П. Звуковая организация стиха и проблемы рифмы. -М.: Наука, 1973.
6. Григорьев В.П. Поэтика слова. -М: Наука, 1979.
7. Григорьева А.Д. Слово в поэзии Тютчева. -М.: Наука, 1980.
8. Жирмуцкий В.М. Теория стиха. -Л., 1975.

9. Зубова Л.В. Поэзия Марины Цветаевой. Лингвистический аспект. Л.: ЛГУ, 1989.
10. Зубова Л.В. Потенциальные свойства языка в поэтической речи М.Цветаевой. -Л.: ЛГУ, 1987.
11. Карцевский С. Об асимметрическом дуализме лингвистического знака// Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX вв. в очерках и извлечениях, ч. II. М.: Просвещение, 1965.
12. Ковтунова И.И. Асимметрический дуализм языкового знака в поэтической речи // Проблемы структурной лингвистики. 1983. М.: Наука, 1986.
13. Ковтунова И.И. Поэтической синтаксис. М.: Наука, 1986.
14. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. Л.: Просвещение, 1972.
15. Мирзаев и др. Библиографический указатель по языкознанию. Профессор В.Г.Гак. Самарканд: СамГУ, 1982 (В.Г.Гак илмий ишларининг муфассал аннотацияси билан).

ФОНЕТИКА, ФОНОЛОГИЯ

ПРОФЕССОР АЙЮБ ҒУЛОМ ВА ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНОЛОГИЯСИ ХАМДА МОРФОНОЛОГИЯСИ

Абдуазизов А.А. (ЎЗМУ)

Таниқли тилшунос проф. Айюб Ғулом ўзбек тилининг турли масалаларига доир асарларида фонология ва морфонология бўйича ўз фикрларини ёзиб қолдирган. У тилшуносликдаги янгиликлардан яхши хабардар бўлиб, ҳар бир муаммонинг назарий жиҳатларини ўрганиш ҳақида ўз мустақил фикрини айта олувчи теран фикри, ўта билимдон олим ва меҳрибон устоз эди. Проф. Айюб Ғулом фонологияга доир алоҳида асар ёзмаган бўлса ҳам, бу соҳани чуқур ўрганган ва баъзи асарларида ўз илмий қарашларининг бирор жиҳати ҳақида қийматли фикрлар айтган. Афсуски. Проф. Айюб Ғулом барча ғояларини ёзиб қолдирмаган, лекин ўз маъруза ва суҳбатларида ҳамкасблари ва шогирдларига фонология ва морфонологияга доир маслаҳатларини айтган. Мен Айюб Ғуломнинг фонемага берган таърифини унинг маърузаларида (1959-1960 йиллар) этишганман: «Бир товуш доирасида турлича талаффуз қилинувчи, сўз ва сўз формаларини ташкил қилувчи ва уларни факрланш учун хизмат қилувчи энг кичик тил элементи фонема дейилади».

Бу таъриф акад. Л.В.Шчербанинг ўша даврда анча кенг тарқалган ғояларига яқин бўлиб, бу ғоя ҳатто чет элларда ҳам маълум эди. Хусусан, Лондон фонология мактабининг улкан вакили Д.Жоунз ҳам «фонема» термини ва унга берилган таърифни Л.В.Шчербадан олганлигини тан олган эди. Айюб Ғулом Л.В.Шчерба, Е.Д.Поливанов, Л.В.Зиндер, А.А.Реформатский каби машҳур тилшуносларнинг фонетика ва фонологияга доир асарларига тез-тез мувожаат этар эди. У фонеманинг сўз ва морфеманинг товуш қобиғини фарқловчилик хизматида кўпроқ эътибор бериб, «фонема — ижтимоий жиҳатдан тан олинган товуш» деб таъкидлар эди. Кейинги таърифта «Фонема тилда (нуктада эмас) ижтимоий функцияни бажаради ва шу тил вакилларининг барчаси томонидан онгли равишда бир хил қабул қилинади», — деб қўшиб қўяр эди. Бу таърифда Н.С.Трубецкойнинг «фонема — тил товуши, товуш — нутқ товуши» — деб, аввало тил ва нутқни, кейин фонема ва товушни фарқлагани ва ҳар бир товушни онгли равишда бирор фонеманинг вакили сифатида қарагани мужассамлашган.

Проф. Айюб Ғуломнинг «Ўзбек тилида урғу» (Тошкент, 1947) асари ҳеч қандай экспериментсиз ёзилган бўлиб, етук олимнинг позик фонетик сезгирлигидан нишонадир. Бизнингча, бу илмий асар фақат фонетик жиҳатдан эмас, кўпроқ урғунинг фонологик табиатини ўрганиш жиҳатдан аиниқса қийматлидир. Туркий тилларда урғунинг табиати, ўрни ва функциялари ҳақида кўпгина қарама-қарши ғоялар мавжуд

бўлган даврда проф. Айюб Фулом ўзбек тилида урғу ҳақида асар ёзгани унинг забардаст олим эканлигини тасдиқлайди.

Проф. Айюб Фулом фонологияда фонемалар системаси ва просодикани фарқлар эди ва просодикага акцентология ҳамда интонацияни киритар эди. Шу сабабдан унинг урғу ҳақидаги асарида ҳам урғунинг фонологик функциясига алоҳида эътибор берилган.

Проф. Айюб Фулом сўз урғуси билан фраза урғусини фарқлайди: уларнинг биринчиси сўзларга, иккинчиси интонациянинг бир компоненти сифатида катта ва кичик ибораларга тегишлидир. У ёзади: «Фикрнинг ўзгаруви тартиб билан ифодаланавермайди. Айрим ўринларда бу фарқ интонация орқали ифодалангани. Масалан: Учта болали хотин (1 — **Учта** болали хотин. 2 — **Учта болали** хотин); Темир йўлда ётибди (1 — **Темир** йўлда ётибди. 2 — **Темирйўлда** ётибди) ва бошқалар. Юқоридаги мисол билан гапда сўз тартиби доим ҳам маънони фарқлай олмаслиги ва бу фарқ интонация ёрдамида ҳам ифодаланишини исботлаган. Бу ўринда интонациянинг етакчи компоненти бўлган фраза урғусининг бир кўриниши, яъни мантиқ урғусининг бир гапни икки хил мазмунда бўлишидаги фонологик хизмати кўрсатилган. Кейинги давр интонологиясида фраза урғусининг бу табиати нутқнинг акцент бўлиши семантикаси деб аташмоқда.

Проф. Айюб Фуломнинг нодир асарларида доим янгиликдан бирор «нишона» сезилиб туради. Устоз бирор марта ҳам «фоностилистика» терминини қўлламаган бўлса ҳам, бу тушувчаннинг ўрнида «эмоционал тусда ифодалаш», «экспрессивликини кучайтириш, бирор оттенка бериш» каби турли ибораларни қўллаган. Устоз тил ва адабиёт стилистикасини фарқлар ва уларнинг узвий алоқадорлигини инкор этмас эди. Ўта билимдон стилист бўлган олим синтаксис ва стилистикани боғлаб турувчи асосий пойдевор интонация эканлигини чуқур билар эди. Проф. Айюб Фулом морфонология масалаларини морфологияга киритган ва бундай қараш ўша даврда кўпроқ тарқалган эди. «Морфонология морфемаларни шакллантирувчи фонемаларнинг шу позициядаги хусусиятларини, морфемаларнинг қўшилишида учрайдиган фонетик ҳодисаларни, ўзгаришларни текширади, бу ўзгаришлар регуляр моделларини аниқлайди». Устознинг бу изохи морфонологиянинг мавзуси ва вазибаларини тўла ифодалайди. Ҳозирги давр тилшунослиги проф. Айюб Фуломнинг юқоридаги фикрларидан чекингани йўқ. Бу изоҳ гўё бугун айтилгандек ҳамон ўз қийматини сақлаб турибди.

Проф. Айюб Фулом 1957 йилда Фанлар Академияси нашр этган «Ҳозирги замон ўзбек тили» китобининг «Морфологияга кириш» (285 — 302-бетлар) ва «Феъл» (377 — 469-бетлар) бобларини ёзган эди. Ўша даврларда морфонология тилшуносликнинг* алоҳида бўлими ёки босқичи сифатида қаралмас эди. Шу сабабли Айюб Фулом «товуш алмашинуви» иборасини қўллаб, унинг ҳозирги ва тарихий сабаблари ҳақида ўша даврга мос ва чуқур фикрларини баён қилган. У шундай

Ўзган эди: «Ўзбек тили морфологик тузум жиҳатидан агглютинатив тил бўлса ҳам, лекин унда ўзакнинг ўзгариш ҳоллари ҳам учрайди (сўз яшаш ва сўз ўзгаритиришда ўзақдаги бирор товущининг алмашиши ёки тушиши ва бошқалар. Масалан: *ўроқ-ўроғи, ўғил-ўғли* каби). Бундай вақтда сўзнинг ўзак ва аффикслари ажралиши, одатдагига қараганда қийинлашади, бироз бошқачароқ характерга эга бўлади. Масалан, *сескан* феъли аслида *сез* ўзагидан ясалган, лекин бу ўзак якка ҳолда *сез* формасида қўлланилмайди». Айюб Ғулом ана шундай *сез-сескан-мок*, бу кун-бугун, паст-пасаймоқ, султ-сусаймоқ каби мисоллар ёрдамида сўз таркибида рўй берадиган фонетик ўзгаришлар соддаланиши яна ҳам кучайтиришини ва бунда сўзни морфемаларга ажратиш анча қийинлашишини тушунтириб берган.

Аффиксация ёрдамида сўз яшаш ва сўз ўзгартиришда ўзак, негиз асосан ўзгармаслигини кўрсатиб, баъзи ҳолларда фонетик ўзгариш бўлишини ҳам уқтиради. Ана шундай фонетик ўзгаришларнинг турларини санаб ўтади: 1) товущ алмашади: (*ўртоқ-ўртоғи, сон-сана-санок, тоғ-тоққа, иш-ишла-ишловчи, ўқи-ўқув, сайла-сайлов* каби). Проф. Айюб Ғулом ҳамма ўзак морфемаларда бундай ўзгариш бўлмаслигини аниқлаб, «товущ алмашиши қариндош сўзлар ёки сўз формаларини ҳосил қилишда бошқа товущ билан қонуний алмашишидир», деб хулоса чиқаради. Бунда товущ алмашишининг ўз қонуниятлари борлигини айтиб, унтилларда о-а (сон-санок, онг-англа каби), и-у (*ўқи-ўқув, таши-ташув* каби) ва бошқаларни, ундошларда қ-ғ (*ўртоқ-ўртоғи, ўроқ-ўроғи* каби), к-г (тилақ-тилағи, билак-билағи) алмашувларини кўрсатиб ўтади; 2) товущ тушиб қолади (*улуғ-улғаймоқ, оғиз-оғзи, паст-пасай, султ-сусай* каби); 3) товущлар ўрин алмашади (*ёғ-ёмғир, шапра-шарпа* каби); 4) товущ (одатда ундош товущ) орттифилади (*иси-иссиқ, ачи-аччиқ* каби). Аффикслардаги фонетик ўзгаришнинг тилнинг тарихий тараққиёт жараёни билан боғлиқлиги куйидаги мисоллар билан тасдиқланади: *иссиқ* ўзида қадим-аслда с ундоши битта бўлган (*аччиқ* сўзи ҳам шундай), лекин товущнинг такрорланиши маънони кучайтириш талаби билан бўлган. Шунингдек, арт, айт, курт сўзларида ҳозир фонетик ўзгариш сезилмаса ҳам, аслида улар ари-т-арт, ай-ит-айт, курут-курт шаклида бўлган. Проф. Айюб Ғулом «товущ алмашиши», «товущ тушиб қолиши», «товущ орттириш» деб атаган ҳодисаларда о-а, а-о, и-у, қ-ғ, к-г алмашинувларини морфологик деб ҳисоблаб, қисқача морфемалар тарзида қараш мумкин.

Одатда сўз ўзагида—ўзак морфемаларда морфонологик алмашув ҳам учрайди, бунини проф. Айюб Ғулом ҳам кўрсатиб берган. Лекин аффиксал морфемалардаги морфонологик алмашув анча кўпроқ учрайди. Морфонологик хусусиятларнинг ўзак ва аффиксал морфемалар чегарасида ва кўпинча бўғин чизиғида бўлиши ҳам бежиз эмас. Чунки худди шу морфемалар учрашган ўрин турли «фонетик» ва «фонологик» ўз-

гаришларнинг майдонига айланади. Бу хусусият умуман агглютинатив тилларга хосдир. Шу ўринда морфологиянинг сегмент (фонема) ва суперсегмент (бўгин, ургу, интонация) босқичида бўлиши туфайли, уларнинг биринчиси морфонологик алмашув, иккинчиси эса акцентологик морфология деб аталган. Умуман, морфонологик хусусиятлар ҳинд-еврупо тилларида, айниқса славян тилларида кўпроқ учрайди. Морфонологик хусусиятлар туркий тилларда ҳам озми-кўпми мавжуд, бироқ ўзбек тилида улар деярли бошқа туркий тиллардан кўра камроқ кўрилади. Фонология ва морфология орасидаги «кўприк босқич» бўлган морфонология тилнинг ички структураси билан боғланиб, ундаги қизиқ хусусиятларни аниқлашда ёрдам беради. Шу сабабли ҳам проф. Айюб Фулом морфонологияга катта эътибор билан қараб, унинг ўзбек тилида қанчалик хизмат қилаётганини кўрсатиб берди ва ўзбек тилшунослигини янгилыклар билан бойитди.

20- ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ТИЛИ ТАРАҚҚИЁТИГА РУС ОЛИМЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Рафиев А. (ЎЗМУ)

Ўзбек адабий тилининг шаклланиш даври қизғин тортишув ва курашлар билан кечган бўлса-да, бу масала илмий баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, асосан, ўз натижаларига кўра сиёсий тус олганлиги маълум. Хусусан, 20-йилларда тил сиёсати ва йил сайин тил масаласини ғоявийлаштириш долзарб мавзуга айланиши, ҳатто соф тилшуносликка оид муаммоларнинг тил илмидан хабарсиз кишилар томонидан ҳал этилиши бу масалаларда ногўғри хулоса чиқаришига сабаб бўлган эди. Ўзбекистонда тил қурилишига боғлиқ кўпгина воқеалар, далиллар ҳақида ханузгача тўла маълумотларга эга эмасмиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, Туркистонда шўро ҳукуматининг тил сиёсатини амалга оширишга бевоқиф таъсир этган баъзи шахсларнинг фаолияти билан боғлиқлигини инкор этиб бўлмайди. Шу маънода ўша даврнинг тавқиди вакиллари бўлмиш профессор Е.Э.Бертельс, Е.Д.Поливанов, Фитрат, К.К.Юдахин, Боту, Отажон Ҳошим, Маннон Рамзи, Қайом Рамозон каби ўнлаб зиёлиларнинг ролини ҳар томонлама ҳолисона ёритиб бериш лозим.

Таъкидлаш жоизки, маданий инқилобни амалга оширишда ва аниқроғи-бошқаришда рус зиёлиларининг улкан ҳиссалари бор. Аммо улар сафида шўро ҳукуматининг сиёсатини ўтказишга ёлланиб, миллий қарашларни, тилдаги табиий хусусиятларни ҳаспўшлашга, йўқотишга астойдил хизмат қилганлар ҳам оз эмас. Машҳур турколог, ўзбек шевалари бўйича қийматли тадқиқотлар яратган профессор Е.Д.Поливанов ҳам шулар жумласидан эканлиги кўп далиллар билан тасдиқланган. У шўро ҳукуматида тил қурилишини назарий асословчи олимлардан бири бўлиб, ўша даврда ўзбек тилининг тақдири кўп жиҳатдан шу

кишига ҳам боғлиқ эди. Е.Д. Поливанов жадидларнинг араб ёзуви асосидаги алифбони ислох қилиш орқали саводхонликка эришиш тўғрисидаги қарашларига қарши бориб, туркий ёзувларни бу халқларга номатлум бўлган лотин ёзувга алмаштириш ғоясини илгари сурди. Мусулмон миллатларини ўтмиши, маданий меросидан маҳрум этиб, янги маданий инқилобни амалга оширишда алифбонинг ўзгартирилиши большевикларнинг сиёсий мақсадларига хизмат қилдириш муҳим вазифа эди. Лотинлаштириш рус ёзувига ўтиш йўлидаги вақтинчалик босқич эканлигини у киши яхши биларди. Кейинчалик бу ҳақда Е.Д. Поливанов шундай деган эди: «Рус ёзуви ғоясини кўтариш мумкин эмаслигини шу билан ҳам билса бўлардики, 1922 йилда ўзбек маорифчиларининг иккинчи съездида қўшимча ёзув сифатида ўзбек лотини назарий жиҳатдан маъқулланган бўлса ҳам, бу алифбога айрим рус ҳарфларини киритиш таклифи съезд делегатларининг кескин танқидига учради» («Аланга» журнали, 1928, 1- сон, 8- бет).

Е.Д. Поливанов адабий тил масаласи ҳал қилинмасидан анча олдин лотин ёзувига ўтиш ва сингармонизмга асосланмаслик тўғрисидаги қарашларини ўзбек зиёлилари онгига синдириб борди. Баҳс ва тортишувларда у шаҳар шевалари адабий тилга асос бўлиши лозимлигини исботлашга ҳаракат қилди. Бу эса ҳар томонлама ўйланган эди, зеро шаҳар шеваларида сингармонизм қонуниятга амал қилмас эди. Ўзбек тилида сингармонизм амал қилишини қатъий рад этган ҳолда Е.Д. Поливанов ўзбек адабий тилининг шеваларидан озикланиш йўлига катта тўсиқ қўйди. Қажом Рамазон билан бирга ёзган «Тилнинг ўзгаришида иқтисодий омиллар» номли мақоласида эса тилларни бирилаштириш ғоясини тарғиб қилди. Миллий тил ривожига тўсқинлик қилувчи бундай ғаразли фикрларга қарши курашларда кўплаб миллатпарвар ўзбек зиёлиларининг қатағон қилиниши мислсиз йўқотиш бўлди.

ГРАММАТИКА

НОАГЕНТИВ ФЕЪЛЛАР ҲАҚИДА

Миртожиев М. (ЎЗМУ)

Бошқа тиллар каби ўзбек тилида ҳам шундай феъллар учрайдики, улардан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарувчиси бўлмайди. Бундай феълларни айрим тилшуносликка оид асарларда **ноагентив феъллар** деб қаралади¹. Бундай феъллар Л.Теньер асарида **авалент феъллар**² деб тилга олинган. **Авалент** термини эса ўзбек тилида «валентсиз» маъносини беради. Аслида валентсиз феъл бўлмайди. Аммо Л.Теньер қараш бўйича бу мумкин. У субъект (агенс, контрагент, адресат, пациент) ва объект актантларида реаллашувчи валентлари эътиборда туғиб, қолганларини **сиркопстанг** деб ҳисоблаган. Ноагентив феъллар ўзбек тилшунослигида ноль ўринли предикатлар деб тилга олинган³. Лекин предикатнинг (феълда ифодаланган бўлса) ноль ўринли бўлиши ҳақидаги гап ҳақиқатга мос келмайди. Агар муаллиф ноагентив феълни назарда тутса, унда термин номувофик танланган.

Ноагентив феълларни чегаралаш икки кўринишда учрайди: 1) маълум бир нарсадаги ҳолат ўзгаришини билдирувчи феъллар; 2) объектив борликдаги қандайдир кечим, ҳаракат ёки воқеланишни билдирувчи феъллар. Уларни фарқлаб, ноагентив феълларни икки семантик гуруҳга тасниф этиш мақсадга мувофик бўлади.

Биринчи гуруҳ ноагентив феъллар ҳақидаги тушунчани О.С.Селиверстова берган фикр яхши характерлай олган. Унингча «предикатнинг юзага келувини белгиловчи ва ёки сакловчи, ўз-ўзига куч манбаи бўлувчи субъектдир... У беагентив, лекин субъектни белгиловчи предикат **гореть, блестять, сверкать, излучать** ва бошқалардан иборат⁴. Яъни у ҳаракатни онгсиз ҳолатда бажарувчи субъектни ноагентив феъл деб ҳисоблайди⁵. О.С.Селиверстова кўрсатишича **У қалтиради** предикатив кўшилмасидаги **қалтиради** феълдан англашилган ҳаракатнинг субъекти III шахс бирлик олмошида ифодаланган бўлса ҳам, бу субъект ҳаракатни бажараётгани йўқ. Ҳаракат унда беихтиёр, унинг ижросисиз кечаяпти. Шунинг учун феъл ноагентив деб қаралиши керак. Иккинчи бир мисолга эътиборни қаратайлик: **Ёғоч ёнмоқда** гапида

¹ Қаранг: Gruse D.A. Some thoughts on Agentivity// Journal of Linguistics. 1973.

² Қаранг: Tesnier L. Elements de syntaxe structurale, 3^e ed. P. 1976.

³ Қаранг: Нурманов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солиҳўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, Фан, 1992, 53- бет.

⁴ Қаранг: Селиверстова О.С. Второй вариант классификационной сетки и описание некоторых предикативных типов русского языка. Семантические типы предикатов. М., Наука, 1982. С.111.

⁵ Қаранг: Селиверстова О.С. Второй вариант классификационной сетки и описание некоторых предикативных типов русского языка. С.112.

ёнмоқда феълидан англашилган кечим **ёғоч** сўздан англашилган нарсада ўтаётганлиги ифодаланган. Бу ифодага қараб **ёғоч** оти **ёнмоқда** феълидан англашилган кечим учун ўрин деб ҳам бўлмайди. Чунки ёғоч ёниш кечимини ўзида кечирипти. Ёғочдаги кечим ёнишни кўрсатган. Яъни **ёғоч** сўзи **ёнмоқда** предикатини белгилади, **ёғоч** сўзи унинг субъекти бўлди. О.С.Ахманова ҳам ўз луғатида субъектни унга бўлган нуосабат натижасида предикат аниқланадиган ва белгиланадиган предмети дир», деб кўрсатган эди¹. Шундан келиб чиқадиган бўлиниса, **ёнмоқда** феъли ҳам ўз субъектига эга, бироқ у онгли ҳаракат бўлмаганлиги учун ноагентивдир. Мантқан олиб қараганда Е.Б.Аристова ўзининг «Ҳозирги инглиз тилида субъект категорияси ва агентив синтаксемалар» номли мақоласида ҳам шу фикрда бўлган. Унда феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат субъекти жонли мавжудотни билдирувчи от назарда тутилади. Яъни унинг аксини ноагентив феъллар деб ҳисоблаган².

Иккинчи гуруҳ **ноагентив феълларни** немис тилшунослигида асосан **шахссиз (unpersönlich) феъллар** термини остида тадқиқ этилган. Унда бундай феълларни умуман субъектга эга бўлмаган феъл сифатида талқин қилинади. В.А.Церебков шахссиз феълларни «Бир йўналишдаги табиий ҳодисаларни ифодалайдиган феъллардир» деб характерлайди³. Масалан, немис тилида қорнинг ёғиши **schneit**, ёмғир ёғиши **regnet** феъди билан ифодаланади. Ўзбек тилида улар **ёғмоқ** феъли билан ифодаланиб, нутқ таркибида улар **ё Қор ёғмоқда**, **ё Ёмғир ёғмоқда** гапи таркибида берилади. **Ёғмоқда** феълининг субъекти бу ўринда **ё қор**, **ё ёмғир** сўзи билан ифодаланган бўлади. Бунда мазкур субъект юқорида кўрсатилган, яъни О.С.Селиверстова изоҳлагани каби агентсиз бўлиб, **ёғмоқ** феъли ноагентив феъл ҳисобланарди. Лекин немис тилида бундай эмас. Атмосферадаги намликнинг томчилар шаклидаги кўп-лаб тушаётганлиги **regnet** феълида ифода этилади. Мана шу кечимнинг ўзи яна **regen** отида ҳам ифода топади. Шунинг учун улардан предикатив кўшимча тузиламайди, балки феълни мавҳумлаштирувчи **es** олмоши билан кўшиб бир гап сифатида берилади: **Es regnet** каби⁴. **Es** сўзи ўзбек тилидаги **у** олмошига тўғри келади. Бироқ **Es regnet** кўшилмаси мазмуни ўзбек тилидаги **У ёғяпти** кўшилмаси мазмунини бермайди: **es** олмоши бу ўринда, шахс нуқтайи назаридан, мавҳумликни англатади. **Schneit** феъли ва у воситасида тузилган **Es schneit** кўшилмаси ҳақида

¹ Қаранг: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. М., СЭ. 1966. С.474.

² Қаранг: Аристова О.Н. Категория субъекта и агентивные синтаксемы в современном английском языке. Категория субъекта и объекта в языках различных типов. Л., Наука. 1982. С. 45-64.

³ Қаранг: Zerebkov V.A. Das verb. М., Hochschule. 1977. S.44.

⁴ Қаранг: Admoni W. Der deutsche Sprachbau. М.- Л.: Просвещение. 1966. С.176.

Moslalskaya O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. М.: Hochschule. 1975. S.67.

хам **regnet** феълига келтирилган таҳлилларни бемалол келтириш мумкин: улар фарқ қилмайди. Булар ўзбек тилидаги ҳавонинг майин оқими **елмоқ** феълида ифода этилганига ўхшайди. **Ел** оти ҳам шу оқимни ифодалайди. Айни ҳаво оқими ҳам феъл, ҳам от маъносининг референтидир. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида феълнинг ўзини қўллаш етарлидир. В.Адмони ҳам бекорга «... улардан баъзилари, агар гап тузилиши имкон берса, умуман эгасиз қўлланади» - деган эмас¹.

Умуман ўзбек тилида бундай феъллар кўплаб учрайди. Масалан, **эсмоқ, чақмоқ, чарақламоқ, бўрамоқ, кўпирмоқ, тутамок, қорангулашмоқ** каби феъллар шу характердадир. Улар ифодалаган кечим от билан ҳам ифодаланади. Яъни **кўпирмоқ** феълида ифодаланган ҳолатни **кўпик** деб от билан, **кўпик** отида ифодаланган кечимни **кўпирмоқ** феълида аташ мумкин. Булар ҳам «объекти ўзида» деб аталган **гапирмоқ, ўйламоқ, ишламоқ** феълларига² ўхшайди. Шу феълларга қиёсан уларни «субъекти ўзида яширинган» деб айтиш керак эди, лекин уларнинг субъекти яширинган эмас, балки йўқдир. Шунга кўра ноагентив феълларнинг бу гуруҳини субъектсиз деб қараш тўғрироқ бўлади.

Ўрни келганда шунини айтиш керакки, ўзбек тилида бу феълларнинг «шахсиз» деб аталиши³ ножоиз. Чунки феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг ўз субъекти бор. Субъект шахс билан ифодаланиши ҳам, ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Таҳлил қилинаётган феъллар эса умуман субъектсиз ноагентив феъллардир.

Субъектсиз ноагентив феълларнинг ўзига хос томони фақат ўтимсиз эканлиги ҳисобланади⁴. Уларни немис тили терминологик қомусида ҳатто «феълларнинг объектсизлиги ёки объектсиз қўлланиши шахсиз пассивга хослигидир»⁵, деб айтилганлигини кўраимиз.

Хуллас, ноагентив феъллар икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳи субъекти ноагентив эканлиги, иккинчи гуруҳи субъектсиз эканлиги билан характерланади. Шу иккинчи гуруҳ референти от орқали ҳам ифодаланади. Субъектсиз ноагентив феъллар ҳамма вақт ўтимсиз бўлади.

¹ Қаранг: Admoni W. Der Deutsche Sprachbau. S.171.

² Қаранг: Ғуломов А.Ғ. Соҳда гап. -Т.: Фан, 1955, 62- б.

³ В.Ғ.Ғак ҳам субъектсиз ноагентив феъллар учун «шахсиз (безличный)» терминини қўллаган. Қаранг: Ғак В.Ғ. Теоретическая грамматика французского языка. Морфология. М., ВШ, 1986, с.186.

⁴ Қаранг: Zerebrov V.A. Das verb. S.77.

⁵ Қаранг: Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. Zweiter Band. Leipzig: VBI. 1970, s.864.

АЙРИМ ФЕЪЛЛАРНИНГ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Расулов Р. (ТДПУ)

Тилимиз бойлиги айниқса феълларда — уларнинг маъно йўналишида ўзгача бир тарзда намоён бўлади. Бинобарин, «Шаклий» семасига кўра умумийликка бирлашувчи гердаймоқ, кеккаймоқ, гўдаймоқ, қаққаймоқ, қанқаймоқ, серраймоқ, тўрсаймоқ, шумшаймоқ, тўмтаймоқ, тўмсаймоқ, мунғаймоқ, безраймоқ, бўзраймоқ, сўппаймоқ, ўшшаймоқ каби феъллар маъно жиҳатидан муайян хусусиятлари билан ажралиб туради, кизиқиш уйғотади. Ушбу феъллар, асосан, инсонга тегишли жисмоний-физиологик ҳолатни («кўринишни») ифода этиши билан ўзига хосдир, тил бирлиги сифатида алоҳидадир. Қайд этилган сўзлардаги жисмоний ҳолатлар инсоннинг турли предмет-ҳодисалардан, воқеалардан таъсирланиши, муайян рухий ҳолатда бўлиши натижасида юз беради. Шуниси муҳимки, бу феъллар кўпинча **турмоқ**, **ўтирмоқ** ҳолат феъллари билан боғланиб, улар маъносида ифода топган предметнинг инсон жисмоний кўриниши билан аниқлашувчи ҳолатини ифодалайди. Шунга кўра ҳам туб феъллардан иборат аини физиологик ҳолат феъллари ўзига хосдир.

«Шаклий» мантикий ифодали ҳолат феъллари қуйидагилар:

Гердаймоқ - «қадини ғоз тутиб, кўкрагини керган», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Барот полвон гердайиб турган мингбошининг ёнига борди (М.Исмоилий). У янги «ҳаваскор» ўспирин аравакаш каби гердайиб, елкасини қийшиқ қилиб ўтирди (Ойбек). Ростдан ҳам худди уй вазифасини ўзим қойил қилиб бажаргандек гердайиб ўтирардим (Ф.Муса-жонов).

Кеккаймоқ - «гавдани ғоз тутиб, тик (виқорли)», «ҳолатда», «бўлмоқ». Бизга гап отган Турғун «кўрдиларингми топган нарсаларимни» дегандек тумшугини кўтариб, кеккайиб кетяпти (Ф.Муса-жонов). Гўё шогирдларнинг ўлтиришига кириб қолган домладай кеккайиб ўтирди (Ойбек).

Гердаймоқ сўзида белги даражаси ортиқроқ. **Кеккаймоқ** сўзида белги даражасининг ортиқлиги кўш ундош таъсирида юзага келади. Бу сўзлар кўпроқ жонли нутққа хос.

Гўдаймоқ - «тик, қаққайган», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Ўз шаънингга сен гўдайиб турибсан. Неча сўзни менга доф ўрибсан («Балогардон»). Аъзам унинг саломига ҳам алик олмасдан гапинг бўлса гапирар, иккала қулогим сенда дегандек гўдайиб турди (Шухрат). **Гўдаймоқ** сўзи, асосан, сўзлашув нутқига хос бўлиб, таъсир бўёғининг ортиқлиги билан мустақилдир, салбий бўёққа эга.

Қаққаймоқ - «қотган, серрайган», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Муазин одатдагидек масжиди калоннинг энсизгина узун кўприкка ўхшаш айвонида қаққайиб азон айтди (О.Мухторов). Дилфуза ҳамон олдинда

қаққайиб турар (Н.Фозилов). Коровулхона эшигида Тўғонбек қаққайган (Ойбек).

Қанқаймоқ - «ғўдайган, қаққайган». «ҳолатда», «бўлмоқ»: Бобо Камбар қанқайиб отдан тушаверди («Сохибқирон»). **Қаққаймоқ, қанқаймоқ** сўзларида таъсирчанлик кучли. Улар асосан оғзаки нутққа хос бўлиб, **қаққаймоқ** нисбатан кўп қўлланади. **Қанқаймоқ** кўпроқ шевага хос. **Қаққаймоқ** сўзида маъно таъсирчанлиги ортиқ бўлиб, бу сўздаги иккита бир хил ундощга кўра юзага келади.

Серраймоқ¹ - «қаққайиш, қотиб туриш», «ҳолатида», «бўлмоқ»: - Хай, қизим, нимага серрайиб турибсан (М.Исмоилий). Дилшод яйдоқ гул кўчатлари орасида серрайиб турар (У.Назаров). **Серраймоқ** жонли нутққа хос бўлиб, кам қўлланади, салбий бўёққа эга. Сўз маъносидаги таъсирчанликнинг ортиқлиги иккита бир хил ундощнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тўрсаймоқ - «қовоқ солиш, тўмтайиш», «ҳолатида», «бўлмоқ»: Бугун оила аъзолари уч кунгача бир-бирларига тўрсайиб юришди (С.Аҳмад). Эрининг гапирмай тўрсайиб бораётгани (унинг) юрагини сикарди (Р.Файзий).

Шумшаймоқ² - 1. «ғужанак», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Аббос ... ёмғирдан шумшайиб, сирғана-сирғана настка тушиб кетди (У.Назаров). Степан болани кўтариб, тепага чиққанда, ярим яланғоч, шалаббо, совуқдан шумшайган, ҳолдан тойган одамларни кўрди (А.Мухтор). Самад яна анчагача совуқда шумшайиб кутди (М.Исмоилий). 2. «қовоғини солган, тумтайган», «ҳолатда», «бўлмоқ». Шумшайиб дастурхон ёзади (А.Қаҳҳор). Бурчакда кимдир деворга суяниб, шумшайиб турарди (М.Исмоилий). Самад яна индамади. Тўдага етмай тўхтади-ю, ерга қараб, шумшайиб тураверди (М.Исмоилий). **Шумшаймоқ** феъли маъносида белги даражаси ва таъсирчанлик кучли.

Тўмтаймоқ - «қовоғи солиқ, тўрсайиш», «ҳолатида», «бўлмоқ»: Тўлаган ака тўмтайиб ўтириб, бир пиёла чой ичди-ю, чиқиб кетди (Н.Ёқубов). Мен Муқаддаснинг тўсатдан тўмтайиб индамай қолганидан бирга юришимиздан сиқилаётганини сезиб турардим (О.Ёқубов). У боласининг бугун жуда ҳам тўмтайиб олганига хайрон бўларди (М.Исмоилий).

Тўмсаймоқ - «тўмтайиш, тўрсайиш», «ҳолатида», «бўлмоқ»: Боқижон тўмсайиб, оғзини очган ҳолда ҳаммага маъносиз тикилди (Ойбек). **Тўмтаймоқ** ва **тўмсаймоқ** синонимик муносабатда бўлиб, умумий изоҳга эга. Айни вақтда улар товуш тизимиغا, шаклланишига кўра бир оз фарққа эга. Бизнингча, **тўмсаймоқ** **тўмтаймоқ** сўзининг нутқий-фонетик кўриниши бўлиб, кам қўлланади. **Тўмтаймоқ** сўзида белги даражаси бир оз ортиқ.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II, Москва, 1981, 40- бет.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II, 432- бет.

Мунғаймоқ - «маъюс», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Марғуба Муборакхонимга мунғайиб қаради (А.Қаҳҳор). Мунғайиб йиғлайди мендай гажакдор («Алломиш»). Бобожамол бир хурпайиб, бир мунғайди (О.Мухторов). **Мунғаймоқ** сўзининг шевага хос **муғаймоқ** кўриниши ҳам бўлиб, бу сўзда -н товуши тушиб қолади (элизия ҳодисаси). Қиёсланг: йиғлайман мен бу ерда мунғайиб («Балогардон»).

Безраймоқ - «кўзини лўқ қилиб, пилагини бузмаган», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Шунда ҳам Розик ўртада безрайиб тураверди (Н.Фозилов). «Нима, бировни яхши кўриш гуноҳми?», - деди, у безрайиб (М.Исмоилий). Ойшабону нима дейишини билмай, ўтирган ерида безрайиб қолди (Х.Ғулом).

«Ўзбек тили морфем луғати»да **бўзраймоқ** сўзи қайд этилади¹. Аммо «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да **бўзраймоқ** алоҳида қайд этилмайди, изоҳланмайди. Бу сўз тил бирлиги сифатида ўзбек тили луғатидан, шу тилда сўзлашувчиларнинг луғат бойлигидан «жой эгаллаганлиги», нутқ бирлиги сифатида кенг қўлланиши, таъсирчанликка эгаллиги билан ажралиб туради.

Бўзраймоқ - «кўзини лўқ қилиб бақрайиш», «ҳолатида», «бўлмоқ»: Ўқтам уйқудан чўчиб уйғонгандай Салим полвонга бўзрайди (Х.Назир). Аввал бир бўзрайди-ю, кейин жилмайиб туриб, можарони ширин сўз билан ҳал қилди (М.Исмоилий). Кўпайсин қизариб, дилидагини тилига чиқаришга ийманган ҳолда бўзрайиб турарди (Х.Назир).

Безраймоқ ва **бўзраймоқ** синоним бирликлари, асосан, жонли нутққа хослиги, таъсир кучига эгаллиги билан муҳимдир. **Безраймоқ** сўзида таъсирчанлик ортиқроқ.

Сўшпаймоқ - «ёлғиз, қаққайган», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Ўртада сўшпайиб Розик қолди (Н.Фозилов).

Ўшпаймоқ - «қовоғи солинган, хўмрайган», «ҳолатда», «бўлмоқ»: Донқшманд эпик олдидида ўшпайиб турган Кумрининг бўйнига шарфни ўрабди (С.Юнусов). Тараққийпарварлар аксари захарханда қилиб, баъзи бири ўшпайиб, ерга қараб ўтирдилар (Ойбек).

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ -ЧИ АФФИКСИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ҲАҚИДА

Тожиёв Ё. (ЎЗМУ)

Ҳозирги ўзбек тилида таркибида **-чи** аффикси бўлган ясамаларнинг маъно хусусиятлари ҳақида анчагина фикрлар айтилган. Биз бу аффикс ешигрок этган сўзларнинг кенг маънода шахсни ифодалашини ва конкрет ўзаклар — маълум доирадаги семантик гуруҳни ташкил этувчи сўзлар бу аффикс билан қўлланганда, улар қўшимча конк-

¹ Ғуломов А., Тихонов А.Н., Қўнууров Р. Ўзбек тили морфем луғати. Тошкент, 1977, 38-бет.

рет шахс маъносини ҳам ифодаланишини кўрсатиб, бу кўшимча маънолар: яратувчи (ясовчи) I, бошқарувчи II, айтувчи III, истеъмоқ қилувчи IV, қўриқловчи V, парвариш қилувчи VI, ўрганувчи VII, чалувчи VIII, жараёни бошқарувчи IX, ёзиш билан шугулланувчи X, уқтирувчи XI, яхши кўрувчи XII, эргашувчи XIII, сотувчи XIV каби конкрет шахс маънолари тишида намоён бўлишини кузатган эдик.

Хақиқатан ҳам ҳозирги ўзбек тилида, таркибида **-чи** аффикси бўлган ясамаларда кейинги пайтларда худди шу маъноларни ифодалаш учун ясалма таркибидаги **-чи** аффикси ўрнида тожик тилидан ўзлашган кўплаб аффикслар учраётганлигининг туюхи бўламиз. Бошқача айтганда, **-чи** аффиксли ясалмалар англатган маънони таркибида бошқа тилларга оид дериваторлари бўлган худди шундай ясалмалар ифодалаяпти. Бу ясалмаларнинг айримлари ўзбек тили базасида ҳосил қилинган бўлса, айримлари ўша тиллар базасида ҳосил қилинган: **маслаҳатгўй, футболлист** тишида. Ясалмалар таркибидаги дериваторларнинг айримлари ўзбек тилига ўзлашган бўлиб, ўзбек тилида ҳам дериватор сифатида янги сўзлар ҳосил қилса, айримлари фақат ўша тилнинг ўзида дериватор бўлиб, ўзбек тилига ясалма таркибида ўтган. Шунга қарамай, таркибида бошқа тилларга оид дериваторлари бор бўлган ясалмалар ўзбек тилида таркибида **-чи** дериватори бори бўлган ясалмалар билан маъно жиҳатидан тенг келиб, маъно оттенкаси ва стилистик жиҳати билан фарқланган ҳолда ўзаро синонимик муносабатга киришади.

Маълумки, ясалмалар икки қисмдан иборат: мотивловчи қисм, дериватор қисм (ясама ўзак + ясовчи элемент). Биз текширмоқчи бўлган ясалмаларнинг мотивловчи қисми бир хил бўлиб, фақат дериватор қисми ҳар хил бўлганлиги сабабли, улардан англашилган конкрет шахс маъносини ана шу дериваторларнинг мотивловчи қисмига қўшилиб келганда намоён бўладиган конкрет кўшимча маънолари сифатида қараймиз. Ҳар бир конкрет ясалмалардаги маъноларни бундан буён ана шу дериваторларнинг маъноси сифатида бир-бирига таққослаймиз. Шу нуктаи назардан қарасак, ўзбек тилида **-чи** аффикси бошқа тиллардан ўзлашган ва шахс отлари таркибида учрайдиган кўпгина аффикслар билан ўзаро маъно муносабатига киришади. Улар билан синонимик қатор ҳосил қилади.

-чи аффикси ҳозирги ўзбек тилида айрим мавхум тушунча ёки ҳаракатни ифодаловчи сўзларга, шунингдек айрим конкрет, аммо доналаб саналмайдиган от туркумидаги сўзларга қўшилиб келиб, ўзакдан англашилган предметни тайёрловчи, ўстирувчи, парвариш қилувчи конкрет шахсларни ифодалаб келганда **-кор** аффиксининг худди шундай семантик гуруҳлардаги сўзларга қўшилиб келгандаги семантик ҳолати билан мос келади ва у билан ўзаро маъно муносабатини ҳосил қилади. Масалан, хиёнатчи//хиёнаткор, ижодчи//ижодкор, сеҳрчи//сеҳргар, ҳолвачи//ҳолвагар каби. Келтирилган мисолларнинг ҳаммасида **-чи** аффикси ўрнида **-кор(-гар)** аффиксини қўллаш мумкин. Улар кўшимча кон-

крет маъноларига кўра тенг келади ва стилистик жиҳатига кўра фаркланган ҳолда ўзаро синоним бўлиб келади. Жумладан, жинояткор, хиёнаткор, ижодкор, хизматкор сўзларидан англашилган маъноларда бироз бўрттирилганлик оттенкаси ва бадиий стилига хослик сезилиб турибди. Жиноятчи, хиёнатчи, ижодчи, хизматчи сўзларида ана шу бўрттирилганлик йўқ ва бу сўзлар кўпроқ оғзаки нутққа хосдир. Кейинги пайтда **хизматчи** ва **хизматкор** сўзлари асосий маъноларига кўра ҳам фарк қиладиган бўлиб қолган. Бу нарса **хизматчи** сўзи маъносининг ўзгариши билан боғлиқдир. Яъни **хизматчи** сўзи илгари **хизматкор** сўзидан англашилган лексик маънони ифодалагани ва «бировнинг хизматини қилувчи», «биров учун ишловчи» деган маънони билдирган. Турмуш тарзи ва тузумнинг ўзгариши билан бу сўз «онгли меҳнат қилувчи», «жамият манфаати учун эркин меҳнат қилувчи малакали ишчи» деган маънони англадиган бўлиб қолган. Ундан кейинги маъноси **хизматкор** сўзида йўқ. Шунга кўра, **хизматчи** сўзи бирламчи маъносида **хизматкор** сўзи билан синонимик муносабатга киришади. Кейинги маънода қўлланган **хизматчи** сўзи таркибидаги **-чи** аффиксига бошқа аффикслар синоним бўлиб кела олмади.

-чи аффикси конкрет ва саналиши мумкин бўлган, от туркумига оид сўзларга қўшилиб келганда **-кор** аффикси унга синоним бўлиб келмайди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилида **-кор** аффикси пахтакор, пахтакорчи сўзлари таркибида ҳам учрайди. Шунингдек, **-чи** аффикси пахтачи ва пахтакорчи сўзлари таркибида ҳам учрайди. Булардан пахтачи сўзи ва пахта етиштирувчи деган маънони англатса, пахтакор сўзи команда номи ва жой номини ифодалайди. Пахтачи сўзи таркибидаги **-чи** аффикси шахс маъносини ифодаламайди. Бу сўзнинг жой номини ифодалаши атоқли отларнинг ясалтиш хусусиятлари асосида изоҳланиши мумкин бўлиб, у алоҳида текширишни тақозо этади: **балиқчи** тишида. Шунга кўра бу сўз таркибидаги **-чи** аффиксини **-кор** аффиксига маъно жиҳатидан қиёслаб бўлмайди. •

Демак, **-чи** аффикси билан **-кор** аффикси қўшилиб келган сўзлар мавҳум тушунчаларни ифодаласа, бу сўзлар шунингдек доналаб саналмайдиган аниқ тушунчаларни ифодаловчи семантик гуруҳга тааллуқли бўлса, ўзаро синоним бўлади. Бошқа семантик гуруҳдаги сўзларга қўшилиб келганда улар ўзаро синонимик муносабатга кириша олмайд.

Аммо ҳозирги ўзбек тилида шундай ҳолатлар борки, бунда бир мотивловчи қисмга **-чи** ва **-кор** аффиксларидан ташқари **-каш** аффикси ҳам қўшилиб келади: **пиллачи//пиллакор//пиллакаш** тишида. Булар маъно оттенкалари ва стилистик қўлланишига кўра фарқ қилади. Жумладан, **пиллачи** сўзидан умуман «пилла етиштирувчи шахс» маъноси англашилса ҳам, профессионал **пилла** етиштирувчи, мутахассис шахс маъноси англашилмайди, ёки шундай оттенка сезилиб турмайди. **Пиллакор** сўзида эса шу оттенка бор. **Пиллакаш** сўзидан эса **пилла**

етиштирувчи шахс маъносигина эмас, балки пилладан ипак олувчи шахс маъноси ҳам англашилади. Бундан ташқари, **пиллачи** ва **пиллакаш** сўзлари кўпроқ сўзлашув путқига хос бўлса, **пиллакор** сўзи китобий стилга хосдир. Бундай уч ва ундан кўп компонентли аффиксал синонимик қаторлар алоҳида текширишни талаб қилади.

Ўзбек тилида **-чи** аффикси, **-кор** аффиксидан ташқари, бошқа аффикслар билан ҳам ўзаро синонимик муносабатга киришади: кема-чи//кемакаш (-чи//каш); тилчи//тилшунос (-чи//шунос); дўппичи // дўппифуруш (-чи//фуруш); пичоқчи//пичоқсоз (-чи//соз); кабобчи // кабобпаз (-чи//паз); этикчи//этикдўз (-чи//дўз); маслаҳатчи // маслаҳатгўй (-чи//гўй) каби. **-чи** аффиксининг ана шу аффикслар билан ўзаро синонимик муносабати ва бу аффиксларнинг яна ўзаро ҳам синонимик муносабатга киришуви муаллифнинг бошқа ишларида ўз ифодасини топган.

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ГАП ВА ГАП БЎЛАКЛАРИ ТАЪРИФИ МАСАЛАСИ

Қурбонова М. (ЎЗМУ)

Синтаксис учун энг муҳим аҳамиятга эга бўлган назарий масалалардан бири гап ва гап бўлаклари таърифидир. Чунки бу масала назарий синтаксиснинг бош тушунчаси(категорияси)дир, бу категориянинг талқинида ўзбек тилшунослигида икки хил нуктаи назар мавжуд: анъанавий талқин ва формал-функционал талқин.

Анъанавий талқинда гап таърифи мантиқий омилга таянади. Зероки, «субъект-предикат» муносабати моҳиятан мантиқий муносабатлардир. Қиёсланг:

Мантиқда:

Субъект — фикр манбаи, объекти.

Предикат — субъект ҳақидаги белги, хусусият, ҳаракат тасдиғи ёки инкори.

Ҳукм — субъект билан предикатнинг ўзаро боғланиши, яъни предикация маҳсули.

Анъанавий грамматикада:

Эга — фикрнинг манбаи.

Кесим — эга ҳақидаги бирор хабар ёки белги-хусусиятни тасдиқ ёки инкор этувчи гап бўлаги.

Гап — нисбий тугалланган фикрни ифодаловчи, интронацион тугалликка эга, грамматик шаклланган нутқ парчаси.

Кўриниб турибдики, бу ерда фақатгина тушунчалар номи (S - эга, P - кесим, ҳукм — гап)гина ўзгарган. Моҳият, талқин эса ўша-ўша. Бошқача қилиб айтганда, мантиқий субъект-предикат муносабатлари лингвистик омиллар (эга — кесим) билан алмаштирилган, ҳолос.

Формал-функционал тахлилда эса бу тушунчалар шундай талқин қилинади:

1. Кесим — тасдиқ-инкор, модаллик-майл, замон, шахс-сон маъноларини (яъни кесимлик категорияси — [Pm]ни ўзида мужассамлаштирувчи бўлак, гапнинг маркази.

2. Эга — кесимнинг морфологик шаклидаги шахс-сон маъносини муайянлаштирувчи бўлак.

3. Гап — кесимлик кўрсаткичлари ва маънолари - [Pm] билан шакллантирилган атов бирлиги ва унга алоқадор бўлаклар тизими.

Кўринадики, гап ва гап бўлақларининг формал-функционал талқини соф лингвистик омилларга таянади ва бу таърифлар шу сабабдан ҳам лингвистик таърифдир. Гапнинг таърифида иккита тушунча қўлланилган: а) кесимлик кўрсаткичлари ва маънолари; б) атов бирлиги.

Кесимлик кўрсаткичлари соф грамматик категория ва тушунча бўлиб, у юқорида айтганимиздек, тасдиқ-инкор, модаллик-майл, замон, шахс-сон каби грамматик маъноларнинг мажмуидан иборат¹.

Атов бирлиги — аташ, номлаш вазифасини бажарувчи ҳар қандай лингвистик birlik². Бу сўз, қўшма сўз, фразема, сўз бирикмаси, трансформациялаштирилган гап каби кўринишларда бўлиши мумкин³.

Кўринадики, гапнинг формал-функционал талқинида фақат лингвистик тушунча ва birlikларга таянилган. Бу тушунчалар ва категориялар ўзидан каттароқ сатҳ (синтактик сатҳ) бирлиги гапни ҳосил қилади. Бу таърифда қуйи сатҳ birlikларининг ўзаро бирикиб, улардан юқорироқ бўлган сатҳ birlikини ҳосил қилиши акс этганки, бу тил ҳодисаларини тушунтиришда билишнинг энг қулай ҳамда синалган усули — оддийдан мураккабга тамойилга асосланганлигини кўрсатади.

Анъанавий гап таърифи эса нутқий birlikка берилган таърифдир. Яъни бу таъриф нутқда воқеланган гапнинг таърифи бўлиб, гапнинг воқеланишидан олдинги ҳолати ва моҳиятини акс эттирмайди. Гапнинг анъанавий талқинида лисон (*) ва нутқ бўлиниши, тил birlikларининг иерархик (поғонавий) алоқалари, юқори сатҳ, birlikларининг қуйи босқич birlikларидан ҳосил бўлиши ўз аксини топмаган.

Формал-функционал талқинида гап фақат имконият сифатида таърифланади ва лисоний birlik мавқеини олади. Чунки у нутқда воқеланган. Исталган турдаги гапда — у бир сўздан иборатми ёки йигирмата сўздан иборатми - бирдек воқеланади. Жумладан, а) **Келди** ихчам гапда W — атов бирлиги — **кел-, Pm-** кесимлик категорияси **-ди**. б)

¹ Қаранг: Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариядир. Тошкент, Фан, 1982; Нигматов Х.Г. и др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков. (тезис формально-функционального исследования). Сов.тюрк. - 1984. №5. С.3-10.

² Языковая номинация. Виды номинации. М., Наука, 1962.

³ Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол.фанлари д-ри дис. Тошкент, 2001.

Киморбозликдан иш бошлаб жуда катта тўдага бош бўлган, энг муҳими, бирор марта бўлсин қўлга тушмаган Асадбекнинг кимлигини у яхши билмас эди (Тоҳир Малик). 21 сўздан иборат ушбу гапда **W** — атов бирлиги **-бил, (Pm)** — кесимлик категорияси кўрсаткичи **-мас эди** га тенг (**билмас эди**).

Ушбу иккита қисм ўзбек тилидаги барча гапларда мавжуд бўлиб, гапдаги бошиқа бўлақлар ёки кесимлик кўрсаткичига, ёки атов бирлигига алоқадор бўлади ва яхлит тизимни ташкил этади. Бу тизимда иккита қисмдан ташқарида турувчи бўлақ бўлиши мумкин эмас. Анъанавий гап бўлақларининг барча кўринишлари (эга, ҳол, тўлдирувчи, аниқловчи, ундалма, кириш сўзлар) ўша қисмлардан бирига алоқадор бўлади. Шу сабабли гапнинг формал-функционал талқинида «унга алоқадор бўлақлар тизими» деган тушунча киритилган.

Формал-функционал талқинда атов бирлиги — [W] луғавий қисмининг валентлиги сўз кенгайтирувчиси деб, кесимлик категорияси кўрсаткичи **-[Pm]** нинг валентлиги гап кенгайтирувчиси деб номланади. Лекин тилимизда сўз кенгайтирувчилари бир-биридан мутлақ узилган ҳодисалар эмас. Фейл кесимли гапларда сўз кенгайтирувчилари билан гап кенгайтирувчилари ўзаро чапишади, яъни гапда ҳар икки қисмга алоқадор бўлақлар учрайди¹.

Анъанавий гап бўлақларининг формал-функционал талқини қуйидагича:

1. Кесим — кесимлик маънолари ва кўрсаткичлари билан шаклланган бўлақ — гап маркази.
2. Эга — кесимлик категорияси таркибидаги шахс-сон маъносини муайянлаштирувчи бўлақ.
3. Ҳол — кесимлик категорияси таркибидаги тасдиқ-инкор, майл-замон, ҳолат-ҳаракат маъноларини муайянлаштирувчи бўлақ.
4. Кириш сўзлар — кесимлик категорияси таркибидаги тасдиқ-инкор, майл-замон, ҳолат-ҳаракат маъноларини муайянлаштирувчи бўлақ.
5. Ундалма — кесимлик категорияси таркибидаги шахс-сон, модаллик маъноларини муайянлаштирувчи бўлақ.
6. Тўлдирувчи — нутқий гап таркибидаги феълнинг валентлигини воқеелантирувчи бўлақ, яъни сўз кенгайтирувчиси.
7. Аниқловчи — нутқий гап таркибидаги исм (кенг маънодаги от)нинг луғавий валентлигини воқеелантирувчи бўлақ, сўз кенгайтирувчиси.

¹ Қаранг: Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([WPm] валентлиги аспектида). Филол.фанлари номз...дисс., Т., 1987; Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини. Филол.фанлари д-ри. дисс. Т., 2001.

* Формал-функционал талқинда лисон термини тил босқичига нисбатан қўлланилади, яъни тил=лисон+нутқ.

Кўриниб турибдики, кесим, эга, ҳол, кириш сўз ва ундалмалар гапнинг «жон» бўлган кесимлик категорияси — [Pm] билан узвий боғлиқ ва шу сабабдан гапнинг лисоний қурилишида гап кенгайтирувчиси мавқеини эгаллайди. Тўлдирувчи ва аниқловчи эса гапнинг лисоний қурилиши билан эмас, унинг лексик тўлдирилиши билан алоқадор бўлиб, нутқий гапда сўз кенгайтирувчилари мавқеида бўлади.

Демак, формал-функционал талқинда гап бўлақларини таърифлашда ҳам гап категориясидаги сингари соф лингвистик, соф лисоний синтактик омилларга асосланилади.

НУТҚ СИНТАКСИСИ ВА ЛИСОНИЙ СИНТАКСИС

Назарова С. (БухДУ)

Синтаксисни зотий (субстанциал ёхуд шакл-вазифавий) ёндашув асосида ўрганиш тил-нутқ фарқланишига таянади. Шу сабабли синтаксиснинг нутқ босқичидаги хусусиятлари «нутқий синтаксис» деган умумий ном остида талқин этилса, унинг лисоний босқичидаги имкониятлари «лисоний синтаксис» номи остида ўрганилади. Албатта, «нутқий ва лисоний» деган фарқланиш синтаксиснинг зоҳирий ва ботиний табиатини қиёслашга имкон беради. Чунончи, нутқий синтаксис нутқнинг бевосита кузатишда берилган зоҳирий, чексиз ўзгарувчан белгиларини табиий равишда намоён этади. Нутқ жараёнида воқеланган муайян сўз бирикмалари (СБ) ва гаплар, уларнинг хилма-хил кўринишлари орқали нутқий синтаксис ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлади. Шунга кўра нутқий синтаксиснинг асосий бирликлари СБ ва гап ҳисобланади.

Маълумки, анъанавий, тавсифий грамматик талқин асосида ўзбек тили синтаксиси нутқда воқеланган муайян СБлар ва гапларга таяниб ўрганилди ҳамда чексиз миқдорда нутқий синтактик далиллар тўпланди. Бунинг ёрқин далили сифатида мавжуд назарий дарслик (А.Ғуломов, М.Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т., 1987) ва академик грамматикани кўрсатиш мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, бу жараёнда нутқий синтаксис ҳақидаги билимлар мукамаллашди. Ниҳоят уни воқелантирувчи лисоний синтаксисни тадқиқ этиш учун зарурий босқич вазифасини бажарди. Демак, том маънода нутқимизда мавжуд синтактик ҳодисаларни белгилаб берди.

Нутқий синтаксиснинг ўзига хослигини англаш, лисоний синтаксисдан фарқлаш эҳтиёжи айрим далилларга мурожаат қилишни талаб этади. Хусусан, «мактабга бормоқ», «мактабга яқин» ёки «мактабда илғор» каби нутқий ҳосилалар анъанага мувофиқ бошқарув усули асосида юзага келганлиги таъкидланган манбаларда мазкур ҳосилалар синтактик қурилиш жиҳатидан икки турга ажратилиши ва улар алоҳида-алоҳида ҳодисалар саналиши ҳаттоки фаразий бўлса ҳам эътиборга

олинмайди. Холбуки, «мактабга бормоқ» СБ нинг лисоний-синтактик қурилиш қолиши (ЛСҚ) ва «мактабга яқин», «мактабда илғор» СБлари ЛСҚи алоҳида-алоҳида бўлиб, бир-бирига ўхшамайди, ўз навбатида, бу СБларни шакллантирувчи сўз шакллари нинг морфологик, семантик ва синтактик имкониятларига бориб тақалади.

СБлар нечоғлик хилма-хил ва сержило бўлмасин, ўз моҳиятига кўра ягона [Т~Х=СБ] қурилиш асосига эга бўлади. Бироқ мазкур қурилиш асоси СБларнинг лисоний-синтактик қурилишини белгиловчи, бир-биридан фарқловчи қолиш мавқеида эмас. Унинг мавқеи СБ ЛСҚлари доирасида, СБ ЛСҚлари тизимида белгиланади. Бундай муҳим назарий масала фақатгина лисоний синтаксис талқинида ўз ечимини топади.

СБлар билан бир қаторда гаплар ҳам синтактик бирлик саналади. Гапларнинг тузилиши, таркиби, ифода мақсадига кўра турлари нутқий синтаксисда биргина «гап» умумий тушунчасидан келиб чиққан. Нутқий синтактик бирликлар бевосита кузатишда берилган зоҳирий белгилари, яъни муайян шакл-кўринишга эгаллиги, кўрилиш, эшитилиш, айтилиш хусусиятлари (яъни моддийлиги) билан, макон ва замонга нисбатан ўзгарувчанлиги (яъни окказионал ва узуал қўлланиши) билан, биргина имкониятнинг тасодифий воқеланиши билан лисоний синтактик бирликлардан тафовулланади. Чунончи, «нутқ системаси бирликлари (нутқий синтактик бирликлар ҳам) аслида турли типдаги тил бирликлари табиатида мавжуд бўлган ўзаро бирика олиш имкониятининг миллионлаб кишилар томонидан юзага чиқарилиши натижасида воқе бўлади. Шунинг учун тил бирликлари (лисоний синтактик бирликлар ҳам) диалектик имконият, сабаб хусусиятларига эга бўлса, нутқ бирликларини воқелик, натижа табиатига эгадир» [1.,24].

Лисоний синтактик бирликлар (ЛСБ) деганда, бевосита кузатишда берилмаган, онгда муайян парадигмалар кўринишида тайёр ҳолда мавжуд, нутқда истаганча кўнайиш ва кўпайтириш қобилиятларини мужассам этган, ўзгармас, умумлашма қурилиш қолишлари - ЛСҚлар тушунилади.

Лисоний синтаксис тилнинг умумийлик, имконийлик, тайёрлик, мажбурийлик ва муайяналик каби хусусиятларининг инъикоси ҳисобланмиш бирлиги ЛСҚлар билан иш юритади. ЛСҚ инвариант сифатида, воқелантираётган ҳосилаларнинг табиатига кўра иккига бўлинади. Булар: 1) СБ ЛСҚлари ва 2) гап ЛСҚлари [2., 19].

Лисоний синтаксис нутқда рўёбга чикувчи СБлар ва гапларнинг лисоний босқичда шаклланиш жараёни билан қизикади; лисоний синтактик қурилиш қонунларини аниқлайди; ЛСҚларнинг тузилиши, таркиби, воқеланиши, чекланиши каби лисоний табиатини тадқиқ этади. Шу боис лисоний синтаксис ҳажман қисқа, моҳиятан аниқ, шаклан ихчам бўлиб, тилнинг синтактик қурилишини шартли рамзий ифода ва чизмалар ёрдамида талқин этади. Бинобарин, нутқда ҳажми ва кўлами

исталган чегарани эгаллайдиган нутқий синтактик бирликлар лисоний босқичда ихчамгина қурилиш қолиплари «бағри»га сингиб кетаверади.

Адабиётлар:

1. Нейматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. Т., 1993.
2. Нейматов Х., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. Т., 1999.

ХАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ АДРЕСАТ ВАЛЕНТЛИГИ

Муҳамедова С. (ЎЗМУ)

Харакат феълларининг адресат валентлигини ифодаловчи сўз мантикий-сёмантик нуқтайи назардан феъл семемасининг агенс ҳаракати қаратилган объектни (шахсни ёки предметни) англатади¹, яъни у (адресат валентлигини реаллаштирувчи сўз) гап таркибидаги агенс ҳаракатини қабул қилувчи сифатида қалқийди. Турли гап тузилмаларида адресат ўзига қаратилган агенс ҳаракатини бевосита қабул қилувчи сифатида намоён бўлади, яъни адресат агенс ҳаракати йўлланган субъект ҳамдир². Шу тариха битта гапда 2 субъект юзага келади, аммо бу 2 субъект орасидаги фарқ валентлик тахлилида яққол кўзга кўринади, чунки уларнинг биринчиси агенс (ҳаракат бажарувчиси), иккинчиси эса (адресат) фақат қабул қилувчи субъектдир.

Ўзбек тилидаги кўп сонли ҳаракат феълларидан фақат **отмоқ** (улоқтирмоқ), **узатмоқ**, **сепмоқ**, **бермоқ** феъллари адресат валентлигига эга. Ўзбек тили нутқ феълларини тадқиқ қилган И.Кўчқортоевнинг қайд этишича, адресат валентлиги мазкур гуруҳдаги феъллар учун зарурийлик касб этади ва асосан, адресат валентлигини реаллаштирувчи сўз вазифасида фақат шахс ифодали лексемалар бўлади³. Р.Расуловнинг мақоласида ҳам ҳолат феълларининг адресат валентлигини реаллаштирувчи лексемалар шахс ифодали семемага эга бўлиши кўрсатилган⁴. Шунингдек, ҳолат феъллари адресатида йўналишни қабул қилиш акти ҳаракат ва нутқ феъллари адресатидагига нисбатан абстрактроқ бўлиши таъкидланган. Ҳақиқатан, ҳаракат феълларининг адресати ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради, ҳаракат феълларининг адресат

¹ Кононов А.Н. Грамматика совр. узбекского литературного языка. М. - Л., 1960, с. 96. Ғуломов А.Г., Асқарова М.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1965, 125- бет. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Тошкент, 1975, 238- бет. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1975, 132- бет.

² Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. М., 1974, с.127.

³ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент, 1977. С.91.

⁴ Расулов Р. Ҳолат феълларининг адресат валентлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983 йил, 1- сон, 70 - 74- бет.

валентлигини реаллаштирувчи лексемалар ҳам асосан «шахс» маъносини ифода этади, ammo айрим ҳолатларда бундан чекинишлар ҳам учрайди-ки, биз бундай ҳолатларни қуйида кўриб чиқамиз.

Қўл ҳаракатини ифодаловчи **отмоқ** феъли адресатини ифодаловчи сўз агентс ҳаракати қаратилган 2- субъектнн ифода этади, у аёл, эркак, бола ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Масалан, **Бола қўлидаги кутукни ўртоғига қараб отди** («Спорт»). **Асадбек чойи совиб улгурмаган пиёлани олиб, хотинига қараб отди** (Т.Малик). Ammo айрим гап тузилмаларида **отмоқ** феъли адресатини ифодаловчилари эшик, дераза каби предметлар ҳамда турли хил жониворлар бўлиши мумкин. Зеро, бундай вазиятлар реал ҳаётда кўп кузатилади. Масалан, **Салим қўлидаги тошни мўлжаллаб туриб деразага қараб отди** (А.Самадов). **Бола жаҳл билан лабини буриб, ўйинчокни кучугига қараб отиб юборди** (О.Хусанов).

Қўл ҳаракатини ифодаловчи яна бир феъ - **улоқтирмоқ** феълининг бирикув имкониятлари ўзига хос. **Отмоқ** феъли адресати кўп ҳолларда шахсни ифодаловчи сўзлардан иборат бўлиши кузатилгани ҳолда, мазкур феъл маъносига яқин маънони ифодаловчи **улоқтирмоқ** феълининг бирикувларида бундай ҳолат деярли кузатилмади. **Элчин жаҳл билан ёстикни четга улоқтирди-да, ўрнидан туриб кетди** (Т.Малик). **Фарҳод югуриб кириб, портфелини диванга улоқтирди** (Ў.Умарбеков). Кўринадики, **улоқтирмоқ** феъли адресат валентлигини реаллаштирувчи, яъни агентс ҳаракатини (ушбу вазиятларда ҳаракат воситасини) қабул қилувчилар **четга** ва **диванга** сўзларидир. Биринчи гапда бу маълум томонлар макон бўлса, иккинчи гапда эса предметдир. Ўзбеклар ўз менталитетига кўра нутқда бирон шахсни **улоқтирмоқ** феъли учун адресат сифатида деярли танламайди. Бу ҳолатни фақат «экстермал» вазиятлар ифодаланаётгандагина кузатиш мумкин. Масалан, **У кириб келиб Берди Олдиевичга китобни улоқтиради** (Ў.Умарбеков). Демак, **отмоқ** феълида нейтраллик маъноси бўлгани ҳолда **улоқтирмоқ** феълида экспрессивлик мавжудлиги валентлик таҳлилида намоён бўлди.

Қўл ҳаракатини билдирувчи **бермоқ** феъли адресат валентлигини реаллаштирувчилари шахс ёки турли жониворларни англаувчи сўзлардан иборат бўлади, предмет ва бошқа нарсалар бу вазиятда мутлақо келиши мумкин эмас. Масалан, **Мактубни ёнидагига берар экан, Қўшбегига деди** (А.Қодирий). **Уйга югуриб кирган Роҳатой хатни эгасига берди** (Ф.Усмонова). **Ўғлим, кучугинга овқат бердингми?** (Сўзлашув).

Қўл ҳаракатини билдирувчи **узатмоқ** феълининг адресат валентлигини реаллаштирувчилари асосан шахс ва айрим вазиятларда турли жонзотларни англаувчи сўзлардир. Бу сўз от, сон ва олмош билан ифодаланади. Масалан, **Қувонч чўнтагидан буклоғлиқ қоғоз чиқариб**

қизга узатади (Ф.Мусажонов). **Жалилга якинроқ ўтирган қария унга пиёлада чой қуйиб узатди-да** (Т.Малик). Айрим вазиятларда адресат имплицит ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда унинг ким ёки нима эканлиги оддинги гапдан билинади. Масалан, ...**йигитлардан бири чойнак кўтариб кириб, бир пиёлада қайноқ чой узатди** (Т.Малик). **Келин косаларни олиб чиққач, Ховуз полвон чой қуйиб узатди-да ...** (Т.Малик). Кўринадики, **узатмоқ** феълни асосан чой қуйиш, ичиш билан боғлиқ бириктувларда фаол иштирок этади. Ушбу феъл учун ҳам адресат валентлиги зарурийлик касб этади.

Сепмоқ феълнинг. адресат валентлигини реаллаштирувчилари шахс, парранда ва ўсимликларни билдирувчи сўзлардир. Мазкур феъл сув, дон, ўсимлик (полиэкинлари кўчатлари, мева дарахти) билан турли бириктувлар ҳосил қилганида адресат валентлиги зарурийдир. Зеро гап усиз грамматик ва семантик жиҳатдан тўлиқ ҳисобланмайди. Масалан, **Умида эрталабдан товукларга дон сепди, уй суғурди** (Х.Назир). **Кимдир кабинага чиқиб олиб, навбат кутиб турган шофёрларга қарата резина ичакдан сув сепмоқд.** (Н.Норматов). **Ҳой тура кол тезроқ, помидор кўчатларига дори сеп, бачкисини юл!** (Сўзлашув). **Дарахтларнинг биринчиси ва учинчисига дори сепмоқ керак, болаларим** (М.Мансур). Юқорида келтирилган мисоллар адресатнинг қабул қилувчи моҳияти, агент ҳаракатининг унга йўналганлиги тушунчаси, кўриб чиқилган феълларнинг адресатни реаллаштирувчи лексема жўналиш келишигида бўлишини исботлайди. Дарҳақиқат, ҳаракат феъллари адресат валентлигини реаллаштирувчининг асосан **от+га, олмош+га, сон+га** қолипидаги сўзларда ифодаланиши унинг асосий морфологик белгисидир. Шунингдек, барча гап қурилмаларида **отмоқ** ва **улоқтирмақ** феълларининг адресатида **қараб ёки томон** каби кўмакчиларининг қатнашиши шартдир. Жўналиш келишиги кўшимчаси агент ҳаракати қаратилган объектнинг адресат объектига ўгишини, ўзгаришини тўла таъминлайди. Демак, жўналиш келишиги орқали шу келишикдаги отдан (олмош ёки сондан) англашилган предметнинг агент ҳаракати қаратилган субъект характеридаги объект эканлиги ифодаланади. Адресат валентлигига эга ҳаракат феъллари гапда асосан кесим, баъзан ҳол вазифасида келади. Шунга кўра адресат валентлигининг реализатори востигали тўлдирувчи вазифасини бажаради.

Хуллас, ҳаракат феъллари адресат валентлигини ифодаловчи сўз мантқиқий-семантик нуктаи назардан феъл семемасининг агент ҳаракати қаратилган объектни (шахс ёки предметни) англатади. Адресат агент ҳаракатининг ўзига қаратилишига нисбатан объект, аммо қабул қилувчи сифатида субъектдир. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларидан фақат **отмоқ** (улоқтирмақ), **узатмоқ**, **сепмоқ**, **бермоқ** феълларигина адресат валентлигига эга. Адресатнинг асосан **от+га, олмош+га, сон+га** қолипидаги сўзларда реаллашиши унинг асосий морфологик белгиси-

дир. Адресатни реаллаштирувчи сўзнинг гапдаги синтактик вазифаси асосан воситали тўлдирувчи бўлади. Ўзбек тилидаги айрим ҳаракат феълларида адресат валентлиги мазкур феъллар учун зарурийлик касб этади.

ЙЎҚЛИКНИ БИЛДИРУВЧИ ГАПЛАРНИНГ ТАБИАТИ ХУСУСИДА

Лутфуллаева Д. (ГВДПИ)

Маълумки, йўқликни билдирувчи гаплар воқелик элементлари ва уларга хос белги-хусусиятнинг реал ҳолатда йўқ эканлигини англатади. Бундай гаплар йўқлик ҳақидаги хабарни ифодалагани сабабли кўпинча дарак гап тузилишида бўлади. Масалан:

1. Битгаям қоши йўқ (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»).

2. Ҳовли кимсасиз... (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»).

Берилган гапларда муайян предметларнинг мавжуд эмаслиги ҳақида хабар ифодаланган. Биринчи гапда қошнинг буткул йўқлиги, иккинчи гапда ҳовлида одамнинг йўқлиги баён этилган. Бундай гаплар соф сўроқ гап шаклида қўлланганда йўқлик аниқ ифодаланмайди, риторик сўроқ гап шаклида эса ноаниқ йўқлик билан бирга мавжудлик маъноси ҳам ифодаланadi. Масалан:

1. - Чой-пой йўқми? (Ғ.Ғулom. «Шум бола»).

2. Сендан бошқа ташвишим йўқми! (Ў.Ҳошимов «Икки эшик ораси»).

Биринчи гапда чойнинг йўқ эканлиги аниқ ифодаланмаган. Иккинчи гапда эса тусмол тарзидаги йўқлик билан бирга пресуппозиция орқали мавжудлик маъноси («Сендан бошқа ташвишим ҳам бор») ҳам ифодаланган.

Баъзан нутқда кесими **йўқми** сўзи билан ифодаланган сўроқ гапларнинг кесими **борми** сўзи билан ифодаланган сўроқ гаплар билан эркин алмашилиб қўлланиши кузатилади. Масалан: Ижодкор талаба-лардан **йўқми?** — **Ижодкор талабалардан борми?**

Тилшунос олим А.Нурмонов мазкур масала бўйича фикр юртиб, бундай қўлланишларда **йўқми** сўзининг **борми** сўзи билан эркин алмашинувига бу сўзларнинг нутқда мўътадиллашуви сабаб бўлади, деб изоҳ беради¹.

Англашиладики, баъзан нутқ жараёнида **-ми** юкламаси билан қўлланган **бор**, **йўқ** сўзлари мўътадиллашади. Бундай ўринларда гапда йўқлик ва мавжудлик маънолари аниқ ифодаланмайди.

¹ Нурмонов.А. Синтактик конструкциялар тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. 1981, 48 — 49-б.

Шунингдек, **бор**, **йўқ** сўзлари жуфтлашиб қўлланган куйидаги гапларда ҳам мавжудлик ва йўқлик маънолари аниқ ифодаланмаган:

1. — Ҳаққим бор-йўқлигини бюрода кўрсатиб кўяман, полвон! (Т.Пўлат. «Ичкуёв»).

2. Бошликнинг бор-йўқлигини билмайман («Ангрен ҳақиқати»).

Йўқ сўзи **ўхшайди**, **туйилади**, **кўринади** феъллари билан бири-киби келган ўрилларда ҳам йўқлик аниқ ифодаланмайди:

1. Отаси йўққа ўхшайди (Ғ.Ғулом. «Шум бола»).

2. Уйда ҳеч ким йўқдай туйилди (Сўзлашув).

Шунингдек, йўқликнинг тусмол тарзида эъанлиги гумон маъносини ифодаловчи модал сўзлар, **гўё** боғловчиси ҳамда **-дек(-дай)** аффикслари ёрдамида ҳам ҳосил қилинади. Мисоллар:

1. Айтадиган сўзлари йўқдай (Т.Малик. «Шайтанат»).

2. Шунақанги осойиштаки, гўё мен йўқман (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»).

3. Балки боғда ҳеч ким йўқдир («Ангрен ҳақиқати»).

Шуниси характерлики, **йўқ** сўзи **ҳисоби**, **даражада**, **деярли** сўзлари билан ҳам боғланиб қўлланганда йўқлик маъноси ифодаланмайди, балки предметнинг миқдор жиҳатдан камлиги маъноси ифодаланади. Масалан:

1. Кўлидан келмайдиган хунар йўқ ҳисоби (Э.Аъзамов. «Олам ям-яшил»).

2. Лекин шу икки тилни бир хилда мукамал биладиган ходимларимиз йўқ даражада (Т.Пўлат. «Ичкуёв»).

3. Аммо бевосита фан билан шуғулланадиган фидойи олимлар деярли йўқ (Ғ.Мусаёнов. «Бир култур булоқ суви»).

Англашиладики, **йўқ** сўзи иштирокида тузилган барча гапларда ҳам йўқлик маъноси ифодаланмавермайди.

Шунингдек, йўқликни билдирувчи гаплар, асосан, ҳозирги замонга оид бўлиб, ўтган ва келаси замон шаклида қўлланганда гапдан бутунлай йўқлик англашмайди. Демак, предметнинг маконда йўқлиги замон тунунчаси билан ҳам боғлиқ. Қиёсланг:

1. Фақат бу гулларнинг эгаси йўқ энди (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси»), (Йўқлик ҳозирги замонга оид).

2. Оқдинлари сен айтмоқчи бўлган гапларга йўл йўқ эди (Т.Малик. «Шайтанат»), (Йўқлик ўтган замонга оид).

3. Эргага уйда иш йўқ (Сўзлашув), (Йўқлик келаси замонга оид).

Ҳозирги замонни кўрсатувчи гапда предметнинг бутунлай йўқлиги маъноси ифодаланган. Ўтган ва келаси замонларни билдирувчи гапларда эса буткул йўқлик маъноси ифодаланмаган, бундай гаплардан предметнинг ҳозирги замонда мавжудлиги ҳам англашилиб туради.

Йўқликни билдирувчи гаплар доимо тасдиқ характерида шаклланади. Кесим инкор ифодаловчи воситаларни қабул қилганда гап инкор гапга айланади ва йўқлик маъносини йўқотади. Қиёсланг:

Уйда ит йўқ.

(Йўқликнинг тасдиғи)

Уйда ит йўқ эмас.

(Йўқликнинг инкори)

Уйда ит йўқ эмас гапи тасдиқ гап. Бу гапта йўқлик маъноси ифодаланмаган. Анъанавий грамматикада бундай ҳолатда «инкорни инкор» ҳодисасининг юз бериши ҳақида гапирилади¹. Агар **йўқ эмас** бирикувида «инкорни инкор» асосида тасдиқ келиб чиқса, у ҳолда **бор эмас** бирикувида йўқликнинг (анъанавий грамматикада инкорнинг) ифодаланишини қандай изоҳлаш лозим бўлади?

Бизнингча, **йўқ эмас** бирикувида «инкорни инкор» ҳодисаси юз бермайди, йўқликнинг инкори ифодаланади, ҳолос. Йўқликнинг инкори мантиқан мавжудликка ишора қилса, мавжудликнинг инкори мантиқий равишда йўқликни келтириб чиқаради. Ҳар қандай инкордан мантиқан тасдиқ келиб чиқишини назарда тутсақ², **предмет номи + йўқ эмас, предмет номи + бор (мавжуд) эмас** тузилишидаги гапларда гап предикатининг характериға зид характеридаги мантиқий пресушпозициянинг ифодаланиши маълум бўлади. Қиёсланг:

Уйда ит йўқ эмас.

(Уйда ит бор)

Уйда ит мавжуд эмас.

(Уйда ит йўқ)

Шунингдек, **Унинг билмаган нарсаси йўқ** гапида ҳам «инкорни инкор» ҳодисаси юз бермайди. Чунки бу гапдан йўқликнинг зидди сифатида мавжудлик маъноси англашилмайди. Ушбу гапнинг ички структурасидан «У ҳамма нарсани билади» ахбороти ҳам англашилади. Бу ахборот гапнинг умумий мазмунидан мантиқий хулоса сифатида юзга келади. Умуман, **бўлишсиз феъл + кенг маънодаги от + йўқ** тузилишидаги барча гапларда «инкорни инкор» ҳодисаси юз бермайди.

Кўринадики, йўқликни билдирувчи гаплар тасдиқ характерида шаклланиши сабабли бундай гапларда «инкорни инкор» ҳодисаси юз бермайди.

Хуллас, йўқликни билдирувчи гаплар ўзига хос шаклланиш жиҳатлари билан гапнинг бошқа мазмуний турларидан фарқланади.

ПРЕДИКАТИВ СИНТАГМА ФЕЪЛ АЪЗОСИНИНГ *-ЁТГАН* СИФАТДОШ ЯСОВЧИСИ БИЛАН ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

Маҳматқулов С. (Термиз ДУ)

Предикатив синтагмани (гапни) қаратувчили синтагмага трансформациялаб, турли бўлак вазифасида ишлатиш мумкин. Кесими феъл билан ифодаланган предикатив синтагма трансформациясида *-ётган* си-

¹ Раҳимов.С. Вопросы структурно-типологической характеристики предложения. Ташкент, Фан, 1978, с.23. Нурмонов.А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Ташкент, Фан, 1982, с.103-105.

² Бу ҳақда қаранг: Фуломов А., Асқарова.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, Ўқитувчи, 1987, 33- б.

фатдош ясовчиси муҳим аҳамият касб этади. Бундай трансформацияланишдаги ўзгаришнинг бир қисми ҳар икки аъзода (эга ва кесимда) мутаносиб ҳолда воқе бўлади: қаратқич келишиги шаклидаги аъзодан англашиладиган шахс маъносига мутаносиб ҳолда иккинчи аъзога (кесимга) эгаллик кўшимчаси кўшилади. Шу жиҳати билан предикатив синтагманинг ташқи трансформацияланишидан¹ фарқ қилади. Трансформацияланишнинг бошқа жиҳатлари асосан кесим аъзога боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ўрганаётган мисолларимизда ҳозирги замон шаклидаги предикатив синтагманинг феъл аъзоси қаратувчили синтагмага **-ётган** сифатдош ясовчиси билан трансформация қилинган. Фактик материалимизда бундай трансформациялашга 170 мисол мавжуд. Бундай трансформацияларнинг турли синтактик вазифаларда келишини, ҳар хил шаклланишини бешга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Воситасиз тўлдирувчи вазифасида келиши.
2. Воситали тўлдирувчи вазифасида келиши.
3. Ҳол вазифасида келиши.
4. Эга вазифасида келиши.
5. Қаратувчи вазифасида келиши.

1. Предикатив синтагма феъл аъзосининг **-ётган** сифатдош ясовчиси билан трансформация қилиниб, **воситасиз тўлдирувчи** вазифасида келган трансформация нутқда кўп ишлатилади (Қарғочкамизда 75 мисол мавжуд). Бунда трансформациянинг қаратувчи аъзоси қаратқич келишигининг ҳар икки кўринишида (**белгили ва белтисиз**) қўлланган:

1) Қаратқич келишигининг **белгили** шаклида ишлатилишига 39 мисол учради. Шуларнинг 20тасида қаратувчи аъзо киши атоқли оти билан ифодаланган: *Давлатбеков Замоналининг ҳам машинага ўтираётганини кўриб, юзи кўкариб кетди* (П.Қодиров, Қора кўзлар, 1966, 100). *Ферузанинг тоқатсизланаётганини сезган Ҳанифа астагина сўради* (Х.Фуллом, Феруза, 1980, 131).

14 мисолда қаратувчи киши турдош оти билан ифодаланган, шулардан 8 мисолда турдош от бирликда келган: ... *Райҳон қизининг ундан ниманидир яшираётганини ... сезди*. (Х.Фуллом, 152). *У эрининг яна шу тўғрида ўйлаётганини бугун ҳам сезди* (П.Қодиров, 191).

6 мисолда қаратувчи вазифасидаги турдош от кўплик шаклида келган. Шулардан тўрт мисолда қаралмиш аъзога III шахс бирлик эгаллик кўшимчаси кўшилаверган: ... *одамларнинг қочошига мўлжаллаётганини сезди* (Ойбек, Қутлуғ қон, 1967, 185).

Бир мисолда кўшликдаги қаратувчига мутаносиб ҳолда қаралмиш ҳам кўшлик шаклида ишлатилган: ...*ҳар нав камбагал-қашшоқлар-*

¹ Маҳматқулов С. Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси. Тошкент, «Университет», 1998, 229 – 241- бетлар.

нинг бозор жаҳаннамида куйиб-ўртанаётганларини пайқади (Ойбек, 123).

Мана бу мисолда қаратувчи аъзо уюшиқ қатор билан ифодаланган. Шунга кўра қаралмиш аъзо кўпликда ишлатилган, кўплик маъносини **-ш** қўшимчаси ифодалаб келган: *Маҳфуза ... айниқса ойиси билан опасининг нега қучоқлашиб йиғлашаётганини тушуна олмай ...* (Х.Фулом, 10).

2) Қаратқич келишигининг **белгисиз** шаклида ишлатилишига 36 мисол учради. Шулардан 7тасида қаратувчи аъзо киши атоқли оти билан ифодаланган: *Турди уни жўрттага бошқа томонга бошлаб келаётганини Хулқар сезди* (П.Қодиров, 171).

24 мисолда қаратувчи аъзо турдош от билан ифодаланган; шулардан 15 мисолда бирлик шаклида келган: *Давлатбек гап айланиб нимага келаётганини энди сезди* (П.Қодиров, 234). *Хулқар ... бадани зир титраётганини сезди* (П.Қодиров, 171).

9 мисолда қаратувчи аъзо кўплик шаклида келган, лекин 8 мисолда қаралмиш аъзо бирлик шаклида қўлланган: *Атрофдан одамлар икковига ҳайрон бўлиб қараётганини Аваз энди сезди*. (П.Қодиров, 280).

Қаратқич келишиги белгисиз шаклда ишлатилган 5 мисолда қаратувчи аъзо олмош билан ифодаланган: *Лекин у кўз қири билан яширинча тикилиб-тикилиб қўяётганини Йўлчи фаҳмлади* (Ойбек, 324). *Мадаминжон кун ботиш томонидаги ёндан кимдир қиялаб тушиб келаётганини кўрди* (П.Қодиров, 134).

Мисоллардан аёнки, предикатив синтагмани бундай трансформациялашда кесим аъзо таркибидати ҳозирги замон шакллари **-яп, -ётир**, сифатдош ясовчиси **-ётган** билан алмашади: *...яшираяпти → яшираётган ... (-яп → ётган), келаёттир → келаётган ... (ётир → ётган)*.

2. Предикатив синтагманинг **-ётган** сифатдош ясовчиси билан трансформация қилиниб, **воситали тўлдирувчи** вазифасида келишига фактик материалимизда 13 мисол бор. 8 мисолда воситали тўлдирувчи **чиқини келишигида** шаклланган. Шуларнинг 5тасида қаратувчи аъзо қаратқич келишигининг **белгили** шаклида ишлатилган бўлиб, 4 мисолда турдош от билан, бир мисолда **ўзининг** сўзшакли билан ифодаланган: *Раиснинг бу қадар ташвишланаётганидан Феруза хурсанд бўлди* (Х.Фулом, 161).

Уч мисолда қаратувчи аъзо қаратқич келишигининг **белгисиз** шаклида ишлатилиб, турдош от билан ифодаланган, икки мисолда бирлик шаклида, бир мисолда эса кўплик шаклида қўлланган: *... аммо чўлдан ташиб кетилаётган шунча хазинани битта масжид ютаётганидан ҳайронлиги тобора ортарди* (Х.Фулом, 25). *Кимки тўқайлар, ботқоқлар пайдо бўлаётганидан гап очса, ...* (Х.Фулом, 13).

Воситали тўлдирувчи 3 мисолда **жўпалини келишигида** шаклланган, қаратувчи аъзо икки мисолда қаратқич келишигининг белгили

шаклида келиб, атоқли от билан, III шахс бирлик кишилик олмоши билан ифодаланган: *Улар Норқўзининг бригаадан кетайтганига ичидан ачинар эдилар* (Х.Ғулом, 195). ... унинг *Шералига нисбатан асоссиз раиқ қилаётганига* ўқинди (Х.Ғулом).

Бундай тўлдирувчи 2 мисолда билан кўмакчиси, бир мисолда ҳақида кўмакчиси шакллангирган: *Биз бугун халқимизнинг икки азии фарзанди оила қурайтгани билан... фахрланамиз... (Х.Ғулом, 215). теракзорга йигилганлар Илҳомча ҳеч қаерда тўпилмайтгани ҳақида ... сўзлашарди* (Х.Ғулом, 221).

Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган яна бир мисол учради: ... *қизнинг муштоқлик билан кутаётгани ҳақидаги сўзларини ошиқнинг оғзидан эшитишни истардилар* (Х.Ғулом, 205).

Бу мисолда трансформа асли ҳақида кўмакчиси ёрдаида шаклланган, кейин унга -ги атрибутив шакл ясовчиси кўшилиб, бу трансформа сифатловчи вазифасида келтирилган.

3. Предикатив синтагма феъл аъзосининг -ётган сифатдош ясовчиси билан трансформацияланиб, ҳол вазифасида келган трансформа мисолларимизда икки марта учради. Шуларнинг бири чиқиб келишиги билан, иккинчиси учун кўмакчиси билан шаклланган; қаратувчи аъзо бирида атоқли от билан, иккинчисида III шахс бирлик кишилик олмоши билан ифодаланган, ҳар иккиси қаратқич келишигининг белгили шаклида ишлатилган: *Турди унинг босиқ гапирайтганидан дадилланди* (П.Қодиров, 234). *Норқўзининг тўқайга бораётгани учун раҳмат* (Х.Ғулом, 197).

4. Предикатив синтагма феъл аъзосининг -ётган сифатдош ясовчиси билан трансформация қилиниб, эга вазифасида келган трансформа 16 марта учради. Шулардан 4 мисолда қаратувчи аъзо қаратқич келишигининг белгили шаклида ишлатилган, бир мисолда атоқли от билан, икки мисолда турдош от билан, бир мисолда III шахс бирлик кишилик олмоши билан ифодаланган: *Мансуровнинг ... даромадга ҳам эътибор бераётгани* Замоналига ёқди. (П.Қодиров, 78). ... *бу йилги ҳосил тош босаётгани қанчалик ҳақиқат бўлса, ... (Х.Ғулом, 64). Эҳтимол, ҳозир унинг ўз хотинидан хавотирланаётгани ... унга кўнги қўйганидандир* (П.Қодиров, 40).

5. Предикатив синтагма феъл аъзосининг -ётган сифатдош ясовчиси билан трансформация қилиниб, қаратувчи вазифасида келишига бир мисол учради ва у қаратқич келишигининг белгили шаклида ишлатилган; бундай трансформа таркибидаги қаратқич аъзо атоқли от билан ифодаланиб, қаратқич келишигининг белгисиз шаклида келган: *Холбек уйга шошилайтганининг бир сабаби - шу* (П.Қодиров, 169).

Юқоридаги мисоллар таҳлилидан маълумки, предикатив синтагма феъл аъзоси -ётган сифатдош ясовчиси билан қаратувчили синтагмага трансформация қилинганда энг кўп воситасиз тўлдирувчи вазифасида

ишлатилади. Трансформациялашда предикатив синтагма эга аъзоси бош келишиқдан қаратқич келишигига (-ØII→-нинг), кесим аъзоси таркибидаги **-яп, -ётир** ҳозирги замон ясовчиси **-ётган** сифатдош шаклига (**-яп, -ётир**→**ётган**) алмашади. Натижада предикатив синтагма қаратувчи синтагмага айланади. Бунда предикатив синтагманинг эга аъзоси трансформацияланиш натижасида қаратувчига, кесим аъзоси эга қаралмишга айланади, предикатив синтагма яхлитлигича гапга тенг ҳолатдан бирикмага тенг ҳолатга ўтади. Ана шундай трансформа нутқда қайси синтактик вазифада келишига қараб грамматик шакл олади.

ТУРҒУН БИРЛИКЛАР АСОСИДА ТУЗИЛГАН СЎРОҚ ГАПЛАРДА ШАКЛИЙ-МАЗМУНИЙ НОМУВОФИКЛИК

Хайназарова М. (ТВДПИ)

Ўзбек тилшунослигида айрим муаллифлар томонидан синтактик қолип атамаси синтактик модель атамаси ўрнида қўлланилмоқда.¹ Ўзбек тилида шундай синтактик қурилмалар борки, улар таркибида маълум «шаблон»лар ётади. Масалан, «**-дан нима фойда?**», «**-нинг нима кераги бор?**» каби. Биз бундай «шаблон»ларни «турғун бирликлар» атамаси билан ифодалашни маъқул кўрдик.

Ўзбек тилида муайян тузилишдаги турғун бирликлар асосида шаклланган сўроқ гаплар кўп учрайди. Айни шундай тузилишдаги синтактик қурилмалар ҳам сўроқ оломшлари, **-ми** юклагаси, сўроқ оҳанги ёрдамида ҳосил бўлган сўроқ гаплар каби яширин мазмун англатади. Муайян тузилишдаги сўроқ гаплар шаклига номувофик тарзда яширин дарак ёки буйруқ маъноли ахборотларни ифодалаш мумкин.

Турғун бирликлар асосида шаклланган сўроқ гапларнинг ички тузилишидан ангилашладиган ахборот коммуникантларга олдиндан маълум бўлади. Шу сабабли бундай гапларда пресуппозиция орқали ангишилган ахборот доимо тушунарли бўлади.

Сўроқ гапларни ҳосил этувчи воситалар сўроқ оломшлари, сўроқ юклагамалари, сўроқ оҳанги эканлигини ҳисобга олиб, турғун бирликлар асосида шаклланган гапларни ҳам 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Сўроқ оломши турғун бирликлар асосида шаклланган сўроқ гаплар.
2. Сўроқ юклагамали турғун бирликлар асосида шаклланган сўроқ гаплар.
3. Сўроқ оҳанги ёрдамида шаклланган турғун бирликли сўроқ гаплар.

¹ Петматов Х. И др. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков //Советская тюркология.—Баку, 1984.

Сўроқ олмошли турғун бирликлар асосида шаклланган гаплар таркибида, албатта, сўроқ олмоши иштирок этади. Бу хилдаги сўроқ гаплар куйидаги турғун бирликлар асосида шаклланади:

«...-да нима бор?», «...-нинг нима кераги бор?», «...-дан нима фойда?», «...-са нима қилади // -са нима қиларкин// -са нима қилибди // қипти?», «...-ни нима қиламан // қилади?», «...-нима қилсин унда // ...нима қилади унда?», «... ким билади// билсин?», «ким ҳам... - син?», «...-ни ким қўйибди?», «қаёқдан//қаердан билади//билбди//билсин?», «қаерга//қаёққа боради//борибди//борсин?», «қаёққа ... -син?», «қанақасига ...-син?».

-**ми** юкламали турғун бирликлар асосида шаклланган сўроқ гапларнинг куйидаги кўринишлари мавжуд дея оламъз:

«...-са бўладими // -са бўлмайдими?», «...-са (-маса) ўлмайдими?», «...-(и)ш ҳам гапми // ...-(и)ш ҳам қийин эканми?», «... -ми ўзи?», «...-микин//...-микан?», «...-(а)р+ми+эди?», «...-(и)б бўлармиди?», «*Менга деса/қолса//демаса... -майдими?*», «*от+от+ми?*», «*от + қолдими/қолибдими?*», «*Шу ҳам +от+ми?*» каби.

Шунингдек, сўроқ оҳанги ёрдамида шаклланган турғун бирликли сўроқ гаплар спорадик эканлигини эътиборга олиб, улар, асосан, «...-(и)б бўлибди // бўпти?», «...са бўлади?», «...-са+тасдиқ ёки инкор шакли феъл?» асосида ҳосил бўлади.

Шу ўринда «*Менга деса //демаса/қолса...+майдими?*» турғун бирликли гапларнинг шаклий-мазмуний тузилишига тўхталишни жоиз деб билдик¹. Мазкур турғун синтактик бирликнинг грамматик-семантик маркази жўналиш келишигидаги кишилик олмоши + шарт майлидаги *демоқ//қолмоқ* феъли + **-ми** юкламали бўлишли шаклдаги равишдошнинг бирикувидан ташкил топади. Шунингдек, *демоқ* феълнинг шарт майлидаги бўлишсиз шакли *демаса* ҳам қўлланади. Масалан, *Менга деса ҳаммаси жаҳаннам оловида куйиб кул бўлмайдими?* (Ў.Ҳошимов). *Унга деса шаҳар вайрон бўлмайдими?* (Ў.Ҳошимов).

Бундай тузилишдаги синтактик бирликлар фақат риторик сўроқ гап вазифасида келиб, уларнинг шакли, мазмуни¹ гапга номувофиқ ҳисобланади ва бундай гапларнинг ички тузилишидан буйруқ-тасдиқ характеридаги яширин ахборот англашилади. Бу хилдаги гапларда сўзловчининг лоқайдлик, норозилик, менсимаслик каби муносабатлари ҳам ўз ифодасини топади: *Менга деса юз марта уйланмайдими?* (Ў.Ҳошимов) гапида, «Уйланса уйланаверсин» буйруқ-тасдиқ тарзидаги яширин ахборот билан бирга, менсимаслик маъноси ҳам ифодаланган. «*Менга деса юз марта уйланмайдими?*» гапи «*Юз марта уйланмайдими?*» жумласи билан вариантдош ҳисобланади. Англашиладики, «*Менга деса //демаса//қолса... -майдими?*» турғун бирлигининг «*Менга деса //демаса//қол*

¹ Бундай турғун бирликлар иштирок этган гапларнинг экспрессив муносабат маънолари ўрганилган. Қаранг: Содиқова М. Феъл стилистикаси, Т., «Фан», 1975, 93- бет.

са» қисми қўлланмаслиги ҳам мумкин. Чунки бу қисм фикрнинг кимга қарашли эканлигини билдирадиган конструкциядир.

«Менга деса //демаса//қолса... -майдими?» тузилишидаги гаплар мазмунан буйруқ гап билан парадигматик муносабатга киришади: **Майли, менга деса ўша олифга билан қўшмозор бўлсин** (Х.Тўхтабоев). Бу мисолдан «Менга деса //демаса//қолса...майдими?» турғун бирликли сўроқ гаплар билан «Менга деса //демаса//қолса... -син» тузилишидаги буйруқ гаплардан англашиладиган мазмун бир хил эканлиги аён бўлади. Улардаги фарқ бирининг сўроқ, иккинчисининг эса буйруқ гап эканлигидадир. Шунингдек, ҳар икки гап бир-биридан нутқий актни ифодалашига кўра фарқланади.

Демаж, сўроқ гаплар сўроқ олмошлари, сўроқ юкламалари, сўроқ оҳанги ёрдамида, яна турғун бирликлар асосида ҳосил бўлади. Юқорида айтилган лексик-грамматик воситаларни турғун бирликлардан фарқлаш лозим.

Келтирилган далиллардан «Менга деса//демаса//қолса ... -майдими?» турғун бирликли сўроқ гаплар тасдиқ-инкор, сўроқ-буйруқ, содда мураккаблик белгиларига кўра шаклий-мазмуний номувофикликка эга эканлиги маълум бўлади.

ГРАММАТИК ШАКЛДА КАТЕГОРИАЛ ВА НОКАТЕГОРИАЛ МАЪНОЛАР

Бахриддинова Б. (Қарни ДУ)

Ўзбек тилшунослигида грамматик маъно масалалари умуман олганда кам ўрганилган.¹ Одатда, грамматик маъно деганда, фанда сўз шаклининг луғавий маънодан ташқари ифодалаган маънолари тушунилади.

Кейинги вақтларда тилшуносликда грамматик шакл маъносининг яхлит эмаслиги, унинг хилма-хил маънолардан иборат эканлиги, бу маъноларнинг бир шаклда мужассамланганлигига қарамай турли хил категорияларга мансуб бўла олиши ҳақида қарашлар илгари сурилди.² Яқингача ўзбек тилшунослигида грамматик кўрсаткичнинг категориал маънолари таҳлил этилганда, бу кўрсаткичда мужассамланган категориал ва нокатегориал маънолар фарқланмай, шу кўрсаткич ифодалаган барча маънолар, кўрсаткич мансуб бўлган грамматик категория маъноларига мансуб бўлса-бўлмаса, шу кўрсаткичга ва у орқали грамматик категорияга нисбат берилади. Кейинги тадқиқотлар туркий тиллар морфологик кўрсаткичларида ҳам, Ҳинд-Европа тилларида бўлгани каби, ҳар хил грамматик категорияларнинг маъноси синтезланган ҳолда ва

¹ Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини ҳақида. Филол. фан. ном. дис. Бухоро. 1993, 152.

² Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. Ч.-И. Л.: изд. ЛГУ. 1975. 100.

ўзаро ёндош грамматик маъноларнинг бир қўшимчада мужассамланганлиги эътироф этилмоқда¹.

Грамматик шаклда категориал ва нокатегориал маъноларни фарқламаслик, кўпинча грамматик шакл моҳиятини нотўғри тушунишга олиб келади. Кўп ҳолатларда маълум бир категорияга мансуб бўлган шакл бир неча моддий кўринишларга эга бўлади ва бу шакллар категориал маъно жиҳатидан бир хил бўлиб, уларда мужассамланган ёндош маънолар билан бир-биридан фаркланиб туради.

Категориал маъно нуқтайи назаридан улар маълум бир категориянинг бир шакли, аммо ёндош маънолари ва моддий кўринишларига кўра ҳар хил шакллардир.

Категориал маънолар билан бирлашиб, нокатегориал маънолар асосида фарқланиш ўзбек тилшунослигида мавжуд вариант-инвариант назариясида мутлақо ишланмаган. Чунки вариант-инвариант масалалари қадимги даврлардан замонавий морфологик тадқиқотларгача зоҳирий, яъни лисоний бирликларнинг шаклий томонинигина қамраб оларди, холос.

Маълум бир категорияга мансублиги «аниқ» бўлган ҳодисаларнинг моҳиятан бу категорияга мутлақо алоқадор бўлмаган маънолар асосида фарқланиш ҳолатларини шу категория учун бир унсурнинг турли вариантлари сифатида баҳолаш учун тўсик йўқ. Сабаби категориал маънога нисбатан улар, ҳақиқатдан, бир ҳодисанинг вариантларидир. Масалан, давомийлик ҳаракат тарзи учун алоҳида бир шакл сифатида (*этишиб юрмоқ, оқиб ётмоқ, эсиб турмоқ*) унинг тизимидан ўрин олиши мумкин, аммо замон категорияси тизимида у мустақил ўрнига эга бўла олмайдди.

Феъл турлари (ўзгаловчи) категориясининг категориал маъноси феълни нутққа киритиш бўлиб, у феълга гап таркибида маълум бир мавқе бағишлаш ёки феълни бошқа сўзлар билан боғлашда ўз аксини топади. Бу жиҳатдан тур категорияси унсурларининг категориал маъноси:

- гапга кесим мавқеини бериш, бир феълни иккинчи феълга тобелаб боғлаш;
- феълни отга ва феълга мослашув ва битишув муносабатлари билан боғлаш;
- феълни от(отлашган сўзлар)га мослашув муносабатида боғлаш кўринишларида воқеланади. Булардан кесим шакли кесимлик категорияси томонидан қамраб олинади ва феъл турлари (ўзгаловчи)² категорияси учун нокатегориал, кесимлик категорияси учун категориал бўлган тасдиқ/инкор, майл/замон, шахс/сон маънолари асосида хилма-

¹ Незьматов Х. Қайта қуриш стратегияси ва ўзбек тилшунослигининг навбатдаги масалалари. Ўзбек тилини синхроник ўрганиш. Илмий асарлар тўп., Т.: 1987.

² Менглиев Б.Р. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари. Филол. фан. ... дис. Бухоро, 1995, 144.

хил парадигмалар куради. Тилшунослик фанида алоҳида ажратилаётган тасдиқ/инкор, майл/замон, шахс/сон парадигмалари, одатда феълнинг тур (ўзгаловчи) категорияси шакллар тизимига киритилмайди. Чунки улар бошқа бир, яъни кесимлик категориясининг унсурларидир.

Феъл турлари категорияси аъзолари ҳаракат номи, сифатдош ва равишдошлар бу категориянинг алоҳида шакллари сифатида ҳозирга қадар фанда баҳсга сабаб бўлиб келмоқда. Ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош шакллари тур категорияси учун категориал бўлган маъно асосида фарқланса (яъни феълни феълга боғлаш вазифаси — ўтимли феълни ўтимсиз, ўтимсиз феълни ўтимли феълга боғлаш — феълнинг бир маъновий гуруҳини иккинчи турдаги феъл билан боғлаш кабиларда хусусийлашса), бундай шакллар том маънода тур категориясининг алоҳида бир шакллари сифатида баҳоланиши ва унинг парадигмалари қаторига киритилиши мумкин.

Равишдош шакллари асос феълда тобе аъзолик белгисини кучайтиради ва уларда «ҳоллик» вазифа семасини орттиради. Бу равишдош шаклларининг синтактик моҳияти бўлиб, вазифа семасидаги ўзгаришлар бевосита аташ семасидаги ўзгаришларга боғлиқ равишда юз беради. Умуман олганда, равишдош шакллари нисбий маънога эгаллиги билан характерланади. У феълга берган маъно ҳар доим ҳам ҳоким феълга нисбатан белгиланади. Унинг ўзига хос белгиси сифатида «феълни феълга боғлаш» синтактик ва «феълга тарз маъносини бериш» семантик вазифаларини кўрсатиш мумкин. Равишдош ўзаги ўз субъекти билан нутқий қуршовга боғлиқ равишда ҳосил қилган замон, шарт, сабаб, давомлилик, такрорийлик, мақсад каби маъно бўёқлари равишдошлар учун нокатегориал маънолардир.

Сифатдош шакллари луғавий-синтактик шакллар сифатида феълларни от ва от вазифасидаги сўзлар билан синтактик алоқага киритади, шу билан бирга луғавий маънога ҳам таъсир этиб, ўзи ҳосил қилаётган сўзшакл асосидаги аташ ва вазифа семаларини жиддий ўзгартиради, феълнинг аташ семалари сирасидаги «ҳаракат» маъно бўлакчасини торайтиради ва бўшаган ўринни «белги» оттенкаси эгаллайди. Сифатдошларда вокеланадиган турли категориялар маънолари (замон — *китобни ўқиб чиққан бола*) давомийлик — *китоб ўқийётган бола*; бошланмаган ҳаракат — *мен ўқийдиган китоб...*) нутқий қуршов билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган нокатегориал маънолардир.

Ҳаракат номи шакллари феълнинг луғавий маъносига таъсир қилиш қувватининг нисбатан кучлилиги билан фарқливи туради. Аташ семалари занжиридаги «ҳаракат» маъно бўлакчаси равишдош ва сифатдошларга қараганда кўпроқ «сиқилади». Бу ўзгаришлар ўз навбатида вазифа семасини тамоман янгилайди ва феълга хос вазифалар бажариш қобилиятини тўла сўндиради. Хилма-хил нутқий қуршовлар таъсирида давомийлик, давомсизлик, такрорийлик каби нокатегориал маънолар вокеланиши кузатилади.

Замон, модаллик, тарз ва бошқа категорияларнинг маънолари тажаллисидан озод қилинган тур категорияси шакллари — равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи илк феъл ўзакка маълум бир синтактик имконият бағишлаш нуқтайи назаридан қатъий бир системага бирлашиб, феълнинг ўзига хос ноқесимлик шакллари ташкил қилади.

Ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош шакллари ўзига хос категория умумий грамматик маъноси билан эмас, балки ўзларида тажаллиланган бошқа категорияларга хос маънолар билан фарқланганлиги сабабли уларни алоҳида категория сифатида ажратишга асос йўқ.

ЎЗБЕК ТИЛИДА САБАБ-НАТИЖА МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАР

Йўлдошева Д. (ФДУ)

Маълумки, гап — абстракт тафаккур эмас, нуқтий ҳодиса. Лекин бу синтактик бирликнинг бош вазифаси коммуникатив вазифа бўлиб, у муомала-муносабатда турлича мазмунни, жумладан сабаб-натижа маъносини ҳам ифодалайди. Сабаб деб бошқа ҳодисани вужудга келтирувчи ҳодисага айтилади. Ҳар бир сабабнинг ўзига хос натижаси ёки оқибати мавжуд. Оқибат ёки натижа деб сабаблар таъсирининг самарасига айтамыз. Сабаб ва оқибат ўзаро узвий боғланган диалектик категориядир¹.

Агар мантиқ илмида фалсафий сабаб-оқибат категорияси яққалиқдан умумийликка қараб, умумийликдан яққалиқка сари боғланган ҳодисалар ўртасида ўрганилса, тил системасида:

1. Содда гап доирасида сабаб ҳоли ва кесим воситаси билан ифодаланади.

У ўзининг насибасига шерик топилиб қолгани учун баъзида ириллаб кўярди (F.F)

Юқорида итнинг ириллаганига ўз насибасига шерик топилиб қолгани сабаб бўляпти.

2. Кўшма гапнинг ҳамма турлари: а) боғланган кўшма гаплар; б) боғловчисиз кўшма гаплар; в) эргаш гаши кўшма гаплар сабаб-натижа муносабатини ифодлаш учун хизмат қилади:

а) Ғамхонада кашшоқлик кулди (сабаб) ва оила тугдай тўкилди (натижа).

б) Сув совуқ экан (сабаб), тишларим зиркираб кетди (натижа).

в) Унинг вужудини шундай хурсандчилик эгаллаб олган эдики (сабаб), у ҳатто азоб-уқубатларни ҳам ёдидан чиқарди (натижа). Холмурод анчагача онасини эслаб (сабаб), (натижада) юраги эзилиб кетди.

¹ М.Хайруллаев, М.Ҳақбердиев. Мантиқ. Тошкент, 1993, 234-бет.

Кўринадики, сабаб-натижа мазмуни органик боғлиқликда, уларни бир-биридан ажратиб сабаб эргаш гапли қўшма гап, натижа эргаш гапли қўшма гап тарзида ўрганиб бўлмайди.

Баъзан мулоқотда нутқий талабга кўра сабаб-оқибат ифодаловчи қисмлар ўрин алмашади, лекин бу уларни алоҳида синтактик бирликка ажратиш дегани эмас. Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, оқибат мазмуни фақат сабаб ҳоли ва кесим ёки сабаб эргаш гап ва бош гап ўртасидагина ифодаланмай, эргаш гапли қўшма гапларнинг бошқа турлари доирасида ҳам кузатилиши мумкин. Айниқса, бу ҳолат ҳол эргаш гапларда яққол кўринади. Мисоллар таҳлили кўрсатадики, ҳол эргаш гапларнинг бош гаплари ҳам соф натижа мазмунини билдириб, турли белги, ўрин ёки макон билан боғлиқ бўлган мураккаб муносабатларни ифодалашга хизмат қилади.

Турли ҳолат билан боғлиқ бўлган мазмунни ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар қисмлари орасидаги семантик муносабатларни қуйидаги тартибда ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1. Натижа ва сабаб муносабати:

Анвар охирги мисрани айтолмай тутуликди, чунки кофия топиш қийин эди (А.Қодирий).

2. Пайт ва натижа муносабатлари:

Тут фарқ пишганда, кўз тутдик (О.)

3. Шарт ва натижа муносабати:

Сен кулмасанг, кулмайди баҳор (К.)

4. Тарз ва натижа муносабати.

Ранги ўчиб, тиши оғриб, келади бўри (Криловдан.)

5. Ўрин ва натижа муносабати:

Катта кема қаёққа юрса, кичик кема ҳам шу ёққа юради (Мақол.)

6. Мақсад ва натижа муносабати:

Неварамни кўрай деб, бобоси келибди (С.Зуннуова).

7. Миқдор ва натижа муносабати:

Дарё қанча чуқур бўлса, у шунча секин оқади (Мақол.)

Юқоридаги ҳолатлар тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги билан изоҳланади. Киши тафаккури борлиқнинг воқеа-ҳодисалари сабаб-натижасини излашга мойил бўлгани учун тилда ҳам ўз аксини топи.

СИНТАКТИК СИНОНИМЛАР

Шукуров Р. (ФДУ)

Функционал яқин, лекин бир хил бўлмаган сўзлар ва синтактик бутунликлар умумхалқ тилининг даврлар давомида таркиб топган усуллари мажмуасини ташкил этиб, лексик-фразеологик ҳамда грамматик синонимия учун база яратади.

Мана шундай параллел шакллар ёки синонимия ҳодисаси мавжуд бўлган жойда сўзловчи ўз фикрини хоҳлаган усулда тўлароқ, аниқроқ етказа олиш имкониятига эга.

Синтактик синонимлар дейилганда биз тилдаги замонавий тараққиёт натижаси сифатида юзага келган, грамматик жиҳатдан бир хил функция бажарувчи, семантик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган синтактик бирликлар қаторини тушунамиз.

Тилда кўп маънолилиқ ва мажозий маъноларнинг ривожланиб бориши, яқинлиқ ва ўхшашлик синонимиянинг шаклланишига шарт-шароит яратади.

Синонимия бор жойда танлаш, саралаш имконияти бор. Синонимия бор жойда фикрни аниқ ифодалаш, образли, ранг-баранг ифодалаш мумкин¹. Демак, синонимия ҳодисаси бизни қайтариқлардан қутқазади. Фикрнинг мазмуни эмас, балки ана шу мазмунни ифода этувчи синтактик бутунликларнинг турли кўринишлари синтактик синонимия предмети ҳисобланади.

Синтактик синонимияни ўрганиш чет эл ва рус тилшунослигида бир мунча қилғароқ бошланган.

Ўзбек тилшунослигида синтактик синонимия юзасидан қилинган ишлар ниҳоятда кам. Ўзбек тилида синтактик синонимларни ўрганиш масаласини биринчилар қаторида С.Ақбаров ўртага ташлаган².

М.Асқарова ўзининг монографик ишида синтактик синонимияга алоҳида бўлим ажратиб, унда эргаш гаши кўшма гаплар синонимияси ҳақида тўхталиб ўтади³.

Ф.Убаева «Ҳол категорияси» номли монографик ишида синтактик синонимиянинг баъзи қирраларини гап бўлаклари синонимияси, гап синонимияси тушунчалари остида очибга ҳаракат қилади⁴.

Б.Тўйчибоев ҳам ўзининг синтактик синонимияга оид монографик ишида ўзбек тили синтактик синонимияси масалаларининг бир соҳаси - отли бирикмалар синонимияси ҳақида фикр юритган⁵.

Р.Сайфуллаевнинг дастлабки тадқиқотлари содда гаплар синонимиясини ўрганишга бағишланган⁶.

Кейинги вақтларга келиб синтактик синонимиянинг баъзи масалалари дарслик ва илмий грамматикаларда ҳам жой ола бошлашига қарамай, бу масала ҳали етарли даражада ойдинлашгани йўқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз синтактик синонимия ҳодисасини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

¹ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишининг синтактик усули. Тошкент, 1987, 69- бет.

² Ақбаров С. Ўзбек тилида синтактик синонимлар. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. Тошкент, 1961, 6- сон.

³ Асқарова М. Ўзбек тилида эргашин формалари ва эргаш гаплар. Тошкент, «Фан», 1963.

⁴ Убаева Ф. Ҳол категорияси, Тошкент, «Фан», 1979.

⁵ Тўйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика. Тошкент, 1988.

⁶ Сайфуллаева Р. Синонимия простых повествовательных предложений в современном узбекском языке.

Кўпгина олимлар таъкидлаганидек, синтактик синонимия кўп қирғали мураккаб ҳодисадир. Чунки синонимия ҳодисаси синтактик бирликларнинг ҳар бир тури доирасида ўз хусусиятига эга бўлади¹.

Синтактик синонимлар мазмунан бир-бирига яқин бўлса-да, бир-биридан фарқ қилади. Синтактик синонимларнинг бир-бирига мутлақо тенг келмаслигининг сабаби улар ёрдамида ифодаланувчи бир-бирига яқин ҳаракат-ҳолат, ҳодисаларнинг ўзига хос ифодаланувчи сифатларга эга бўлишидир.

Синтактик синонимия деганда бир тилнинг ривожланиши даврида тузилиши жиҳатдан фарқланувчи сўз бирикмалари, гаплар, уларнинг бўлаклари ва янада мураккаброқ синтактик қурилмалар орасидаги ўхшаш мазмуний муносабатлар ва уларнинг бирлиги тушунилади².

Синтактик синонимлар нафақат грамматик функцияси жиҳатдан бир-бирига яқин бўлиши, балки бир умумий мазмунни ифодалашни, бирининг ўрнига иккинчиси алмаша олиш имкониятига эга бўлиши зарур.

Синтактик синонимия бўйича ёзилган ишларнинг кўпчилигида уларнинг чегараси, мезонлари, юзага келиш йўллари-усуллари каби масалалар четда қолган. Бундан ташқари, синтактик синонимларни ажратиш асослари ва уларнинг таснифи, синтактик синонимлар ҳар бир қаторининг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар ҳам ана шундай муаммолар жумласига киради.

Биз синтактик синонимлар ҳар бир қаторининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ажратишнинг қуйидаги асосларини белгилаймиз:

1. Фақат бир гап бўлагининг грамматик шакли ўзгарса-ю, гапдаги функцияси ўзгармаса, гап бўлаги синонимияси ҳодисаси юзага чиқади: *дўстим учун олмоқ — дўстимга олмоқ.*

2. Сўз бирикмасида ҳоким ва тобе сўзнинг грамматик шакллари ўзгариши билан ҳоким ва тобе сўзларнинг функцияси ўзгариб, бу бирикмаларнинг маъноси бир-бирига яқин бўлса, сўз бирикмаси синонимияси дейилади: *талабаларнинг бири — талабалардан бири; ўқиганларнинг бири — ўқиганлардан бири.*

3. Гапнинг структураси ва ифода шакли ўзгариб, умумий мазмуни бир хил бўлса, гап синонимияси кузатилади: *Ҳар ким экканини ўрар* (Мақол). *Ким нима экса, (у) ўшани ўради.*

Синтактик синонимиянинг асосий мезонлари сифатида эса қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1. Лексик материалнинг ҳар икки конструкция учун умумий бўлиши.
2. Синтактик вазифаси жиҳатдан ўзаро яқинлашуви (тенглашуви).
3. Ифода воситаси билан фарқланиши.

¹ Палевская М.Ф. Синонимия в русском языке. М. Просвещение. 1964. с.98.

² Мамажонов А. Кўшма гаплар стилистикаси. Тошкент, «Фан», 1990, 64- бет.

4. Мазмуний жихатдан умумий бир мақсадни ифода этиши.

5. Услуга кўра фарқланиши.

Масалан: *Халқ буни тушуниши керак: биз энгамиз* (А.Мухтор).
— *Бизнинг энгишимизни халқ тушуниши керак.*

Юқорида берилган биринчи гап изохлаш муносабатидаги боғловчисиз қўшма гап бўлиб, иккита содда гапдан иборат: иккинчи содда гап биринчи содда гап таркибидаги «буни» олмошини изохлаб келади. Уни содда гапга алмаштирганимизда, биринчи гап структурасини сақлаб қолган ҳолда, иккинчи содда гапнинг эгаси аниқловчи вазифасида, кесими тўлдирувчи вазифасидаги «буни» олмоши ўрнига қўлланилади. Лекин содда гапда қўшма гапдаги мазмунга қўшимча тарзда ифодаланувчи оттенка, яъни таъкидлаш мавжуд эмас.

Синтактик синонимлар доираси жуда кенг бўлиб, уларнинг ҳар бир кўриниши алоҳида ўрганишни талаб этади.

Демак, синтактик синонимия бир хилдаги эмас, балки ҳар хил тузилиши, яъни яқин ва бىр тартибли муносабатларни аниқлаш ҳолда, сўзлар орасидаги грамматик алоқа воситалари ва кўрсаткичлари ёрдамида фарқланадиган ҳодисадир.

ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИНИНГ АДРЕСАТ ВАЛЕНТЛИГИ

Шарипова Ў. (ТДПУ)

Юмуш феълларида ифодаланган иш-ҳаракат валентлиги актанга йўналган бўлади, яъни адресат ҳаракатни қабул қилувчи¹ ҳисобланади. Адресат ифодаловчилари асосан шахс билдирувчи сўзлар ҳисобланади. Агар шахс ифодаловчи сўз бўлмаса, у кўчма маънода шахс ўрнида қўлланган сўз бўлади². Йўналиш маъноси жўналиш келишигида ифодалангани, шунинг учун аксарият адресат ифодаловчилари жўналиш келишигида бўлади³.

Адресат валентлиги ифодаловчиларининг маъно тузилиши шундай бир ўзига хоски, бу валентликка ўз-ўзидан эга бўлган, адресат валентлиги зарурий валентликка айланган юмуш феъллари мавжуд, шу билан бирга адресат зарурий бўлмаган, у маълум шартга кўра талаб қилинган, яъни адресат валентлиги факультатив валентлик ҳисобланган феъллар мавжуд.

Юмуш феълларининг кўпчилигида адресат бор ва у фаол иштирок этган. Адресат ифодаловчилари турли сўз туркумига оид бўлиши

¹ Р.Расулов. «Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность». Изд. «Фан», Ташкент, 1991, 120. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. М., 1974, с.12.

² Кучкартаев И. «Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке». Изд., «Ўқитувчи», Ташкент, 1977, с. 91.

³ Кучкартаев И. Ўша асар, ўша саҳифа: Расулов Р. Ўша асар. 121- 6.

мумкин. Қандай сўз туркумида бўлмасин, улар, бир нечта, истисно мисолларни ҳисобга олмаганда, шахс маъносини англатади.

Ҳолат феълларида ҳам адресат ва адресат валентлигига эга феълнинг агенси (адресант) шахс ифодалайди, яъни агенси шахсни билдирувчи ҳолат феълларгина адресат валентлигига эга бўлади¹.

Адресат валентлиги от сўз туркуми орқали ифодаланиши мумкин. Бунда у ҳар хил маънони билдириб келади:

1. Шахс билдирувчи турдош отлар. Масалан: Чунки хонга зулм пичоғини қайраб бериш шу мансабда узоқ яшамоқнинг асосий шартидир (А.Қодирий). Бу гапда **қайрамоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **хон** сўзидир.

2. Қариндош-уруғ номлари. Масалан: Гўшти онангга тўғраб бер (А.Қодирий). Бу гапда **тўғрамоқ** юмуш феълнинг адресат ифодаловчиси **она** сўзидир.

3. Атоқли отлар. Масалан: Мана шу ерга Анвар ақангга уй солиб берамиз (А.Қодирий). Бу гапда **солмоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **Анвар ака** сўзидир.

Адресат ифодаловчилари яна кишилиқ олмошлари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: Яхшибой аканинг ўзи сизга чўлдан юз гектар ҳайдаб берарди (Ў.Умарбеков). Бу гапда **ҳайдамоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **сиз** олмошидир.

Адресат ифодаловчилари отлашган сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Масалан: Калтак ўқталганга тўқмоқ кўгар (Мақол). Бу гапда **кўгармоқ** юмуш феълнинг адресат ифодаловчиси **ўқталган** сифатдоши бўлиб, у отлашган сўзидир.

Баъзи гапларда адресат ифодаловчилари инсон мучасини билдирувчи сўз бўлади, яъни улар бутуннинг қисмини ифодалайди. Бунда ҳам иш-ҳаракат шахсга қаратилади, фақат умуман шахсга эмас, унинг бирон-бир тана аъзосига йўналтирилган бўлади. Масалан: Графиндаги сувдан боланинг юзига сепди (М.Ҳазраткулов). Бу гапда **сепмоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **юз** сўзи бўлиб, аслида боланинг юзи шаклида шахсни билдиради.

Бир нечта мисолимизда адресат шахс ифодаламайди, лекин маъносидан шахсга ишора сезилиб туради. Масалан: Меҳмонхона торлик қилганидан мактаб учун махсус бино ёпди (А.Қодирий). Бу гапда **ёпмоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **мактаб** сўзидир. Лекин бино мактаб талабалари учун қурилгани яққол англашилиб туради. Ёки яна бир мисол: Чўл баҳор келинчаги оёғи остига чечаклар билан безанган яшил поёндозини ёйиб ташлади (М.Осим). Бу гапда агенс ҳам, адресат ҳам аллегорик образлардир. Яъни автор уларни жонлантириб, шахс сифатида беради. Ушбу гапда **ёймоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **баҳор келинчаги оёғи** сўз бирикмасидир.

¹ Қаранг: Расулов Р. Ўша асар, ўша саҳифа.

Баъзан адресат ифодаловчиси жамоа, тапшилотни билдирувчи институт, маҳалла каби сўзлар бўлиши мумкин. Ушбу жамоа ёки тапшилот инсонлардан иборат. Демак, адресат ифодаловчи шахсни билдиради, деган шартимиз яна сақланиб қолади.

Юмуш феълларининг адресат ифодаловчиси, аввал айтилганидек, жўналиш келишигида бўлади. Шу билан бирга улар **қараб, учун, атаб, қарши** кўмакчилари билан ҳам келади. Бунда адресат маъноси кўмакчилар маъноси билан боғлиқ бўлади. Бир-биридан кўмакчи билдирган маънога кўра фарқланади. Шулардан **учун, атаб** кўмакчилари атаганлик маъносида қўлланар экан, адресат ҳам шундай маъно ифодалаганини кўрамаз. Масалан: Улар учун шундай катта молхона курган эдики... (Латифалар). Онам менга атаб атайлаб кулча ясаган (Ў.Ҳошимов). Бу гапларда **курмоқ, ясамоқ** юмуш феълларининг адресат ифодаловчилари **улар, мен** сўзларидир. Иш-ҳаракат ўтувчи объект ана шу адресат ифодаловчиларига аталганлиги англашилади.

Қарши кўмакчиси қарама-қаршилиқ маъносида қўлланади. Шунинг учун бу кўмакчи билан келган адресат ифодаловчисиди ҳам шу маънони кўрамаз. Масалан:ул нобакор Нух бинни Мансурга қарши исён байроғини кўтариб, Мовароуннаҳр тинчини бузмоқда (М.Осим). Бу гапда **кўтармоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **Нух бинни Мансур** бўлиб, иш-ҳаракат ана шу адресат ифодаловчисига қарама-қарши йўналганлиги билдирилади.

Кейинги мисолда ҳам шунга ўхшаш ҳолни кўрамаз. Бу гапда **қараб** кўмакчиси қўлланган. Лекин **қараб** кўмакчиси билан келганда **қарши** кўмакчиси билан келганидаги кескинлик сезилмайди. Масалан:ойим қўлидаги таёқни менга қараб отди (Х.Тўхтабоев). Бу мисолда **отмоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси томон йўналганлиги билдирилади. Демак, ҳар хил кўмакчилар билан ифодаланганида адресат ва юмуш феъли орасидаги муносабатда нозик фарқланиш мавжуд бўлади.

Гапда адресат ифодаловчилари доим воситали тўлдирувчи вази-фасида келади. Юқоридаги мисоллар фикримизни тасдиқлайди.

Юмуш феълларининг адресат валентлигига эга бўлиш имкониятини кўриб чиққанимизда, қуйидаги ҳолнинг гувоҳи бўлдик. **Сузмोक, солмоқ, ясамоқ** каби юмуш феълларининг адресат ифодаловчиларига шу иш-ҳаракат ёки объект аталган бўлади ва бағишланади. Масалан: Чунки мулла Фазлиддин чорбоғда Бобур учун кўшк курган... (П.Қодиров). Бу гапда **курмоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси (Бобур) **учун** кўмакчиси билан берилган.

Юмуш феълларидан англашилган иш-ҳаракатнинг ўзида адресат зарурияти бор феъллар сезилиб туради. Масалан: **овқат сузмोक**; овқат, албатта, кимгадир сузилади. Адресат валентлиги ушбу феълларда худди ўтимли феълларнинг объекти каби талаб қилиниб туради. Масалан: **Сотмоқ** феъли. Гидам сотсанг, кўшинингга сот! (Мақол). **Сотмоқ** феълида айнан шундай ҳолатни кўрамаз. Соттиш жараёнининг ўзи адресат-

сиз содир бўлмайди. Мана шунақа адресат валентлиги зарурий бўлган феъллар бор ва аксинча, уларга зарурат бўлмаган феъллар бор. Адресат валентлиги зарурий бўлмаган феълларнинг баъзиларига **бермоқ** кўмакчи феълни қўшсак, адресат зарурияти пайдо бўлади. Бу ҳолда адресат ифодаловчисига зарурат **бермоқ** кўмакчи феъли билан биргаликда англашилган маънода мавжуд бўлади. Чунки ушбу кўмакчи феълнинг маъно тузилишида адресат валентлигини талаб қилувчи узв бор, яъни **бермоқ** феъли маъносида аталиш бор. У юмуш феълига қўшилганлиги туфайли таркибли феъл маъносида адресат валентлиги бор бўлади. Ҳақиқатан, бундай гапларни кузатганимизда, адресат валентлиги мавжуд эканлигини кўрамиз, аммо **гилам сотмоқ** сўз бирикмасидаги адресат ифодаловчиси билан **ерни чошиб бермоқ** сўз бирикмасидаги адресат ифодаловчиси орасида фарқ бор, албатта. Масалан: **бермоқ** кўмакчи феълни **сотмоқ** феълига қўшсак, **гилам сотиб бермоқ** тарзида бўлади. Унинг адресатини қўйиб кўрайлик: Кўшнимга гилам сотиб бердим. Энди иш-ҳаракат ўтувчи объект кўшним эмас, кўшнимнинг гилами менинг ёрдамимда сотилди, деган маъно англашилади.

Ерни чошиб бермоқ сўз бирикмасида эса объект эмас, иш-ҳаракат адресатга бағишланган. Ана шу хусусиятга кўра юмуш феълларини икки гуруҳга ажратамиз:

1. Адресат ифодаловчиси юмуш феълнинг ўз мазмунидан яққол талаб қилинган феъллар.

2. Адресат ифодаловчиси «юмуш феъли + **бермоқ** кўмакчи феъли» таркибли феъли мазмунидан талаб қилинган феъллар.

Биринчи гуруҳга қуйидаги феълларни киритамиз: тикмоқ, узатмоқ, супурмоқ, сотмоқ, узмоқ, сузмоқ, қуймоқ, ёймоқ, солмоқ, туқмоқ, ёзмоқ, қурмоқ, ясамоқ, очмоқ, тайёрламоқ.

Иккинчи гуруҳга қуйидаги феълларни киритамиз: сопмоқ, тап-ламоқ, беламоқ, кўймоқ, ювмоқ, термоқ, экмоқ, судрамоқ, тутмоқ, кулфламоқ, мойламоқ, бузмоқ, қизимоқ, тозаламоқ, ортмоқ, қайрамоқ, ўймоқ, тузатмоқ, суғурмоқ, ҳайдамоқ, торгмоқ, кўтармоқ.

ХУЛОСА

1. Адресат валентлиги юмуш феълларининг факультатив валентлигидир.
2. Юмуш феъллари ўз маъносига кўра адресат талаб этувчи ва **бермоқ** кўмакчи феъли билан таркибли феъл ҳолида адресат талаб қилувчи феълларга бўлинади.
3. Улар гапда жўналиш келишиги ва **учун, атаб, қараб, қарши** кўмакчилари ёрдамида феъл билан бирикади.
4. Гапда асосан воситали тўлдирувчи вазифасида келади.
5. Юмуш феълларининг адресат актанги асосан шахс билдирувчи от, олмош ва отланган сўзлар билан ифодаланади.

КЎЧИРМА ГАПЛИ ҚУРИЛМА ЭВОЛЮЦИЯСИ
(синтактик содаланиш)

Омонтурдиев Ж. (Термиз ДУ)

Кўчирма гапли қурилма (КГК) эволюциясини тадқиқ қилишда **демоқ** феъли таянч сўзидир. У муаллиф гапи(МГ)нинг тузилишида асос (кесим) бўлиш билан бирга, кўчирма гап(КГ)нинг мавжудлигини ҳам тақозо қилади (мантқан, КГсиз МГ, МГсиз КГ бўлмайди). Демак, кўчирма ва муаллиф гапининг тадрижи бир-бири билан узвийдир.

КГКнинг шаклланиши ёки тадриж жараёни қуйидагича босқичланади:

1. Бу босқич КГКнинг бошланғич шакли бўлиб, МГнинг кесими — **демоқ** феълининг шахсли формаси билан ифодаланганда шаклланади: **Ваташимиз сарҳадлари дахлсиздир**, — **деди посбон** (Бу ҳақда етарли ёзилган).

2. Бу босқич «**демоқ**»нинг шахссиз шакл(**деб**)га ўтиши (деформацияланиши) билан боғлиқ юз беради: **деб** МГнинг кесими бўлмаслиги сабабли ўзидан кейин шахсли феъл талаб қилади (**деб айтди**, **деб гапирди** каби). Анъанавий грамматикада кесим сифатида эътироф этилган бу шакл эътирозли ҳамдир. Масалан, **Филология факультетига хужжатларимни топширдим**, — **деб ҳикоя қилади шоир** (Ў.Ҳошимов) гапидаги эга ва кесим мослигида нуқсон бор (**деб** ҳикоя қилади шоир). Аксинча, аниқ мослик «**деб**» сиз намоён бўлади (ҳикоя қилади шоир). Дарҳақиқат, бунда «**деб**»нинг семантик-синтактик позицияси мустақкам эмас: у кўчирма гапга силжишга мойил — унга томон тортилиш бор. Бироқ бундай ўтиш жараёнидан қатъий назар, бунда **деб** кўчирма гап таркибига қарашли эмас. КГ «**деб**»сиз ҳам грамматик-семантик тугалликка эга (филология факультетига хужжатларимни топширдим, — ...). Қолаверса, бу ўринда «**деб**» муаллиф сўзи, — унинг ўзаги **-(де)**да лексик маъно — айтмоқ тушунчаси ҳали мавжуд: **уканга бир нарса де (дегин)**. Бироқ у шахссиз шаклда қўлланилганлигидан ўзидан кейин шахсли феъл талаб қиладики, бу МГ нинг тадрижига — янги шаклланган ҳосила кесимлар билан бойишига сабаб бўлади. Янги шаклланган кесимлар «**деб**»нинг модификатори бўлиш билан бирга, КГнинг семантикасига ишора (сигнификаторлик) ҳам қилади. Масалан, кўпинча **деб айтди**, **деб гапирди**, **деб хабар қилди** каби кесимлар орқали КГ - дарак; **деб сўради**, **деб савол берди**, **деб мурожаат қилди** кесимлари орқали КГ - буйруқ; **деб оҳ торгди**, **деб ҳаяжонланди**, **деб қайғурди** кесимлари орқали КГ - эмоционал гап эканлиги англашилиб туради.

3. МГнинг кесими(**деб айтди**, **деб гапирди** каби)нинг шахсли феъл қисми вазифасида маълум сабабларга кўра **айтиб бўлади**, **айтиб бўлмайди**, **аталади**, **айтилади**, **атайдилар**, **помланади**, **номлайдилар** каби муайян нутқий вазият билан боғлиқ мавҳумлашган — аниқ шахс

кўрсатмайдиган феъллар қўлланилади. Бу КГҚнинг трансформацияланишига сабаб бўлади. Бунда кесими мавҳумлашиб, конкрет шахс кўрсата олмаганлигидан МГ қисқаради — «гапликдан чиқади». Кесими КГнинг кесими билан синтезлашиб, унинг ёрдамчи қисми (модификатори) сифатида КГнинг эгасига тобеланади — кўчирма гаши қўшма гап содда гапга айланади (синтактик соддаланиш). **Деб** энди янги (3-босқич) шаклланган таркибли бўлак(собик кўчирма ва собик муаллиф гапларининг кесимлари)ни бириктирувчи восита (боғлама) вазифасини бажаради. **Бадий адабиётни чинакам мўъжиза деб атайдилар** (С.Аҳмад), **Энди қор ёймайди деб айтиб бўладими?** (Ойбек). **А.Қаҳҳор пьесаларидан бирининг номи «Тобутдан товуш» деб аталади** (С.Аҳмад).

4. Кесими дейилади, дейишади, дейдилар, дейман, деймиз каби умумшахс англатувчи феъллар билан ифодаланган МГ ҳам қисқаради. Бунда ҳам ўз мустақиллигини йўқотган МГнинг кесими КГнинг кесими билан синтезлашиб, ёрдамчи қисм (модификатор) сифатида КГнинг эгасига тобеланади: кўчирма гаши қўшма гап содда гапга айланади (синтактик соддаланиш): **Қиз бола отага меҳрибон бўлади дейишади** («Гулистон»). **Янгамнинг овқатини мазали қилган акамнинг масаллиғи дейдилар. Табиат қизларни латиф, заиф қилиб яратган дейишади** (Ў.Ҳошимов). **Мен мактабларда бола дидини ва савиясини янада юксалтирадиган дарслар ўтилса дейман** («Саодат»). **Яйлов бағридаги қишлоқлар ҳам обод бўлсин дейман** («Саодат»). **Ўша аёл шу дейман ўзимга-ўзим** («Саодат»). **Ҳаёт китобини янглиш ўқиймизда, кейин у бизни алдади деймиз** (Тагор). **Мақсад, истак ифодалайдиган Моманг қиз бўламан дейди; Акам мен бораман дейди** типидagi гаплар ҳам КГҚнинг эволюцияси натижасида шаклланган содда гаплар сифатида баҳоланиши керак.

Юқоридаги кўчирма ва муаллиф гапларидан силжиб синтезланган, бир бутун кесим вазифасида қўлланган таркиблар (трансформалар) ўргасида пауза йўқолганлиги сабабли тиниш белгиси қўйилиши ўринсиздир.

5. КГҚ нутқий вазият, синтактик қуршов талаби билан гап бўлақларига ҳам айланади. Бунда **демок**:

1) Сифатдош шаклида (деган) келиб, эгалик билан турланиб, КГдан силжиган қисм билан бирикади ва бир бутун ҳолда эга вазифасида қўлланади: **Қишлоққа кетамиз дегани шаҳарда қолишни хошлаганлигидан далолат беради** (П.Қодиров). **А дегани — аллома** (П.Мўмин).

2) Сифатдош (деган) шакли КГ билан бириқиб, аниқловчи вазифасида қўлланилади: **Меҳр — кўзда деган гап бор** («Саодат»). **Боя Саидага от уринтириб қўйибди-ку, деган мўйсафид қишлоққа бир омонат бериб юбормоқчи эди** (А.К.). **Ҳаракат — умрга баракат деган халқ иборасида талай маъно бор** (О.). **Олтин қон топилибди, деган**

гап тарқалди (Ас.М.). Бу синтактик қурилмалар логик жиҳатдан икита (КГ-МГ), грамматик жиҳатдан битта гапдан иборат (синтактик соддаланиш); **Мехр-кўзда; от уринтириб қўйибди-ку; ҳаракат — умрга баракат; олтин кони топилибди** кўшилмалари юқоридаги мисолларда гап талабига жавоб бера олмайди. Сабаб: а) **деган** сўздан олдин гапга хос тўхтама йўқ, унда тиниш белгисининг ўрни ҳам йўқ; б) **деган** сўзи ўздан олдинги — кўчирма гапдан силжиган қисмлар таркибига ўтиб кетганлигидан улар бутун ҳолда ўз аниқланиши(масалан эга)га унинг аниқловчиси сифатида тобеланган.

3) **Демок** феъли **деб(дея)** шаклида келиб, КГдан силжиган қисмга тобеланиб, уни ҳолланишга боғлайди ва бутунлигича ҳол вазифасида қўлланади: **Гўдакнинг тили она деб чиқади** («Гунча»). **Она дея келди бир садо** («Кўшиқ»). **Ёримни кўрсам деб келдим** («Кўшиқ»).

4) **Демок** феъли **деб, дейиш** шаклларида келиб, КГдан силжиган қисм билан бирикиб, бутунлигича тўлдирувчи вазифасида қўлланади ва тўлдирилишга тобеланади: **Энди камчиликни айтган одам балого қоламан деб ўйлаб ўтирмайди** («Саодат»). **Ассалому алайкум дейишни унутиб қўйибсан, ўғлим** («Саодат»).

5) **Демок** феълининг **деб, деган** шакллари КГ кесимидан кейин келиб, уни МГнинг кесими билан бириктиришда, уларнинг бора-бора нутқда бир бутун ҳолда кесим вазифасида келишида, демак, кўшма гапнинг соддаланишида хизмат қилганлиги кузатилади: **Ушбу суҳбатдан ҳамма мамнун бўлади деб ўйлайман; ... деб умид қиламан, ... деган умиддаман, ... деган ниятдаман** каби.

Хуллас, КГК эволюциясини ўрганиш гап қурилишини, кўшма гап, эргаш гапли кўшма гап, содда гап, гап бўлаги, сўз бирикмаси каби синтактик бирликларни тўғри тишлаштириш, моделлаштиришдагина эмас, унинг семантик тизимини (мазмуний планда) таҳлил қилишда ҳам назарий ва амалий аҳамият касб этади.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АЙРИМ АҚРАБОЛИК ОТЛАРИ ҲАҚИДА

Қ.Содиқов (Шарқшунослик институти)

Ўзбек тилида (унинг бор шеваларини қўшиб олганда) ақраболик лексикаси ниҳоятда ривожланган¹. Мазкур сўзларни ўз ўрнида, маъносини тушуниб қўлаганимиз билан айримларининг этимологиясини аниқлашда фикримиз ожизлик қилади. Чунки оила, қариндош-уруғчиликка оид лексик қатламнинг шаклланиш тарихи жуда узок. Асрлар давомида жамият ва оила муносабатларининг такомиллашуви, туркий тилларнинг тарихий тараққиёти натижасида мазкур қатлам бойиб, ўзгариб келган. Айримлари фонетик жиҳатдан ўзгаришга юз туган бўлса, айримларининг луғавий маъноси унутилган. Шу боис ҳам мазкур қатламни ташкил этувчи сўзларни тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқишини аниқлаш анча мураккабдир. Қуйида ушбу ғуруҳга кирувчи айрим сўзлар хусусида фикр юритамиз.

1. Қадимги туркий тилида *ana* сўзининг «она; опа, эгачи» маънолари билан бир қаторда «катта, улуғ» маъноси ҳам бор. Масалан. Кўк турк битигларида *ana тарқан* атамаси учрайди. Бу сўз таркибидаги *тарқан-тархан* унвондир. Махмуд Қошғарийнинг ёзишича, *тархан* — бек. Исломиятдан олдин қўлланилган исм (арғуча) (МК.І, 409). *Ана тарқан* атамаси таркибидаги *ana* — «катта, улуғ, бош» маъносида; *ана тарқан* — «катта, бош тархон, бош кўмондон» дегани.

Ана-аба «катта, улуғ» маъносида ақраболик отлари таркибида ҳам келади. Масалан, эски ўзбек тилида («чиғатоӣ туркчасида») *абага* сўзи қўлланган. Навоийнинг таъбири билан айтганда «атанинг аға (ва) инисин *абага* дерлар»². Мазкур сўз *ана-аба+ага* — «каттаоға» деган маънони англатади.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳам *ана* сўзи нинг «катта, улуғ» маъноси қолдиқ шаклида айрим сўзлар таркибида сақланган: *опогойи* (<*ана + айи*) — сўзма-сўз «улуғ она, катта она» дегани, амакининг хотини; *опо(ғ)дада* ёки *опогада* — биринчиси *ана+дада*(«катта дада»)дан, кейингиси *ана+ада*(«катта ота»)дан. *Опогадада* — аслида даданинг ёки онанинг буваси. *Опогада* эса отанинг ёки онанинг отаси; *опогбуви* (<*ана+қи*): *-қи* — сўз ясовчи кўшимча. *Опоқи* — асл маъноси «апа, яъни катта туғишган(амаки ёки тоға)га тегишли» дегани, амакининг ёки тоғанинг хотини.

¹ Қаранг: Исмоилов И. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари (ўзбек, уйғур, қозок, қирғиз, қорақалпоқ, туркман тиллари материаллари асосида). Тошкент, 1966.

² Alisir Nevayî. Muhakemetü'l-lugateyn. Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder. Ankara, 1996. S.176.

Баъзи акрабалик отларидаги *да-* узвида ҳам «катта, улуғ» маъноси мужассам. Масалан *дада* (Тошкент шеvasида дода), келиб чиқши *да+ада* дан, маъноси «катта ада», яъни бува. Ушбу сўзда *да-* узви бўлмаса, унда «катта, улуғ» маъноси ҳам ифодаланмайди. Демак, «катталик» маъноси айни узв орқали англашилаётгани табиий. Тошкентда «ота»ни *дада-дода* дегувчилар бор.

Яна бир мисол: *тога* (<*та+ага*) «катта оға» дегани, онанинг акаси ёки укаси. «Чигагой туркчаси»да бу сўз *тагай-тагайи* шаклида қўлланган. Навоий сўзи билан айтганда «ананинг аға (ва) инисин *тагайи* дерлар»¹. Махмуд Кошғарий девонида бу сўз *тагай* шаклида берилган. Лекин унинг маъносини муаллиф «амаки» деб изоҳлаган (МК. III, 256). Қадимги туркий тил морфем тузилишига кўра *тагай-тагайи* сўзи таркибидаги *та* узвида «катта, улуғ» маъноси мужассамлашганлигини кузатиш мумкин: *тагай* (<*та+агай*).

Шунинг каби, *доя* сўзида «катта ая» маъноси бор.

Ҳарқалай, *дада, тога*. *Доя* сўзлари таркибидаги *т(a) ~д(a)* узвида «катта, улуғ» маъноси мужассамлашгани ҳақиқатга яқин. Мазкур *та-да* узвини айрим олимлар хитойчадаги «катта, улуғ, бош, йирик» маъносини берувчи *да* сўзига боғлайдилар. Бирок, айрим асл туркий сўзлар таркибида унинг мавжудлиги бу қарашни инкор этади (масалан, *таг* сўзида). Шунга биноан, уни бошқа тиллар таъсирида туркийга ўзлашган деб қарамаслик керак. У бериси билан хун даври, эҳтимол, олтой давридан келаётган қолдиқ бўлса ажаб эмас.

2. Туркий тилларда *қайин* сўзи эр учун хотиннинг, хотин учун эса эрнинг яқинларига нисбатан қўлланилади.

«Кутадғу билиг» асарида бу сўз *қадин-қазин* шаклида келиб, «қайната» маъносида келган. Махмуд Кошғарий бу сўзнинг *қадин-қайин-қазин* шакллари келтириб, «қайин она, қайин ота, қайин» маъноларида қўлланилишини таъкидлайди (МК. I, 68, 383).

Тилимизда *қайин* сўзига уруғ отлари қўшиб айтилади: *қайнона-қайнана* (<*қайин+она*); *қайнота-қайната* (<*қайин+ота*); *қайини* (<*қайин+ини*); *қайнага* (<*қайин+ога*); *қайнагачи* (<*қайин+эгачи*); *қайин сингил*. Ёки *қайинбўй* (тилимизда у *қайинбўйин* шаклида қўлланади) ҳам шундан ясалган қўшма сўздир. Мазкур сўздаги *бўй* қадимги туркий *бод-боз-бой* дан. Қадимги туркий тилда *бод-боз-бой* — «уруғ, авлод» дегани. Шундан, *қайинбўй* - эр учун хотиннинг, хотин учун эса эрнинг уруғларини билдиради.

Қайин сўзининг ўзагини, ҳарқалай, қадимги туркий «қат, қават, қатлам, тах» маъносидаги *қат* га боғлаган маъкул: *қат+ин>қадин>қазин>қайин*. *Қат* сўзи айни маъносида ҳозирги туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилида ҳам мавжуд. Шунингдек, *қатлам, қатлама, қатқорин,*

¹ Alisir Nevayi. Muhakemetu'l-luğateyn. Ўша жойда. S.176. Ўша жойда.

иккиқат, қаро ер қати каби сўз ва бирикмаларда қадимги қат сақланган.

Туркшуносликда қадимги туркий тилда «малика, бекач» маъносида қўлланган қатун сўзи ҳам «қат, қават; қатлам» маъносидаги қат сўздан ясалган (қат-ун) деган кўзқараш бор¹. Декин «қайин» маъносида қўлланадиган қатин билан «бекач» маъносида қўлланадиган қатун даги қат узварини бир-бири билан қоринтирмаслик керак. Қатун сўзини «қат, қават, қатлам» маъносидаги қат ўзгидан ясалган деб бўлмайди. Мабодо шундай фараз қилингудек бўлса, унга қўшилаётган кўшимча сингармонизм қонунига мувофиқ -ун эмас, -ин шаклида қўшилмоғи лозим эди. Шуни назарда тутганда, қатун бир морфемадир. Уни қат-ун шаклида маъноли қисмларга ажратув мақсадга мувофиқ эмас. Қадимги қатун сўзи кейинчалик хатун, ҳозирги ўзбек тилида эса маъно ва фонетик жиҳатдан ўзгариб хотин га айланган.

3. Қадимги туркий тилда уя (уйа) сўзи «яшаш жойи, ин, уя», шунингдек, «авлод, туғишган» маъноларида қўлланган.

Унинг «биродар, туғишган, авлод» маъносини ёдгорликларда кўп учратамиз. Масалан. Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Хибату-л-хақойик» асариди: *Ата бир, ана бир, уялар бу халқ* — Ота бир, она бир, халқнинг бари қардош-биродардир. Асар кўчирилган давр тилида уя сўзининг «биродар» маъноси унутилган чиқар. Шунинг учун бўлса керак, асарнинг С нусхасини кўчираётган котиб уялар сўзининг остига биродарон деб ёзиб қўйган.

Уя сўзининг «яшаш жойи, уя» маъноси ҳозирги ўзбек тилида ҳам бор: *Қуш уясида кўрганини қилади*. Турк тилида бу сўз юва шаклида қўлланмоқда: *Ювайи япан диши қуштур* (Уяни қурган мода қушдир). Ёки яна қиёсланг, ҳозирги ўзбекчада: *ували-жували*. Бу сўз тузилишига кўра жуфт сўздир: *ува~юва~жува* - бир сўзнинг турли фонетик вариантлари бўлиб, у «авлод, туғишганлар» маъносини беради. *Ували-жували* сўзи таркибидаги биринчи -ли қадимги туркий тилда амал қилган тенг боғловчининг қолдиқ шаклидир. Кейингиси эса ҳозир сифат ясовчи сифатида тушунилади. Ушбу сўз айни шаклда «серфарзанд, авлодли» маъносида.

5. Ҳозирги эгачи сўзи тарихан, эга сўзига боғланса эҳтимол. Махмуд Кошғарий девониди: *эга - эгачи, она*. Муаллифнинг таъкидлашича, ўғузлар бу сўздаги [г] ни [з] га ўзгартириб эга деганлар (МК. I, 116). Бошқа бир ўринда бу сўзнинг *ача~эча* вариантини ҳам келтиради. Унинг қайд этишича, бу сўзнинг эга шакли ҳам бор. Бу сўздаги [г] товуши [ч] дан ўзгарган (МК. I, 114).

Ёдгорликларда мазкур сўзнинг [к] ли шакли ҳам учрайди. Жумладан, Кул тигин битигида мазкур сўз *эка~ака* шаклида қўлланган: *ўғум қатун, улайу ўғларим, экаларим* - «Онам хотун, кейинги онала-

¹ Исмоилов И. Кўрсатишган асар, 107-, 108- б.

рим, опаларим» (КТу.49). Бу сўзнинг *ача* шакли ҳозирги айрим ўзбек шеваларида (масалан, Наманганда «она» маъносида) ҳам қўлланмоқда.

Эгачи «чиғатой туркчаси» давридан кенг қўлланила бошлади. Навоийнинг қайд этишича, *эгачи* — «улуғ киз қардаш».

6. Энди ҳозирги *ога* ҳамда *ака* сўзлари хусусида. Таъкидлаш жоизки, бу отлар тарихан бир ўзакдан урчиганлиги даргумон. Улар ўзаро синоним сўзлардир.

Ҳозирги *ака* сўзини битиглардаги *ака-эга* сўзига боғлаган маъқул. *Ога* сўзи ёдгорликларда *ага-ака* шаклларида учрайди. Айрим ўзбек шевалари, хусусан, шарқий Хўжанддаги қипчоқ гуруҳига кирувчи шеваларда ёки Андижон вилояти Пахтабод туманининг Маданият қишлоғида адабий тилдаги *ога* сўзи *ава* шаклида қўлланилади ва уларда бу сўз «амаки» деган маънони билдиради. Қирғизлар ҳам «амаки»ни *ава* дейди.

Афғондан, *ага* сўзи бошлаб катта ёшдаги туғишганлар (хусусан, «ака, амаки»)ни билдирган. Кейинчалик, ёзма, адабий тилда асосан «ака» маъносини ифодалай бошлаган. Айрим ўзбек шеваларида ёки баъзи туркий тилларда унинг «амаки» маъносида қўлланаётгани табиий ҳол. Буни, ўз навбатида, қадимги туркий тилдан келаётган қолдиқ деб қарамоқ жоиз.

Умуман, ақраблик отлари тилимизнинг узок ва мураккаб тарихий тараққиётини ўзида акс эттирган. Бу гуруҳга кирувчи сўзларни тадқиқ этганда тил тарихи, қардош туркий тиллар ва шева материалларини ўзаро қиёслаб ўрганмоқ мақсадга мувофиқдир.

ЭВФЕМИК ОМОНИМИЯГА ДОИР

Омонтурдиев А. (Термиз ДУ)

Маълумки, ўзбек тилшунослигида омонимлар етарли ишланган. Бироқ унинг бошқа ҳодисалар, жумладан, эвфемия билан алоқаси, муносабати кабилар ҳали тадқиқотталабдир. Шу сабаб эвфемик воситаларнинг омоним ҳосил қилишдаги аҳамияти хусусида фикр юритмоқчимиз.

Фактик материалларни таҳлил қилиш жараёнида эвфемик омонимларнинг 1) **сўз**; 2) **сўз бирикмаси**; 3) **гап** шаклидаги турлари ажратилди. Таҳлилга олинган мисолларнинг ўз ва ўзга (эвфемик) маънолари «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» («ЎТИЛ»)да мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳам кўрсатилди.

1. **Сўз билан ифодаланган эвфемик омонимлар.** Бунда одатдагидек, айнан бир хил шаклга эга, бир лексемадан иборат бўлган сўзларнинг бошқа-бошқа маънолар англатиши назарда тутилади.

Мисоллар: **Айрилмоқ 1** («ЎТИЛ», 1- т., 34- б.). **айрилмоқ 2** — эр ёки хотиндан ажрашмоқ («ЎТИЛ»да йўқ): Ахири чора тополмагач

айрилдилар («Саодат», 1998, № 5, 21- б.); **айрилмок 3** — ўлмок («ЎТИЛ»да йўқ): Ота. Исроилдан айрилиб қолдик (С.Аҳм., «Қиссалар», 104- б.); **айрилмок 4** — ишдан ҳайдалмок («ЎТИЛ»да йўқ): Тамом ... ҳаммасидан айридим (С.Аҳм., «Жимжитлик», 218- б.).

Олмок 1 («ЎТИЛ»да 16 маъноси бор, 1- т., 533- — 534- б.); **олмок 2** - хотин олмок, уйланмок («ЎТИЛ», ўша бет): Ёш қизни олганинг бир сари, энди ўқишдан кўйиб курортга олиб кетаётганинг нимаси? (А.Қ., 4- т., 183- б.); **олмок 3** — емок («ЎТИЛ», ўша бет): ... ҳеч кимга қарамаг. Балиқни олинг! (А.Қ., 2-т., 65-б.); **олмок 4** — қамалмок («ЎТИЛ»да йўқ): Ҳа, ўша Шоназар ака беш йил олибди (Н.Амин., «Елвизак», 153- б.); **олмок 5** — пора олмок («ЎТИЛ»да йўқ): Начора, эшон бериб ўрганмаган, олиб ўрганган (Ч., «Кеча ва кундуз», 267- б.); **олмок 6** — арок ичмок («ЎТИЛ»да йўқ): Шу қадахни иккимизнинг бахтимиз учун оламиз (Н.Амин., «Қитиғи ўлмаган қиз», 47-б.); **олмок 7** — ўғри ўғирламок («ЎТИЛ»да йўқ): Соқий: Ҳеч ким чикмасин, олтин қадах йўқолди, мен ҳаммани тинтиб кўраман, — дебди. — Кўй, — дебди унга Нўшин Равон: - Олган бермайди, кўрган айтмайди (А.Жомий, Т., 1971, 310- б.); **олмок 8** — ўлмок («ЎТИЛ»да йўқ): Одатда яхши бандасини олади (оғиздан).

Хайрлашмок 1 («ЎТИЛ», 2- т., 312- б.). **хайрлашмок 2** — эр ёки хотиндан ажрашмок («ЎТИЛ»да йўқ): Аралашмаган қариндошуруғ, насиҳат қилмаган киши қолмади, бўлмади, охири ... хайрлашдилар («Оила ва жамият». 1998, 12 май); **хайрлашмок 3** — ишдан ҳайдалмок («ЎТИЛ»да йўқ): Баъзи ходимларнинг масаласини жиддий кўриб чиқишга тўғри келди, айримлари билан хайрлашдик ҳам («Ўзб. овози», 1999, 18 май); **хайрлашмок 4** — ўлмок («ЎТИЛ»да бор): Бултур шунақа «ука»лардан учтаси билан хайрлашдим... (Илюхин, «Қабоҳат ёхуд...», 64- б.).

Кузатмок 1 («ЎТИЛ», 2- т., 402- б.). **кузатмок 2** — эрга бермок («ЎТИЛ»да йўқ): Мана, ёлғизгина кизимизни ҳам кузатдик («Гулистон», 1990, № 3, 23- б.); **кузатмок 3** — ўлмок («ЎТИЛ»да йўқ): Тунов куни қишлоқ энг азиз кишисини кузатди («Саодат», 1997, № 6, 18- б.).

Бундан ташқари, **оромгоҳ** сўзининг **оромгоҳ 2** — гўр, қабристон; **оромгоҳ 3** — турма, қамокхона; **бермок** сўзининг **бермок 2** — пора; **бермок 3** — жинсий алоқа қилмок; **оқ** сўзининг **оқ 2** — пес, **оқ 3** — арок, **оқ 4** — кафан, **оқ 5** — қарғиш, **оқ 6** — беғуноҳ, **оқ 7** — қарилик ва б.; **кетмок** сўзининг **кетмок 2** — эр ёки хотиндан ажрашмок, **кетмок 3** — ишдан ҳайдалмок, **кетмок 4** — ўлмок (бундай мисолларни кўшлаб келтириш мумкин), каби маъноларини очиқ айтиш ноқулай, ноўрин ҳисобланган, киши психикасига салбий таъсир этадиган воқеликларни яшириш, мулоимроқ тусга киритиш мақсадида қўлланган **эфемик** вояталардир.

2. Бйрикма билан ифодаланган эфемик омонимлар. Бу тур ҳам шаклан бир хил, мазмунан ҳар хил тушунча англатади. Булар

грамматик-семантик хусусиятига кўра 2 хил бўлади: а) сўз бирикмаси; б) фразеологик бирикма билан ифодаланган эвфемик омонимлар.

Сўз бирикмалари билан ифодаланган эвфемик омонимлар ҳам лексик эвфемик омонимлар каби ўз ва ўзга маънога эга бўлган иборалардир.

Мисоллар: **Томоқ хўлламоқ 1** (ўз маъносиди): Нотиқ минбар четига қўйилган пиёладаги чой билан томоғини хўллаб олгач, сўзида давом этди («Сурхон тонги», 1999, 28 май).

Томоқ хўлламоқ 2 — ароқ ичмоқ: Ўйиннинг аввалида биз ҳам жиндай томоқни хўллаб, бек бўлиб олайлик! (Ч., «Ёркиной», 340- б.)

Томоқ хўлламоқ 3 — пора бермоқ: Дам-бадам бошлиқнинг томоғини хўллаб тураман («Оила ва жамият», 1992, 16 янв.).

Гул узмоқ 1 (ўз маъносиди): У ҳар куни тонгда боғчасидаги анвойи гуллардан бирини узиб кетди («Ёш куч», 1998, № 1, 21- б.).

Гул узмоқ 2 — хотин олмақ: Исроил қишлоғимизнинг энг сара гулларидан бирини узиб кетди («Ёш куч», 1998, № 1, 21- б.).

Гул узмоқ 3 — ўлмоқ: Ўттиз еттинчи йилда энг сара гуллар узиб олинди... (Ў.Х., «Кўркув салтанати», 48- б.).

Эгасига топширмақ 1 (ўз маъносиди): Ўғирланган моллар ўз эгаларига топширилди («ИИВ хабарлари»дан).

Эгасига топширмақ 2 — эрга бермоқ: Раънони эгасига топширмагунимизча, — деди Нигор ойим, — қутулмайдиганга ўхшаймиз (А.Код., «Меҳробдан чаён», 76-б.).

Эгасига топширмақ 3 — ўлмоқ: Уста Мажитни ҳам эгасига топширдик (оғиздан).

Кўриладики, эвфемик омонимларнинг мазкур тури луғат ва манбаларда учрамайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, сўз бирикмалари билан ифодаланган эвфемик омонимларнинг 1-си ўз, асл маъносиди, 2-, 3- ва бошқаларида кўчма — эвфемик маъно ифодаланганки, бунда у ёки бу воқеликнинг салбий таъсири юмшатишган.

Фразеологик иборалар билан ифодаланган эвфемик омонимларда асл маъно унутилган бўлади. Шунга кўра бу тур бирикмаларда бош — реал маъно изланмайди. Мавжудлари ҳам (2,3 ва ҳ.к.) эвфемик воситалар ҳисобланади. Мазмунан лексик эвфемик омонимларга тенг бўлади:

Бошини икки қилмоқ 1 — хотин олиб бермоқ: Акангнинг бошини икки қилганимиздан сўнг сени ҳам... (Ў.Х., «Икки эшик ораси», 78- б.).

Бошини икки қилмоқ 2 — ўлдирмоқ: Кенжа ботир қиличи билан бир уриб девнинг бошини икки қилди («Ўзбек халқ эртақлари»дан).

Оламдан ўтмоқ 1 — ўлмоқ: Олим ижодининг энг гуллаган налласида оламдан ўтди («Гулистон», 1997, № 4, 39- б.).

Оламдан ўтмоқ 2 — маст бўлмоқ: Меън уч марта ичганимни биламан — оламдан ўтибман (А.К., 4- т., 130- б.).

3. Гап билан ифодаланган эвфемик омонимлар ўз ва ўзга мазмунга эга қўшилмалардан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси ўз, қолганлари эса кўчма — эвфемик маъно ифодалайди:

Улар бир умрга учрашмайдиган бўлиб хайрлашдилар 1 — ўз маъносиди.

Улар бир умрга учрашмайдиган бўлиб хайрлашдилар 2 — эр ва хотин ёки севишганларнинг ажралиши;

Улар бир умрга учрашмайдиган бўлиб хайрлашдилар 3 — ўлмок.

Қайтиб келмайдиган бўлиб кетди 1 — ўз маъносиди: Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг Собир қишлоқдан қайтиб келмайдиган бўлиб кетди (Э.Тўрон, «Бу тоғлар улуғ тоғлар». 143- б.);

Қайтиб келмайдиган бўлиб кетди 2 — ўлмок: Қайтиб келмас бўлиб кетдинг, Мангу «афрон» бўлиб кетдинг («Ёш куч», 1992, № 4, 27- б.).

Гул тергани кетди 1 — ўз маъносиди: Энди адирга — гул тергани кетамиз.

Гул тергани кетди 2 — ўлмок: Бечора гўдак бир ойликка ҳам бормай гул тергани кетди (оғиздан).

Хуллас, келгусида эвфемик омонимиянинг юқоридаги шакллари, услубий хусусиятлари кенгрок режада ўрганилиши, уларнинг омонимия ва полисемияга муносабати тадқиқ қилиниши, луғатлар тузилиши керак.

ПЕРИФРАЗАНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНИШИ

Нормуродов Р. (Термиз ДУ)

Перифразанинг шаклланиши лисоний ва нолисоний омилларга асосланади. Куйида перифразанинг нолисоний шаклланишининг баъзи бир жиҳатлари хусусида тўхталмоқчимиз. Хусусан, уларнинг ижтимоий ҳаёт материаллари асосида шаклланиши нолисоний омил саналиб, бундай миллий ўзига хосликлар, миллий хусусиятлар, миллий урф-одатлар, миллий тушунчалар перифразанинг шаклланиши учун туртки бўла олади.

Маълумки, тилнинг луғат таркиби узлуксиз тарзда ривожланиб, тараққий этиб боради, натижада тил материалларининг ранг-баранглигини таъминловчи махсус терминлар юзага келади. Шундай терминлардан бири сифатида перифразани алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Негаки, перифраза тил бирлиги сифатида тил ички имкониятларининг кенгайиб боришида, тил ва нутқ ҳодисаларининг эмоционал-экспрессив тарзда ҳосил бўлишида муҳим ҳодисадир. Зеро, перифразанинг шаклланиши, тил тараққиётидаги ўрни ва ҳолати юқоридаги фикрга асосланади.

Жумладан, **ойнаин жаҳон, офтоби олам, хуршиди даврон, Аллоҳнинг ердаги соябони, давлатпаноҳ, валиаҳд, падари бузруквор, волидайи мухтарам, доруссалтанат, пуштикамар** каби перифрастик номланишлар ўзбек халқи ва миллатининг ижтимоий турмуш тарзини, ўй-фикрини, миллий урф-одатларини ифодаловчи хусусиятларга эга бўлиб, ўзбек тили луғат таркибини доимий равишда тараққий этиб келишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан: — Офтоби олам! Қалъа аҳлининг аксари ожизалар эмиш, беғуноҳ норасидалар эмиш, чоллар эмиш, давлатпаноҳ («Кўхна дунё», 37- бет). Масъуд ўзи Исфаҳонда бўлса ҳам, икки қулоғи Ғазнада, падари бузрукворининг ўлими тўғрисидаги хабарни кугиб ётибди.

Келтирилган матнларда **офтоби олам, давлатпаноҳ, падари бузруквор** сингари перифразалар шахс тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, шахсининг сифатий белгиси, унинг мавқеи-мансаби, хатти-ҳаракатидаги физиологик-психологик муносабатларни ифодалашга хизмат қилган. Аниқроғи, перифраза ижтимоий тил бирлиги сифатида шу аснода шаклланган.

Дарҳақиқат, перифразанинг ижтимоий муносабатлар асосида шаклланишида турли хил ижтимоий ҳодисалар, ўй-фикр, тасаввурлар, ўзаро боғлиқ муносабатларнинг умумлашуви асос бўлар экан. Хусусан, ўзаро боғлиқ муносабат асосида перифразанинг ҳосил бўлиши унинг ижтимоий муносабатлар асосида шаклланишининг муҳим жиҳатларидан биридир. Маълумки, айрим ҳодисалар, нарсалар-предметлар мавжуд бўлиб, унинг мавжудлиги бошқа нарсалар ва ҳодисага қиёсан ва қоғиштирилган тарзда содир бўлади.

Айтайлик, олтин — ер қазилма бойлиги, кумуш — ер қазилма бойлиги, чашма — мусаффо ва тиниқ сув сингари номланишларга қиёсан олинган **оқ олтин** — пахта, **кумуш тола** — пилла, **оқ чашма** — сут сингари перифрастик кўшилмалар ижтимоий муносабатларда фикрни ўзаро боғлиқ тарзда шакллантириш асосида ҳосил қилинган.

Масалан: Осмон маликаси қасрининг энг хилват бурчагида Султоннинг махфий гўшаси бўлур, гўша деворлари «Алфия Шалфия» дostonидан кўчирилган ҳаёсиз суратлар, яланғоч аёл ва эркак севгисини тасвирловчи рангдор расмлар ва ҳинд подшоҳлари қасрларидан олиб чиқилган яланғоч санамларнинг олтин ҳайкалчалари билан безатилган эди («Кўхна дунё», 40-бет). Матнда берилган **осмон маликаси** ифодаси юқоридаги фикрни исботлаш учун асос бўлиши мумкин. Одатда **малика** сўзидан англашилган фикрдан гўзал, чиройли, хушбичим ва латофатли аёл маъноларини англаш мумкин. Матндаги **осмон маликаси** айнан **малика** сўзига қиёсан олинган бўлиб, қоғишдаги гўзал, чиройли жисмлардан ҳисобланган ойга нисбатан олинган. Демак, ижтимоий муносабатлар асосида қайта номланишнинг шаклланиши нарсалар-предмет, ҳодисага нисбатан қиёсланган тарзда ҳам ҳосил бўлар экан.

Нолисоний воситаларни қўллаш асосида перифразанинг шаклланишини кузатар эканмиз, шундай тасаввурларга эга бўламизки, муносабат шаклланиш нуқтайи назаридан тасаввур тарзда ифодаланса-да, бироқ аввалдан ҳаётда мавжуд бўлган нарсалар-предмет, номлар ифодалари

ўша ҳодисага, яъни предметга нисбатан юзага келар экан. Жумладан, халқ оғзаки ижодиёти намуналарида ана шундай ифодалар борки, улар айнан перифрастик асосда ҳосил қилиниб, нарса-предмет, ҳодисаларга хос равишда шаклланади. Масалан: Ер тагида олтин қозик. Тилла сандик очилди, Ичидан нур сочилди.

Келтирилган ушбу топшмоқларда **олтин қозик, тилла сандик** перифразалари аввалдан мавжуд бўлган нарса-предмет ва ҳодисаларни ифодаловчи хусусиятларга эгадир. Бу каби перифразаларнинг шаклланишида ижтимоий воқелик, ўзаро боғлиқлик етакчи ўрин эгаллайди.

Умуман, перифразанинг ижтимоий муносабатлар асосида шаклланиб бориши тил таракқиётида ҳамда луғат таркибининг бойиб боришида сермахсул ҳодиса сифатида қаралмоғи лозим.

Адабиёт

1. Х.Шамсиддинов. Перифраза хусусида айрим мулоҳазалар. Ўзбек тили ва адабиёти. 1993, № 4.
2. И.Умиров. Ўзбек тилида парафразалар. Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 1996.
3. Х.Шамсиддинов. Ўзбек тилида функционал синонимия. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1999.
4. А.Маматов. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1999.
5. С.Мўминов. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 2000.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛУҒАВИЙ ПАРАДИГМА

Қиличев Б. (БухДУ)

Тил бирликлари орасидаги муносабатнинг уч хил шакли фарқланади. Шулардан биринчиси парадигматик (ўхшашлик) муносабатларидир. Баъзан муносабатнинг бундай тури ассоциатив муносабатлар деб ҳам юритилади¹.

Парадигма грекча сўз бўлиб «мисол», «намуна» маъноларини ифодалайди. Парадигма уч хил маънода ишлатилади:

- а) кенг маънода - тилнинг ҳар қандай бир-бирига қарама-қарши ва шу билан бирга боғлиқлик ҳосил қиладиган бирликлари туркуми;
- б) шундай туркумнинг модели ёки тузилиши;
- в) тор маънода - морфологик парадигманинг маънодошлиги².

Фердинанд де Соссюр таълимотига кўра тил системаси асосан икки хил: парадигматик ва синтагматик муносабатлар асосида яшайди. «Парадигматик муносабат» тушунчаси термин сифатида илк бор рус тилшуноси Л.Ельмслев томонидан қўлланилган.

¹ Х.Неъматов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т.: 1995, 128- б.

² Лингвистический энциклопедический словарь. М.: 1990, 682 с.

Парадигматик муносабат тилнинг фонетика, лексикология, сўз ясаши, морфология ва синтаксис сатҳларида маълум бир воқеа, ҳодиса, маъно ва ҳаттоки шаклга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Алоҳида олинганда қуйидагича кўринишга эга бўлади:

кўчат - ниҳол - дарахт¹

ёки

хужра - кулба - уй - ҳовли - қаср - кошона.

Юқорида келтирилган қаторнинг ҳар бир аъзоси ўз лисоний мустақиллигига эга бўлиб, ҳар бири алоҳида луғавий қаторлар ҳосил қилиш имкониятига эга. Ушбу қатор луғавий даражаланиш ёки градуонимик луғавий маъно гуруҳи бўлиб, ундаги лексемалар аташ семаларининг даражасига кўра жойлаштирилган. Бу ҳақда доцент Ш.Орифжонованинг иқтисодий тадқиқотларида атрофлича маълумот берилган.

Нутқимизда ишлатиладиган гапларнинг ҳар бирида бир неча парадигма намоён бўлиши мумкин. Бундаги парадигмалар турли хил сатҳларда мавжуд бўлади, албатта. Тилнинг турли сатҳларида деганда лексикология, морфология кабилар назарда тутилади. Келтирилган фикрларнинг далили сифатида қуйидаги мисолни таҳлил этиш ўринлидир:

Акам билан бозорга бордик.

Ушбу мисолда [ака], [бозор], [бормоқ] лексемалари, [билан] кўмакчиси ва «-м»(эгаллик). «-га»(жўналиш келишиги), «-ди»(замон), «-к» (1- шахс кўплик) каби грамматик шакллар қўлланилган. Бундай лексик ва грамматик бирликларнинг ҳар бири алоҳида мустақил парадигмани ҳосил қила олади. Чунончи,

[ака] - ука - опа - сингил
билан] - сингари - туфайли - учун

[бозор] - дўкон - ярмарка

[бормоқ] - жўнамоқ - кетмоқ

[-м] -нг, -си, -миз

[-га] - -да, -дан, -ни, -нинг

[-ди] - яп, -ётир, -моқда

[-к] - ингиз, -лар каби.

Юқорида келтирилган лексема ва грамматик шаклларнинг ҳар бири алоҳида парадигматик қатор ҳосил қилган.

Парадигмалар тил ҳодисаси бўлганлиги туфайли бевосита кузатишда берилмаган, улар жамият аъзолари онгида мавжуд бўлиб, ақлий-лисоний таҳлил орқали аниқланади. Хоҳлаган бир парадигма аъзосини эслаш билан киши онгида шу парадигманинг қолган аъзолари тизими ҳам ҳосил бўлади². Биз нутқ жараёнидан келиб чиқиб парадигма аъзоларининг энг мақбулини танлаб ишлатамиз.

¹ Г.Неъматова. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари тизими ва бадий қўлланиши. Филол.фан.номэ.дисс.автореф. Т., 1998, 21- б.

² П.А.Соболева. О понятии парадигмы в формообразовании и словообразовании. В кн.: Лингвистика и поэтика. М.: 1979.

СЎЗ ИШЛАТИШНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТЛАРИДАН БИРИ ҲАҚИДА

Бекмуҳамедова Н. (ЎЗМУ)

Тилнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг замон хусусиятларини намоён қилишда акс этади. Ҳар бир даврда энг долзарб, ўзига хос, оммабоп, муайян замонда урф бўлган сўзларни тадқиқ этиш социолингвистика учун муҳимдир. Тилнинг лексик қатламида маълум давр руҳиятини ифодаловчи янги урф бўлган сўзлар ҳам мавжуд бўлади. Бундай сўзларнинг ўзига хослиги моданинг ижтимоий-психологик омили таъсири натижасида шаклланади. Мода ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказиши. Моданинг тилга бўлган таъсири алоҳида тадқиқот учун мавзу бўлади. Бу масалани тўғри баҳолаш тил ва жамият муносабатидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бироқ ҳозирга қадар яратилган мавзу доирасидаги тадқиқотларда моданинг тилга таъсири масаласига етарлича аҳамият берилмагани кузатилади.

Тилшуносликда янги урф бўлган сўзлар қатламини ўрганишга бағишланган ишлар мавжуд. XVIII асрда Вустман, Ладендорф, Фельдман каби тилшунослар бу масалага муносабат билдирган. Янги урф бўлган сўзлар В.И.Толстых¹, Е.В.Розен², Л.Петров³, А.Д.Швейцер билан Л.Б.Никольский⁴, С.Н.Иконникова⁵ тадқиқотларида маълум жиҳатларига кўра ўрганилган. Ушбу ишларнинг аксариятида янги урф бўлган сўзларнинг моҳияти ёритилган бўлиб, уларнинг функционал-семантик хусусиятларига эътибор қаратилган.

Мода инсонларнинг мулоқотга кириш жараёни билан боғлиқ, шундай экан янги урф бўлган сўзлар ижтимоий коммуникация жараёнида яратилади ва қўлланилади. Мана шу муаммони ўрганишда уч факторга тўхталиш лозим:

- 1) янги урф бўлган сўзларга таъсир қилувчи экстралингвистик шaroитларни аниқлаш;
- 2) янги урф бўлган сўзларнинг ёйилишида инсонлараро ва оммавий (радио, телевидение, матбуот) коммуникациянинг роли;
- 3) янги урф бўлган сўзларнинг қўлланиш сабаблари (психологик ва интеллектуал дидга оид), янги урф бўлган сўзларни қўлловчиларнинг ижтимоий характеристикаси (қандай жинс, ёш, касб) шунингдек кизиқиш, хоҳиш, эҳтиёж, моддий ва маънавий бойликка муносабати эътиборга олинади.

Маълумки, инсоннинг лисоний ҳулқи ижтимоий шартланган, яъни индивидуал лисоний воситаларни танлаши лисоний омил билан

¹ Толстых В.И. Мода как социальный феномен. //Мода: за и против. М., 1973.

² Розен Е.В. Модные слова и штампы.// На уроке - немецкая газета. М., 1974.

³ Петров Л. Мода как общественное явление. Л., 1974.

⁴ Швейцер А.Д., Л.Б.Никольский. Введение в социоллингвистику. М., 1978.

⁵ Иконникова С.Н. Молодежь: Социологический и социально-психологический анализ. Л., 1974.

боғлиқ. Янғи урғ бұлған сўзлардан фойдаланишда лисоний вазият омилининг куйидағи жиҳатларига аҳамият берилади:

- 1) коммуникатив акт буйича партнерларнинг ўзаро муносабати;
- 2) мулоқот шакли;
- 3) суҳбат мавзуси.

Биринчи ёндашув ўз навбатида куйидагиларга бўлинади:

а) талаба — талаба мулоқоти. Янғи урғ бұлған сўзларнинг ишлатилиши асосан тенгқурлар гуруҳида кузатилади. Уларнинг ёш жиҳатидан тенглиги бунга сабабдир. Масалан, «— Собир, паҳанингни тачкаси борми?» (Дадангнинг машинаси борми?).

б) талаба - ота-она муносабати. Янғи урғ бұлған сўзларнинг ота-оналар билан мулоқотда қўлланиши ёки қўлланилмаслиги ҳар бир оиладағи муносабатга боғлиқ.

в) талаба ва бошқа кишилар муносабати. Жуда камдан-кам талаба ва бошқа катта ёшдағи кишилар билан суҳбатда янғи урғ бұлған сўзлардан фойдаланади.

2. Мулоқот шакли. Янғи урғ бұлған сўзларни қўллашда энг маъкул бұлған мулоқот шакли шахсий суҳбатдир, расмий суҳбатда аксинча янғи урғ бұлған сўзлар ишлатилмайди.

3. Суҳбат мавзуси. Талабалар орасидағи ўзаро суҳбат асосан та-наффусда, ошхонада, буфетда, кўча-кўйда кузатилади. Асосий суҳбат мавзуси — талабаларнинг кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ.

Шу билан бирга, ёшларнинг ориентация (йўналиш) тизимиға янғи урғ бұлған сўзларнинг кириб келиш каналларига алоҳида аҳамият бериш керак.

Янғи урғ бұлған сўзлардан фойдаланишнинг сабабларидан яна бири — бу таклид эҳтиёжидир. Барча моданинг асосида таклид ётади, шундай экан, янғи урғ бұлған сўзларни мулоқотда ишлатишда таклиднинг роли катта.

Янғи урғ бұлған сўзларни ишлатишда нуфузға эришиш эҳтиёжи ҳам ётади. Ҳаммага маълум, мода нуфузlidir, шундай экан, мода кўпинча инсоннинг «замонавийлик» даражаси тарзида қаралади. Шубҳасиз, нуфузни қўлга киритишда янғи урғ бұлған сўзлардан фойдаланилади. Юқорида қайд қилинган сабаблардан ташқари, янғи урғ бұлған сўзларни қўллаш эҳтиёжлари сифатида атрофдагиларға яхши таассурот қондириш эҳтиёжи, лидерлик эҳтиёжи, ўздан кичиклар олдида (ёш жиҳатдан) ўзини кўрсатиш эҳтиёжини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, янғи урғ бұлған сўзлардан фойдаланиш инсонларнинг янгилик ва оригиналлик эҳтиёжларини қондиради. Янғи урғ бұлған сўзларни қўллашда гапирувчи ўз теңқурлари билан мулоқотида ҳамжиҳатликка эришади, жамиятда ўз мавқеини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, ташқаридан қараганда оддий фикр алмашиш ҳодисаси тағида ўз статусини бошқалар олдида сақлаш мақсадида индивид учун зарур бұлған информация алмашиш воқеаси юз беради.

ЛУҒАВИЙ МИКРОСИСТЕМА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Юнусова З. (ЎЗМУ)

Тил қурилишига системавий ёндашиш асосини тил ва унинг турли сатҳларининг айрим бўғинларини, ҳар бир бўғиннинг бўғинчаларини система сифатида қараш ташкил этади (1, 5-16; 2). Ҳозирги кунда бу ҳарса ҳар бир тилшуносга тушунарлидир. Истаган турдаги система эса маълум миқдордаги ўзи ҳам алоҳидалик хусусиятига эга бўлган бирликларнинг — системанинг таркибий қисмлари, элементларининг барқарор муносабатлар асосида бир бутунликка, яхлитликка бирлашишидан иборатдир (3, 5-18).

Луғавий система луғавий бирликларнинг (лексемаларнинг) маълум бир муносабатлар билан ўзаро боғланган бутунлигидан ташкил топади. Лекин истаган тилдаги луғавий система ҳажми жуда катта, таркибан жуда мураккабдир: у бир тилдаги сўзларнинг барчасини қамраб олиши керак. Шунинг учун тилнинг катта луғавий системаси — **макросистема** жуда кўп кичик системачалардан — **микросистемалардан** ташкил топади.

Луғавий тизимчалар ёки микросистемалар номи билан аталувчи сўз бирлашмалари ўзбек тилида хилма-хил бўлиб, кейинги кузатишлар (хусусан: О.Бозоров, Р.Сафарова, Б.Қиличев. Ш.Орифжонова, Г.Неъматова ва бошқаларнинг тадқиқотлари) уларнинг сўзлараро хилма-хил муносабатлар асосида вужудга келганлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги ўзбек тилшунослиги бундай луғавий микросистемаларнинг иерархик (поғонавий), гипо-гиперонимик, партонимик, градубнимик, синонимик ва антонимик каби маъновий муносабатлар заминида қурила олишини фарқламоқда (2, 105—120). Бу соҳадаги изланиш бошланганига ҳали кўп вақт ўтмай олиб борилган тадқиқотлар бундай ранг-баранг муносабатлар билан ўзаро боғланган луғавий тизимчалар (луғавий микросистемалар) табиатан бир хил эмаслигидан далолат бермоқда. Шунинг учун луғавий микросистеманинг қурилиши ва маъновий хусусиятларига кўра уларнинг бир неча ички турларини ажратишга зарурат туғилади.

Жаҳон тилшунослиги амалиётида лексемаларнинг турли ҳажмдаги бирлашмаларини фарқлаш учун луғавий жуфтликлар (ЛЖ), луғавий қаторлар (ЛҚ), луғавий маъновий туруҳлар (ЛМГ), мавзуй луғавий тўшлам (МЛТ), луғавий майдон (ЛМ) каби атамалар ва тушунчалар мавжуд. Ҳозиргача бу атамалар аниқланган тушунчалар орасидаги фарқ, асосан, миқдорий кўрсаткич эди. Сифат белгиси деб бундай бирлашмаларга бирлашувчи сўзларнинг бир сўз туркумига (ЛЖ, ЛҚ, ЛМГларда) ёки ҳар хил сўз туркумига (МЛТ ва ЛМ ларда) мансублиги ажратилар эди. ўзбек системавий тилшунослигининг сўнгги ютуқлари ЛЖ, ЛҚ, ЛМГ, МЛТ, ЛМ каби луғавий микросистема турлари нафақат миқдорий кўрсаткичлар билан, балки сўзлараро тизимий муносабатларнинг ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туришини очиб бермоқда.

Ушбу ахборотда биз тилшуносликда деярли кўтарилмаган масала, луғавий микросистема турлари ва сўзлараро тизимий маъновий муносабатларнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганишдаги илк қадам, излашнини хукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

ЛЖ деганда, асосан, маъновий зидланиш, антонимик муносабатлар билан боғланган сўз жуфтликлари назарда тутилади. Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, Р.Шукуров, Э.Қиличев ва бошқа тадқиқотчилар кўп маъноли сўз бир неча антонимик жуфтликларни ҳосил қилиши таъкидланган.

Тилдаги сўзларнинг асосий кўпчилигига хос бўлган кўп семемалилик сўзлар сирасининг очиқлигини таъминлайди, яъни тизимдаги ҳар бир лексема янги семемалари асосида бошқа-бошқа сўзлар билан жуфтлик ҳосил қила олади. Чунончи, «оғир» лексемаси бир томондан **енгил**, иккинчи томондан **осон** сўзи билан, «осон» сўзининг ўзи ҳам **оғир**, ҳам **қулай**, **ўнғай** сўзлари билан, улар ўз навбатида яна бошқа лексемалар билан маъновий зидлик муносабатларига киришади. Бунда катта бир гуруҳ аслий сифатлар **антошимик** занжирни ҳосил қилади ва лексиканинг тизимийлигини таъминлайди.

ЛЖлар уларнинг таркибига кирувчи сўзларнинг маъновий зидлиги асосида қурилса, ЛК, ЛМГ, МЛТ ва ниҳоят ЛМлар сўзлараро маъновий ўхшашлик ва жузвий фарқлар асосида ажралиб чиқади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос луғавий парадигмаларни ташкил этади. Тизимизда ЛКнинг икки кўринишини фарқлаш зарурдек туйилади.

Биринчидан, ЛК бир хил сўз туркумига мансуб сўзлар орасида атов маъноси умумий бўлган ҳолда услубий хусусиятлар, қўлланиш доираси, шахсий муносабат каби коннотатив маънолар асосида фарқланса, бундай ЛК ни синонимик (маънодош) ЛК деб чегаралаш маъқул. Чунончи, ҳозирги ўзбек тилида **юз-афт-бет-башара-турк** (салбий муносабат билдирувчи сўзлар қатори) ёки **юз-чехра-жамол-ораз-руҳсор** (исобий муносабат билдирувчи сўзлар қатори), **сайёра-планета; кун-куёш-оғтоб-мехр-шамс-хуршид**.

Иккинчидан, ЛКда сўзлар орасидаги фарқ сўзларнинг семантик структурасидаги айрим семаларнинг **даражаланишида** бўлса, бундай ЛК ларни синонимик қаторлардан фарқлаб, даражаланиш - градуонимик луғавий қаторлари деб фарқлаш зарур. Синонимик ва градуонимик ЛК ларни фарқлаш зарурати О.Бозоров, М.Нарзиева, С.Ғиёсов, Ш.Орифжоновалар томонидан атрофлича шарҳланганлиги сабабли биз бу ўринда шу масала устида тўхталиб ўтишни лозим топмаймиз.

МЛТларнинг ЛМГларга муносабати жуда мураккабдир. Зероки, МЛТлар ЛМГларнинг этакчи лексемаларидан тузилгандир. Масалан: **улов** МЛТни олиб кўрайлик. Бу тўшам, моҳиятан, **от**, **эшак**, **туя** каби лексемалардан таркиб топган марказ атрофида тўшланади. Лекин юқорида зикр этилган сўзларнинг ҳар бири ўз навбатида махсус ЛМГларнинг марказий семемаси сифатида ўз ЛМГларини ҳосил қилади, **улов**

лексемаси билан **от, эшак, туя** лексемалари орасидаги маъновий муносабат гипо-гиперонимик муносабатларга ўхшаб кетади. Факат «улов» - «от» - «эшак» - «туя» лексемалари орасида жинс — тур муносабатларидан кўра поғонавийлик (иерархик) маъновий алоқалар бўртиброқ туради. Шунинг учун МЛТлар иерархик ва гипо-гиперонимик маъновий алоқалар қорилмасидан таркиб топади. МЛТларда ҳам марказий ва қуршов лексемалари ўрнини сўз бирикмалари билан ифодаланган атов бириклари эгаллай олади: осмон жисмлари - ёриткичлар - осмон - булут.

ЛМ жуда кенг тушунча бўлиб, бир мавзу, бир тематикага оид ва хилма-хил сўз туркумларига мансуб бўлган сўзларни ўз ичига олади. Шунинг учун ЛМлар қатъий бир маъновий муносабат асосида қурилишини аниқлаш мумкин бўлмаса керак. Шу боис ЛМларни микросистемаларнинг бир кўриниши сифатида баҳолаш ҳам мумкин эмас.

Оқоридагилардан хулоса қилиб айта оламизки, тизимий луғавий бирлашмалар - луғавий микросистемалар деганда маъновий зидланиш асосида ташкил топадиган антонимик жуфтликларни, коннотатив маънолар фарқи асосида ҳосил бўладиган синонимик (маънодошлик) қаторларни, маълум бир семанинг даражаланиши асосида тузилган даражаланиш (градуюонимия) қаторларини, сўзлараро гипо-гиперонимик муносабатлар асосида тузиладиган луғавий маъно гуруҳларини ҳамда поғонавий (иерархик) ва гипо-гиперонимик муносабатлар қорилмасидан ҳосил бўладиган МЛТларни тушуниш мумкин. Ўзбек тили луғат тизимини шу йўналишда ўрганиш луғат бойлигимизнинг системавий қурилишини, унинг тараққиётини янги нуқтайи назардан ўрганишга имкон беради.

Адабиёт

1. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М.: Наука. 1972.
2. Х.Нёматов, Р.Расулов. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Т.: Ўқитувчи, 1995.
3. Системные исследования. Ежегодник 1971. Москва, Наука. 1972.

ТИЛ ТАРИХИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ПӢРОЗАСИДА СИНТАКТИК ТАВТОЛОГИЯ

Аширбоев С. (ТДПУ)

Алишер Навоий насрий асарларида изоҳ ва киритма иборалар кенг қўлланган (1). Бундай иборалар сўз шакли, сўз бирикмаси, гап, матн (шеърый) қолипларида қўлланиб, шубҳасиз, гапнинг мазмун планини мураккаблаштирган, уларнинг аксарияти гапни мазмун жиҳатдан бойитган.

Бундай иборалар олиб қўйилса, гапнинг синтактик плани зарар қўради ва мантиқийлик бузилади. Буни қуйидаги мисолда кўриш мумкин: *Девонбоши бу воқеани Хожа Мажиддин Муҳаммадки, мубошир эрди, анга ҳавола қилди* (Мажолисун нафоис, 89). Бу гапни таҳлил қиламиз. **Хожа Мажиддин Муҳаммад** сўз шакли кўрсаткичсиз (белгисиз) қўлланган тўлдирувчи. Лекин гапда айни шу ўринда яна **анга** кўрсатиш олмоши ҳам иштирок этмоқда. Гапни сўз шакли қолипидеги **мубошир эрди** киритмаси ва унинг иштирокисиз қиёслайдиган бўлсак, у иштирок этмаган вариантда гапнинг синтактик ва семантик планида ғализлик юзага келади, чунки айни бир ўрин учун, яъни бир тўлдирувчи позициясида уюшиқ бўлакка далолат қилмайдиган иккита сўз шакли қўлланаётганлигини кўраимиз. Қиёсланг: **Девонбоши бу воқеани Хожа Мажиддин Муҳаммадки анга ҳавола қилди**. Бу вариантда гапнинг синтактик ва мантиқий йўналиши бузилади, гапнинг асосий семантик йўналишини ҳисобга олиб, уни **Девонбоши бу воқеани Хожа Мажиддин Муҳаммадга ҳавола қилди** тарзида трансформация қилинганда, матндаги **анга** тўлдирувчиси оргикча бўлиб қолади. Аслида Алишер Навоий насридаги бу типдаги гаплар бошқача талқинни талаб этади.

Гап таркибида изоҳ ва киритма иборалар ундаги муайян бўлакнинг мундарижасини бойитиш, яъни эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол, баъзан кесим позициясида келган сўз шаклини изоҳлаш вазифасини бажаради, натижада ўша нутқий вазиятда изоҳланаётган бўлакнинг позицияси кучсизланади ва унинг субститутги қўлланишига шароит яратади. Демак, гапда субстантив (от ва отлашган сўздан иборат гап бўлаги) ва субститут (олмош билан ифодаланган гап бўлаги) оппозицияси юз беради. Юқоридаги гапда **Хожа Мажиддин Муҳаммад** (белгисиз жўналиш келишигидаги сўз) ва **анга** тўлдирувчилари айни бир синтактик позицияда ўзаро оппозицияга киришган. Бу синтактик ҳодисани **синтактик тавтология** деб юритишни тавсия этамиз, чунки улар уюшиқ бўлак бўлишга далолат қилмайди, балки гапда бир семантик-синтактик ўринни кўрсатади, холос.

Синтактик тавтологияни Алишер Навоий асарлари тили учун тасодифий ҳол деб эмас, балки ўша давр адабий тилининг ўзига хос хусусияти сифатида қараш лозим.

Синтактик тавтологияни ташкил этувчи субстантив ва субститут қўлланиш хусусиятларига кўра қуйидагича бўлади:

1. Субстантив ҳам, субститут ҳам бир хил кўрсаткичга эга бўлади: *Мавлонинг қабри шаҳар навоҳийсида Деҳи Канордаким, ўз маскани эрди, андадур* (Мажолисун нафос, 13). Изоҳланаётган бўлак (кесим), яъни субстантив **Деҳи Канорда** ҳам ва ортмавқеда келган унинг субституту **анда**, яъни тавтологик кесим ҳам ўрин-пайт келишигида шаклланган.

2. Субстантив белгисиз шаклда, субститут эса кўрсаткичли (белгили) шаклда келади:

1) субстантив (аниқловчи) белгисиз қараткичда бўлади, субститут эса белгили қараткичда келади: *Мавлоно Жалолиддин Машиҳаддиндур, Али Зайниддинким, ул ерда мутааййин киши эрди ва хонақоҳи ҳам бор эрди, анинг авлодидиндир* (Мажолисун нафос, 108). **Али Зайниддин (нинг)** — **анинг** тавтологияси юз берган;

2) субстантив (тўлдирувчи) белгисиз тушум келишигида, субститут белгили шаклда қўлланади: *Ялош бинни Фируз чун салтанат тахтин олди, Сухроким, отаси замонида вазир ва мамолик мусолиҳида мушр эрди, ани ҳамул вузарот мансабига тайин қилди ва мулк ихтиёрин анга топшурди* (Тарихи мулки Ажам, 59). **Сухро(ни)** — **ани** тавтологияси ҳосил қилинган;

3) субстантив (тўлдирувчи) белгисиз жўналиш келишигида, субститут эса белгили қўлланади: *Девонбоши бу воқеани Хожа Мажиддин Муҳаммадки, мубошир эрда, анга ҳавола қилди* (Мажолисун нафос). **Хожа Мажиддин Муҳаммад(га)** — **анга** тавтологияси мавжуд. Бу мисол юқорида таҳлил объекти бўлди;

4) субстантив (тўлдирувчи) белгисиз чиқиш келишигида, субститут эса белгили қўлланади: *Неча китобким, ҳукм бўлуб эрди, улча муяссар бўлур чоғлиг эрди, андин йибарилди* (Муншаот, 13). **Неча китоб(дин)** — **андин** тавтологияси мавжуд.

Афтидан, субстантив — субститут тавтологияси эски ўзбек тили насрий услубига хос бўлган, чунки бундай мураккаблашган гаплар «Бобурнома»да ҳам қайд қилинади: *Сангин иморатларким, атам ясаб эди, анда туштум* (бу иборани А.Магғозиев аниқловчи эргаш гап деб изоҳлайди). Бу гапда **сангин иморатлар(да)** — **анда** (ўрин холи) тавтологияси мавжуд (2).

Демак, синтактик тавтология эски ўзбек тили синтаксисига хос бўлиб, унинг юзага келишида изоҳ ва киритма иборалар кўзгатувчи вазифасини бажаради ҳамда айни бир синтактик позицияга далolat қиладиган бўлаклардан аввалгисининг позициясини кучсизлантиради ва натижада синтактик тавтологияга йўл очади.

1. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1990, 240 — 270- бетлар.
2. Матғозиев А. Аниқловчи эргаш гаплар тарихига доир. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1970, 6- сон.

НАВОЙНИНГ ТИЛШУНОСЛИҚДАГИ МАҲОРАТИ

Қодиров М. (ЎЗМУ)

Биз Алишер Навоийни «ўзбек халқининг улугъ шоири, мутафаккири ва жамоат арбоби» деб таърифлаб келамиз. Ҳазрат Навоийни биринчи ўзбек тилшунос олими, деб ҳам атамоқ керак. Унинг «Муҳокаматул луғатайн» асари ўзбек тили ҳақида ўзбек тилида ёзилган биринчи илмий асардир.

«Муҳокаматул луғатайн» асари, аслида, ўша пайтда ўта камситилган ўзбек тилининг камбағал эмаслигини, юксак бадиий асарлар яратиш учун катта имкониятлари борлигини форс-тожик тилига қиёслаган ҳолда исботлаб беришга қаратилган бўлса-да, тилларнинг ички қурилишини чуқур таҳлил қилиб берган илмий асардир.

Асар ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаса-да, ўзбек тилининг жуда кўп хусусиятлари очиб берилган: тилларнинг пайдо бўлишидан тортиб нутқ товушларининг сифатигача бўлган масалалар қамраб олинган. Буларнинг барчаси бадиий тил яратишга боғлиқ ҳолда маҳорат билан шарҳлаб берилган. Масалан, асарда ўзбек тилидаги маънодош сўзлар (синонимлар) ҳақида фикр юритаётганда Навоий бундай сўзларнинг ҳақиқий моҳиятини, маъно ифодалашдаги нозик фарқларини, бадиий тил учун ўзига хос аҳамиятини кўрсатиб беради. Мана, ўзбек тилидаги **йиғламоқ** сўзининг маънодошлари ҳақидаги Алишер Навоийнинг фикрларидан бир парча:

«... шеърнинг бино ва мадори ишққа эрилуру ва ошиқликда **йиғламоқ**дин куллийроқ ва доимийроқ амр йўқтур ва анда танаввуъ бор: **йиғламосинмоқ** мазмунидаки, турк мундоқ дебдурки:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,

Йиғламосинару, кўзига келмас ёш.

Ва **инграмак** ва **синграмакким**, дард била ёширун оҳиста йиғламоқдур. Туркчада бу матлаъ борким. Байт:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,

Кечалар гаҳ **инграмакдур** одатим, гаҳ **синграмак**.

Форсийда бу мазмунки бўлмағай, шоир неча қилғай?!

Яна бийин ун билаки, иътидолсиз ошуб била йиғлағайлар, ани **ўқурмак** дерлар ва туркчада ул маънида бу матлаъ борким. Байт:

Ишим тоғ узра харён ашк селобини сурмакдур,

Фироқ ошубидин хар дам булут янглиғ **ўқурмакдур**.

Чун **ўқурмак** муқобаласида форсий тилда лафз йўқтур, форсий ўй шоир муинингдек ғариб мазмун ајосидин маҳрумдир».

Навоийнинг шарҳлари бўйича, **йиғламак** сўзининг 9та маъно-дошлари гуруҳини рўйхат қилиш мумкин: **йиғламак**, **бўхсамак**, **йиғламсинмак**, **ўқурмак**, **инграмак**, **синграмак**, **сиктамак**, **инчқирмак**, **хой-хой йиғламак**. Қаранг, бунда Навоий аввало назик маънолар билан фарқланувчи сўз синонимларини изоҳ этган, сўнг онгли равишда услубий синоним(**хой-хой йиғламак**)ни жойлаштирган.

Биз шу кунгача рус тилшунослари фикрларига эргшиб, «шаклдош (омоним) сўзлар — нутқдаги зарарли ходиса» деб келамиз. Аммо Алишер Навоий назидида шаклдош сўзлар бадиият учун катта аҳамиятга эга бўлган ходисадир. Улар воситасида туркий тилларда шеърнинг ҳажм жиҳатидан энг сиқик, мазмунан бой, тили жиҳатидан ўйноқи жанри — туюқ яратилади. «Муҳокаматул луғатайн»да бунга ҳам марқли мисоллар келтирилган.

«Муҳокаматул луғатайн»нинг биз тилшунос ва адабиётшуносларга ўртак бўладиган яна бир хислати бор. Навоий асарда тил масалаларини адабиётдан — бадииятдан ажратиб, алоҳида ҳолда текширмайдди, тилдаги хусусиятларни бадиий нутқ талабига эвирган ҳолда кўради. Агар бу асарни чуқурроқ ўрганиб чиқсак, ҳозирги тил ва адабиёт илмимиздаги кемтикнинг сабабларини сеза бошлаймиз.

Қисқаси, Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» асари ўзбек тилини илмий ўрганишнинг табиий усулини кўрсатиб берган. Навоий ушбу асарни яхши ният билан ёзган, ўзбек тилини форс-тожик тилига солиштирса-да, форс-тожик тилини камситмайди — унинг нияти пок эди: фақат ўз она тилининг бошқа тиллардан қолишмаслигини исботлаб бериш эди.

Алишер Навоийнинг буюк асарлари она тилининг бойлигига далил бўлди. «Муҳокаматул луғатайн» асари шу бойликни илмий тафаккур орқали исботлаб берди. Навоийдан сўнг ҳеч ким ўзбек тилини камситишга ботина олмади.

Алишер Навоий ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиққан улуг даҳо бўлиш билан бирга, ўз она тилининг кадр-қиймати учун толмас курашчи ва унинг улкан илмий тадқиқотчиси эканлиги билан ҳам кадрлидир.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ» ЛЕКСИКАСИДА САМОВИЙ ТИМСОЛЛАР

Ҳамидов З. (ЎЗМУ)

Алишер Навоийнинг «Хамса» асари ўзбек тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланганлиги, шунингдек омоним, синоним сўзларнинг ўз ўрнида ишлатганлиги билан диққатга сазовордир.

Тарихдан маълумки, Алишер Навоий бир неча бор ўзи яшаб ижод қилган Хирот шаҳридан Самарқандга, Астрободга ва бошқа эътиборли шаҳарларга борган. Шоир сафар асносида турли қишлоқ ва шаҳарларда тўхтаб ўтиб, ўша жойнинг иқлими, этник таркиби, халқнинг яшаш тарзи-ю иқтисодий шароити, умуман, ерли аҳолининг шажараси, уруғлари, тили, лаҳжасига катта эътибор берган. Шу аснода ўзининг яратилажак йирик бадий асарларига далилловчи манбалар — сўзликлар тўплаган. Шу тариқа шоирнинг «Садди Искандарий» асарида ҳам турли соҳаларга алоқадор бўлган, айниқса ўз қатламга оид терминлар ўз ва кўчма маъноларда гўзал ифодасини тошган. Бу эса дoston тили лексикасининг кўпқирраллигини, шоирнинг сўз бойлигини намoён қилувчи ёрқин мисоллардан бири ҳисобланади.

Doston лексикасини мавзуй гуруҳларга бўлиш шуни кўрсатадики, Алишер Навоий ўз асарида турли соҳаларга оид сўзлардан унумли фойдаланган. «Садди Искандарий»да учраган ўз қатламга оид сўзлар мавзуй жиҳатдан ранг-баранглигини ёритиш мақсадида уларни бир неча гуруҳларга ажратиб кўрсатдик¹.

1. Шаҳс тушунчасини ифодаловчи сўзлар²: санга (224), ким (229), мен (235), кимса (243), биздин, ўз (243), биров (247), сиз (342).

2. Рақамлар, миқдорни белгилловчи сўзлар: ики (12), ики, учу тўрт (12), тўқуз (12), бир-бири, бири-бирига (13), бирин секизига (13), ўни, бири (48), минг уч юз ўн тўрт (183), юз доғи саксон (183), ўн етти, ики (238), иков (241).

3. Ҳайвонлар атамалари: бўри, кўй (281), от (246), ит, мушук (174), арслон (174), кийик (104).

4. Кушлар атамаси: тўти, кўк қарға - зағз (218), кабугар (415).

5. Инсон ва унинг танаси аъзолари атамалари: бел (163), илги (163), бармоғ (461), юз (465), аёғ (469), кўз (469), оғиз (500), қўл (500), кулоғ (498), кўкс, бош, киприк (252), соч (274), тирноғ (401), бурун, ич (қорин), тил (401).

¹ Мавзуй гуруҳларга ажратишда мазкур илмий усул тамойилига асосланилди. Қаранг: Ҳамидов З. Статистическая и тематическая характеристика лексики поэмы «Лисан ат-тайр». Алишера Навои//Историко-лингвистический анализ лексики сторописменных памятников. Ташкент, 1994, 115–128-б.

² Келтирилган мисоллар дostonнинг қуйидаги нашридан олинди: Ўзбек адабиёти бўстони. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Тошкент, 1991.

6. Ранг-тус билдирувчи сўзлар: қора (121), кўк (154), яшил (154), кизил (156), ол (275), сариғ (262).

7. Вакт, замон, фасл тушунчаларини ифодаловчи сўзлар: бугун (99), йил (121), ярим кунгача, кун (104), тун (130), кеча (165), ой (194), киш (205), кеча-кундуз (449).

8. Тоғ жисмлари, маъданлар: олтун, темур (450), гавҳар (445), тош (381).

9. Қавм-қариндошлик, яқинлик маъноларини англатувчи сўзлар: оталик, ўғул (324), киз (469), ато, ано (469), қарилғ, йнгитлик (254).

10. Озик-овқат маҳсулотлари номлари:

Ушоқ-қанд, ун-тузга монанд эрур.

Ва лекин бири туз, бири қанд эрур (175).

11. Табиат ҳодисалари ва коинот атамалари: булут, ёмғур (50), ой, кун (50), куёш (44), қор (252) каби ва бошқалар.

Бундан ташқари, дostonда яна бир қатор соҳа атамаларининг соф туркий кўринишларига: фалсафий ва афсонавий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар; географик номлар; касб-ҳунар ва турли машғулотларни ифодаловчи сўзлар; таълим-тарбия ва ўқиш-ўқитишга алоқадор сўзлар; касаллик, дори-дармон атамалари; унвон, даража ва ҳуқуққа оид сўзлар; уй-рўзғор ва кундалик турмушда ишлатиладиган нарса ва предметлар атамаси; озик-овқатга оид сўзлар; дарё ва денгиз атамалари; ўйин турлари ва чолғу асбoblари атамалари; спорт ўйинларини ифодаловчи сўзлар каби шунга ўхшаш қирққа яқин мавзуй гуруҳларга оид сўзлардан характерли мисоллар келтириш мумкин. Шоир қўллаган ижтимоий-сийсий, ҳарбий, жуғрофий, тиббиётга доир, умуман табиий фанларга оид атамаларни мазмунан англаб етиш, соф ўз қатламга хос, бугунги кунда унутилган, эскирган бу қадимий ном ва терминларни қайта жорий этиш, асл маъносини тушуниб етиш, тарихий тараққиётга назар ташлашга имконият туғдиради. Навоий қўллаган ушбу сўз ва атамалар Ўрхун-Енисей ва уйғур битикларида, «Девону луғотит турк» асарида ва ундан кейинги туркий адабий манбаларда қўлланиб келган¹.

Жумладан, коинот илми соҳасига оид сўз ва атамалар хусусида кенгрок тўхталадиган бўлсак, унинг соф туркий номлари арабий, форсий атамалари қаторида шоир асарларида ўз ва кўчма маъноларда кўп қўлланилган. Масалан, Юпитер сайёраси «Қора куш», Марс сайёраси «Боқир сўқим» ва бошқалар. Булардан ташқари, яна гунаш, кун, ой, кўк (осмон, фалак), етти кўк (осмон) қабилар. Умуман ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий она тили сўз бойлигини оширишда, унинг имкониятларини кенгайтиришда турли соҳаларга мурожаат қил-

¹ Астрономик атамаларнинг эски туркий ёдгорликларда қўлланиши хусусида маҳсус мақола ёзлон қилинган. Қаранг: Х.А. Дадабоев. Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв. // Историко-лингвистический анализ лексики старотюркских письменных памятников. Ташкент, Фан, 1994, 32-43.

ди. Уларнинг аталишига, номланишига жиддий эътибор бериб, бадий кашфиётлар яратди. Бу каби илмий далиллар шоирнинг «Саддий Искандарий» дostonида характерли кўринишларда келтирилади.

Навоий ўзининг «Хамса» дostonларини ёзишдан аввал бутун амалий тадбир ва илмий мулоҳазаларини бир жойга тўшлаб, тарихий фактларга, манбаларга мурожаат қилган. Бадийликнинг энг юқори даражада ифодаланишини назарда тутиб, ўхшатишлардан, табиат ҳодисаларини жамиятнинг ижтимоий тараққиётига боғлаган ҳолда кашфиётлар яратилишига киришган. Шоирнинг барча дostonлари сингари «Саддий Искандарий»да ҳам гўё мавзуга алоқадор бўлмаган сўзлар иштирок этгандек кўринса-да, унинг яширин ифода маънолари, Шарқ бадий санъатлар тасвирида зарур сўзлар сифатида ўрин эгаллайди. Коинот илми атамалари конкрет нарса ва предметлар номларини ифодаласа-да, шоирнинг ички кечинмаларини бадий тасвирлашда асосий восита ролини ҳам ўйнай олган. Шоир бу тур атамалардан турли ўринларда фойдаланиб, гўзал байтлар ижод қилган:

Орази ёдидин чу тортиб вой,
Ўрганиб кўкда ҳам куёш, ҳам ой.

Яъни, ошиқ маъшуканинг гўзал юзини эслаб оҳ-воҳ тортар экан, бундан кўкдаги куёш ҳам, ой ҳам ўртанади, ошиқнинг чеккан ноласидан улар ҳам тортади. Бу ерда шоир хижрон азобини тортаётган ошиқнинг тушқун ҳолатини тасвирлашда муболағадан фойдаланган. Вазиятни бўрттириб тасвирлашда бевосита жонлангириш усулидан ҳам фойдаланган. Гўё ошиқнинг чеккан кучли ноласини осмондаги куёш ҳам, ой ҳам эътибор азобланган. Шоир дostonнинг бошқа байт-мисраларида **куёш** сўзи ўрнида маънодош бўлган **кун**, **гунаш** каби туркий синонимлардан ҳам унумли фойдаланган.

Навоий дostonда **ой** сўзини ҳам турли услубий воситалар асосида бош луғавий ва мажозий маъноларда қўллаган:

Тарабдин фалак қилди ҳоли анга.

Янги ойни жоми ҳилолий анга (296).

Яъни фалак (Искандарнинг шох бўлганлиги) хурсандчилигидан (унга шундай бир нарса қилишга) ихтиёр қилди, янги чиққан ойни унга ҳилолий қадах қилиб тутди. **Ҳилол** сўзи янги чиққан ой маъносини билдиради. Ойнинг айни шу пайтдаги кўриниши (шакли) эса қадахга ўхшатишган. Бундан ташқари, Искандарнинг ҳокимият тепасига келиши билан фалакда янги ойнинг туғилиши орасида ҳам боғланиш бор.

«Саддий Искандарий»да ўз қатлам таркибига кирувчи коинот атамаларидан **юлдуз** сўзи ҳам кўп марта қўлланган. Қуйидаги байтда **юлдуз**, **куёш** сўзлари келтирилади:

Куёш чашмаси бир қадах муз бўлиб,

Сочилғон бори қатра юлдуз бўлуб (127).

Бунда гўё куёш чашмаси қишнинг соғуғидан бир қадах музга айланган, бу қадахдан тўкилаётган қатралар юлдуз каби сочилгандир. Бу

Ўринда икки қарра ўхшатиш қўлланилган, яъни қуёш биринчи ўринда тинмай қайнаётган булоққа ўхшатишган. Иккинчи ўринда, шу ўхшатишдан келиб чиқиб, чашма сифат қуёш лиммолим қадахга ўхшатишган. Қиш совуғидан титраётган қадахдан тўкилаётган томчилар музга айланиб, худди юлдуздек ҳар томонга сочилгандир. **Қағра** сўзи эса бевосита қуёш нурларини эслатади.

Хуллас, Алишер Навоий «Сади Искандарий» достони тили лексикаси ниҳоятда ранг-баранглиги, турли соҳаларга оид сўзлар ўз ва кўчма маъноларда ўринли қўлланганлиги билан ажралиб туради. Келтирилган мисоллардан аёнки, шоир турли соҳа сўзларидан, айниқса коинот атамаларидан фойдаланар экан, аввало асарнинг бадиий қийматини оширишда, хусусан байт-мисраларда бир хил такрор сўзларни қўллашдан қочиш мақсадида бу атамаларнинг соф туркий синоним қаторларини ўринли қўллашга эришган.

ЎЗБЕК КИТОБАТЧИЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИДАГИ АРАБЧА ЎЗЛАШМАЛАР

Йўлдошев И. (ТДПУ)

Ўзбек тили ўзининг тарихий тараққиёти йўлида бир қанча бошқа халқларнинг тиллари билан алоқада бўлди. Шу сабабли ҳам ўзбек адабий тили луғат таркибида қадимги уйғур тили, сўғд тили, хитой тили, араб тили, мўғул тили, форс-тожик тили каби бошқа тилларнинг элементлари мавжуддир. «Бу тиллар ўзбек тили луғат составига турли даврларда, турли даражада, турли йўллар билан таъсир этган. Шунга кўра ўзбек тилига ўтган сўзларнинг сони ҳам турли даражададир»¹. Айни шундай ҳолатни ўзбек тилининг барча терминологик системаларида, хусусан, китобатчилик терминологиясида ҳам кузатиш мумкин.

Ўрта Осиёда, хусусан қадимги Ўзбекистон ҳудудида нафис китоб яратиш санъати XI-XVI асрларда ўзининг энг юқори нуқтасига чиққан, десак янглишмаймиз. Бу даврларда қўлёзма асарни кўчириш, китобхон дидига уйғун шаклда безаш, уни жузлаш, муқовалаш, сақлаш каби жараёнларни ўз ичига олувчи китобатчилик соҳаси санъатнинг махсус бир йўналишига айланди. Шунингдек, бу соҳа жуда оғир ва мураккаб жараёнларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, бу ишда бир неча хил малакали мутахассислар иштирок этгани ҳолда улар турли хилдаги меҳнат қуроллари вужудга келган мутахассислик номларини ифодаловчи сўзларнинг кўпчилиги қисми бевосита араб тилидан ўзлаштирилди. Илгари тилда фаол қўлланишда бўлиб келган айрим туркий сўзлар ўрнини ҳам арабча ўзлашмалар эгаллади. Шундай терминлардан бири

¹ Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, Фан, 1981, 56-б.

арабча **китоб** сўзидир. Маълумки, қадимги туркий тилда «ёзув», «хат», «мактуб», «китоб» каби тушунчаларни ифодалашда асли туркий бўлган **битиг** термини кенг қўлланган. Масалан, **Кул тегин** битигида куйидаги сатрларни ўқиймиз¹: ... *аны көрүп анча билиг ол таи...дым. Бу битиг битигма атысы Йол(л)уг т(агин) — Шундай сайргох ерда мангутош ўрнатдим, (битиг) битидим. Уни кўриб шундай деб билинг: бу битиг битгучининг биродари Йўлуг тегин.*

Маҳмуд Кошғарий ҳамда Юсуф Хос Хожиб асарларида ҳам **битиг** сўзи айни шу маъноларда ишлатилганини кўраемиз: ... *анин битиг бөлгүюк - ол эврга битик откурди — у уйига хат юборди; бити ужуқлади - ҳарфларни ва китобни ҳижжалади, бу китоб одамларни кўп ўқитадиган, яъни ҳажми катта бўлишиги сабабли кишиларни кўп ўқитади («Девону луғотит турк»); 2192. Битиб қодмаса эрди билга битиг. Сақышқа некў эрди ал йат этиг — Донолар ёзув (китоб) ёзиб қолдирмасалар эди, Ҳисоб учун қандай чора, илож, тадбир бўлар эди («Қутадғу билиг»).*

Бу ўринда яна шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, XI-XII асрларда туркий **битиг** термини арабча **китоб** термини билан айни бир маънони ифодалашда параллел тарзда ҳам ишлатилган. Масалан, «Қутадғу билиг»нинг ilk саҳифаларини ўқир эканмиз, асар муқаддимасидан эътиборан арабча **китоб** сўзининг ўта фаол қўлланганини кўраемиз.

Бу **китоб** йавлақ азиз турур, ... *Мачин ҳақымларынн ашъорлари бирла араста қылмыш, бу китабни оқыглы, бу байтларны маълум қылыглы китабдын йахши азизроқ турур - Бу китоб жуда азиздир. ... Мочин донишмандларининг ашъорлари билан тартиб берилган бу китобни ўқигувчи, бу байтларнинг маъносини чақувчи (киши) китобдан (ҳам) яхши азизроқ бўлади.*

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» ҳамда Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарларида ҳам юқориди таъкидланган ҳолатларни кузатишимиз мумкин: *Битидим китоби мавоиз масал, Ўқуса тотир тил емиштак асал ... - Ҳикматли сўз ва насихат китобини битидим, уни ким ўқуса, асал тотандек бўлади («Ҳибатул-ҳақойиқ»); Изи азда ва жалладан тамол бўлуга тавфиқ тилаб китоб бошладимиз (Қисаси Рабғузий).* Демак, бу даврларда арабча **китоб** термини тўлиқ бир шаклда туркий **битиг** термини ўрнини эгаллай олмаган, деган хулосага келишимиз мумкин бўлади. XV-XVI асрлардаги ёзма манбалардан шу нарса маълум бўладики, бу даврларга келиб қадимда туркий **битиг** термини орқали ифодалаб келинган тушунчалар эндиликда дифференциалланган ҳолда араб тилидан ўзлашган терминлар билан ифодалана бошлади. «Муайян мазмундаги,

¹ Мисоллар куйидаги манбалардан олинди: Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. Тошкент, Ўқитувчи, 1982. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Уч жилдик. 1-ж. Тошкент. Фан, 1960, 499 б. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. Тошкент. Фан, 1971, 962 б.

сираламадаги кўлэзма магнларни бир мукова остида жузтаб тикилган асар» тушунчасини ифодалашда туркий **битиг** ўрнини арабча **китоб** сўзи тўлиқ эгаллади: Улки тарийқи битимақдур **китоб**, Назм ила наср ўйлаки дурри хушоб (Ҳайратул-аброр); Алишербек ... олти маснавий **китоб** назм қилибтур, беши «Хамса» жавобида. Яна бири «Мантикут-тайр» вазнида «Лисонут-тайр» отлиқ (Бобурнома).

«Ёзув» ҳамда «мақтуб» маъноларини ифодалашда арабча **хат** сўзи муомалага кирди: на улким, ... юқори битилса «насах ва таълиқ» хати била андоқ хоно битилсаким, ... «туркча» хат била худ асло битилмасаки, бу бобда қавле даги бордур (Муншаот). Бирон кимсага юборилган ёки ёзилган хат, номани англитишда **мақтуб** сўзи ишлатила бошлади: Маҳбубдин мактубким, ҳам хати хўб бўлғай ва ҳам мазмуни хуб жонга улдур марғув ва кўнгулга улдур матлуб (Маҳбулбул-қулуб).

Қуйида араб тилидан ўзлашган китобатчиликка оид баъзи сўзларга изоҳ берамиз:

Кутуб — китобнинг кўплиги: *Олмолиқ ва Олмоту ва Янгиким кутубларда Ўтроркент битирлар* (Бобурнома);

китоба — қабр тошига, катта дарбозаларга ва бино деворларига ёзилган ёки ўйилган йирик ёзув: *Ўқуган элни ҳалок айлағай китоба-сида, Ичимдагини аён қилса, қабрим узра тошим* (Ғаройибус-сиғар);

китобат — котиблик, китоб кўчириш, мактуб, китоб, ёзув, ёзиш-малар: ... *Қаламунгдин оқсан, китобатма санинг, ибратма санинг бўлуб биза «Қисасул-анбиё» бўлса, ўқимоқга кераклик бўлғай эрди* (Қисаси Рабғузий);

макотиб — мактубнинг кўплиги: *Яна доғи расоилга қалам сурубмен ва макотибга рақам урубменки ...* (Муҳокаматул-луғатайн);

роқим — хат ёзувчи, котиб, муаллиф: *Роқимки, рақами ростдур, ростлар кўнглига қабулияти бехост* (Маҳбулбул-қулуб);

котиб — кўлэзмаларни кўчирувчи, хусниҳат билан китоб кўчирувчи, хаттот: *Котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз маҳзанининг лознадори* (Маҳбулбул-қулуб);

муҳаррир — ёзувчи, таҳрир қилувчи: *Муҳаррирки, таҳрири тузисандидадур, агар бир байт битир, агар юз* (Маҳбулбул-қулуб);

варак — маълум шакл ва ўлчамдаги қоғоз ёки бошқа бирор юпқа нарса: *Ким олига қўюб ул варақни, Десун биров анга ул сабақни* (Лайли ва мажнун);

руқъа — ёзишма, хат, мактуб, нома: *Сайид Козимий - ... келурда Ироқда қолди. Андин фақирга бир икки руқъаси келди* (Мажонисун-нафонс) ва бошқалар.

Хуллас, ўзбек китобатчилиқ терминологиясида ўзбекча-умумтуркий сўзлар билан бир қаторда арабча ўзлашган терминларнинг мавжуд бўлгани тилимизнинг луғавий бойлиги мураккаб жараёни босиб ўтганлигидан далолат беради.

бош оғриги каби. Ташқи таъсир натижасидаги жароҳатларни «касалик» деб бўлмайди: бундай жароҳатларни «бехузурлик» деб аташ мумкин. **Бехузурлик** фақатгина касалликни эмас, унинг оқибатини ҳам билдиради: тана ва руҳиятнинг касаллик натижасидаги нотинчлигини ифодалайди. **Бехузурлуқнинг** семантик кўлами қуйидаги семаларни ўз ичига олади: 1) касаллик, 2) вужуд нотинчлиги, 3) руҳият безовталиги, 4) хоҳиш-истакнинг йўқлиги.

Ўқсумак — «камаймоқ, озаймоқ», «камситилмоқ» маъносидаги сўз¹: **Бу** навоҳида **Ҳодарвеш** ели **ўқсумас**, **ҳамиша тунд қўпар** (БН, 154). Бу ўринда лексема шамол ҳаракатининг доимийлигини: камаймаслигини ифодалаган. Бу ифода бошқа ўринларда ҳам акс этган: ... **бу тоғдин қор ҳаргиз ўқсумас** (БН, 190). **Ўқсумас** лексемасининг семантик кўлами 1) камаймоқ; 2) камсиниш семаларидан иборат. **Ўқсумас** шу маънодаги сўзнинг инкори шаклида «камаймас», «доимий» тушунчаларини аниқлаётган.

Хозирда қўлланиладиган **ўқсимоқ** сўзи **ўқсумакнинг** «камайиш» семасидан шаклланиган. **Ўқсимоқ** дейилганда камайиш (ишончнинг, хоҳиш-истакнинг камайиши) ва **камситиш** (ўзини бошқалардан кам кўриш) тушунилади.

Хилват — «холи, кимсасиз жой»² маъносидаги лексемани Бобур сўзга нисбатан аниқловчи нисбатиде қўллайди. ...**деди-ким, хилват сўзим бор. Хилват қилидди** (БН, 210). **Хилват** сўзи «махфий гап» маъносида келган. Бу ўринда мазкур гапнинг хилватда айтилишига ҳам ишора қилинган. **Хилват** лексемасининг семантик кўлами 1) кимсасиз, холи; 2) чет, чекка; 3) яширин семаларидан иборат. Юқоридаги жумлада Бобур хилват лексемасининг яширин (махфий) семасини биринчи планга қўйган ва шу сема атрофида бошқа семаларнинг услубий ифодасига эришган.

Тиламоқ сўзи хоҳиш-истакнинг юқори даражасини ифодалаш учун қўлланилган. Мазкур сўзнинг **хохламоқ** ўрнида қўлланиши жумлаларда ўзига ҳосликни таъминлаган: **Биттабъ вилоят эли бизни кўп тилар эди** (БН, 161). **Тила** лексемаси 1) хоҳиш-истак, 2) орзу-ният, 3) талаб семаларини ўз ичига олади.

Сўнг сўзининг «из», «орқа» маъноларида қўлланиши мазкур лексема семантикасининг кенг имкониятларидан далолат беради: ...**кўчнини сўнгимизча Кобул келтургай** (БН, 182). **Сўнг** лексемаси семантик кўламида 1) кейин; 2) ортидан; 3) навбат; 4) оқибат семалари мавжуд. Ушбу лексеманинг «из», «орқа» маъноларида қўлланишида **кейин** семаси биринчи планга чиқарилган.

¹ Кўрсатилган луғат. 718- бет.

² Кўрсатилган луғат, 654- бет.

Бузуғлуғ сўзи асар тилида «жанг» тушунчасини ифодалаш учун қўлланган: ... **бу бузуғлуғда бегидин айрилиб...** (БН, 156). **Бузуғлуғ**нинг «жанг» маъносини англитишида сўз семантикасидаги қўйидаги жиҳатлар асосий ўрин тутади: 1) бузиш, 2) вайронлик, 3) қўнғилсизлик. **Бузуғлуғ** сўзининг семантик қўлами **жанг** лексемасига нисбатан кенг. **Бузуғлуғда** муаллиф муносабати ҳам ифодаланган: мумтоз адабиётда «вайрона», «хароба», «чолдевор», «синч», «қайғули» маъноларида қўлланган¹.

Кўринадики, «Бобурнома» тилининг ўзига хослигини таъминлашда лексемалар семантик қўламининг ифодаланиши муҳим аҳамият касб этади. Лексема семантикасидаги маъно ранг-баранглигини матнда тўлиқ акс эттириш муаллифнинг сўз қўлаш ва бадий маҳоратига бевосита боғлиқ.

«Бобурнома»да лексема семантик қўламининг бутун қирралари билан акс эттирилганлиги ўзбек тили луғат таркибининг кенг имкониятларга эга эканлигига бадий далил сифатида хизмат қилади. Шу билан бир қаторда лексема семантик қўлами таҳлили сўзнинг маъно тараққиётидаги ўзгаришларни, морфологик қайта бўлиниш каби тил ҳодисаларини изоҳлашда муҳимдир. Ўз навбатида лексема семантик қўламининг бадий (тарихий) асар матнида ифодаланиши тилнинг услубий имкониятларини ёритишга ҳам хизмат қилади.

ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚЎШМА ГАПЛАРДА БОҒЛОВЧИЛАР МАСАЛАСИ

Азимов И. (ТДПУ)

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап компонентларини боғлашда боғловчиларнинг аҳамияти ҳақида анчагина фикрлар айтиб келинмоқда. Лекин икки бош бўлакли қўшма гап сатҳида ёки бир бош бўлакли қўшма гап сатҳида бўлмасин, улар компонентларининг боғловчисиз ҳам ўзаро ҳалоқада бўлиши боғловчиларнинг қўшма гаплардаги роли масаласини қайта кўриб чиқиш муаммосини келтириб чиқаради.

Қадимги туркий тилида ва эски ўзбек тилининг дастлабки тараққиётида қўшма гаплар асосан ҳеч қандай боғловчиларсиз ўзаро бириккан (2, 12). Бунга сабаб у пайтларда ҳали боғловчилар жуда кам бўлганлигидир. Бу ҳақда Ғ.Абдурахмонов шундай ёзади: «Ҳали тенг ва тобе боғловчилар бўлмаган ёки жуда кам бўлган даврларга оид бўлган ўрхун ёзувлари ва XI аср ёдномаларида мураккаб фикр содда гапларни ёнма-ён келтириш ҳамда маълум интонация ва бошқа воситалар орқали ифодаланган» (2, 12). Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзилари ҳозирги замон боғланган қўшма гаплар учун, баъзилари ҳозирги замон

¹ Навоий асарлари луғати. Т., 1972, 133- бет.

эргаш гапли қўшма гаплар учун асос бўлади, айримлари эса, маълум ўзгаришлар билан ҳозир ҳам қўлланади (2, 12).

Демак, илк даврларда боғловчилар қўлланилмаган экан ва шаклий воситаларсиз ҳам содда гаплар ўзаро боғланган экан, кейинги даврларда уларнинг қўшма гап таркибида келиши шаклий равонликни, турли модалликни ифодалаш учун қўлланган дейишга асос бор. Ғ.Абдурахмонов тўғри таъкидлаганидек, боғловчисиз қўшма гапларни ташкил этган қисмлар орасидаги семантик муносабатлар қуйидаги йўллар билан ифодаланган:

- 1) турли интонация, пауза;
- 2) гап бўлаклари ва гапларнинг ўринлашиши;
- 3) айрим гап бўлақларининг (асосан, олмош ва феъл билан ифодаланувчи бўлақларнинг) семантикаси;
- 4) айрим гап бўлақларининг такрори. Бунда олмошларнинг роли каттадир (такрорланган бўлақ гапларни семантик жиҳатдан боғлайди);
- 5) қўшма гап қисмлари орасидаги семантик муносабатни конкретлаштириш учун айрим лексик элементларнинг (*анда, ани, ул фурсатда, ул жиҳатдан*) қўлланиши (2, 13). Бу фикрлар боғловчилар воситасида боғланган қўшма гапларга ҳам тааллуқлидир.

Боғловчиларнинг ўрни муқим эмаслиги ва вазифасининг чегараланганлиги шунда кўринадики, гаплар орасига уларни қўйиш мумкин ёки бу воситалар иштирок этган гаплардан олиб ташлаш ҳам мумкин. Тўғри, боғловчилар гапда иштирок этиб, таъкид, санаш, кучайтириши каби маъноларни ифодалайди, лекин гапнинг асосий мазмунига (диктумга) таъсир кўрсатмайди, улар модус ифодачиси саналиши мумкин.

Бу хусусда А. Бердалиев ва А. Саидниёзовларнинг фикрлари характерлидир: «... гап қурилишида ўз шаклий қобиғи билан иштирок этган айрим элементлар шу гапдаги мазмуннинг тегишли қисмларини ифодалаш учун хизмат қилмайди, яъни маъно қиймагига эга бўлмайди. Ўша шаклий элементнинг гап синтактик қамровида бўлиш ёки бўлмалиги фикр материали учун аҳамиятсиздир. Навоий бир хил вазиятдаги **ва, ҳам** боғловчиларини айна бир ўринда баравар қўллаш билан ана шундай лисоний имкониятни вужудга келтирган. Масалан, **Одами тил била сойир ҳайвондин мумтоз бўлур ва ҳам анинг била сойир инсонға сарафроз бўлур** (Махбубул-қулуб). (5, 79).

Демак, боғловчилар бундай ўринларда гапнинг синтактик планига ҳам, семантик планига ҳам таъсир этмас экан, боғловчилар хусусидаги юқоридаги фикр-мулоҳазалар ўринлидир.

Қўшма гапларни чуқур тадқиқ этган М.Асқарова боғловчи воситалар ҳақида шундай ёзди: «Баъзан ўзбек тилида ҳам эргаштирувчи воситалар, ҳам тенг боғловчилар ёрдамида бириккан қўшма гаплар учрайди. Бу эса қўшма гапнинг ўзига хос варианты мавжуд эканлигидан далолат беради. Мисоллар: 1. *Гоҳ йилт этиб куёш кўринса, гоҳ шивалаб ёмғир қуяди.* 2. Чамаси унинг йўғон гавдаси контузия бўлган *ва*

шунинг учун аъзойи бадани зиркираб оғрир эди. 3. Сен бераҳм бўлсанг ҳам, аммо мен душманлик қилмасман асло» (4, 162-, 163). Асли бундай ҳолларда кўшма гапларнинг алоҳида вариантлари ҳақида эмас, балки боғловчиларнинг мавқеи ҳақида фикр юритиш керак бўлади.

Алишер Навоий насрий асарларидаги кўшма гапларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, боғловчи қатнашган гаплардаги боғловчиларни сунъий равишда олиб қўйиш билан кўшма гапларнинг синтактик плани ўзгармайди, лекин унинг модаллик хусусиятида ўзгариш юз беради, яъни, юқорида таъкидлаганидек, таъкид, кучайтириш, санап каби мазмун англашилади. Мисолларга мурожаат қилайлик:

Ишқ тоғи зулмининг ғамноқларидин бири Фарҳоддур ва девоналик саҳросининг бечораларидин бири Мажнундир (Маҳбул-қулуб). Замон кишилари бевафолиғидин бағримда тиконлар бор ва давр халқи беҳаёлиғидин кўксимда яралар бор (Маҳбул-қулуб).

Мазкур гаплар таркибидаги **ва** боғловчисини гап таркибидан чиқариб ташлаш мумкин, бунда гапнинг синтактик планида ҳам, семантик планида ҳам ўзгариш бўлмайди. Қиёсланг: Ишқ ўти зулмининг ғамноқларидин бири Фарҳоддир, девоналик саҳросининг бечораларидин бири Мажнундир.

Боғловчисиз кўшма гаплар таркибига, аксинча, боғловчини қиритиб ҳам қўллаш мумкин. Масалан. Карам ва мурувват ота-онадирлар, муҳаббат билан ҳаё буларнинг икки эгизак фарзандларидир (Маҳбул-қулуб). Карам ва мурувват ота-онадирлар **ва** муҳаббат билан ҳаё буларнинг икки эгизак фарзандларидир.

Шундай қилиб, ўзбек тили кўшма гап синтаксисидида боғловчиларнинг функцияси кўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаш эмас, балки унинг модус мазмунини кенгайтиришидир.

Фойдаланилган адабиёт

1. Абдураҳмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Т., Ўқитувчи, 1996.
2. Абдураҳмонов Ф. Тарихий синтаксис. Т., Фан, 1974.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Т., Ўқитувчи. 1995.
4. Ғулломов А., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., Ўқитувчи, 1987.
5. Бердиалиев А., Саидниёзов А. Навоий асарлари тилида синтактик-семантик номуносивликнинг бир кўриниши ҳақида. // Ўзбек тили тараққиёти муаммолари. Т., 1992, 76 — 81-бетлар.

УВАЙСИЙ ШЕЪРИЯТИДА САМОВИЙ ТИМСОЛЛАР

Эгамова Ш. (ТВДПИ)

Увайсий санъаткор шоира сифатида ўзига хос анъанавий ишқий ғазаллар ижод қилиш билан бирга, у феодал зулм ҳукмрон бўлган замонда аёл қалбининг энг нозик ва туғён, ички дард-алами, сабр ва матонатли лаҳзаларини куйлади. Шоира ҳар бир сўзини танлаб, маҳорат билан қўллаб Алишер Навоийдек сўз санъаткорлари ижодидан илҳомланди.

Жаҳон отин Увайсий замона кулфатларидан, фалакнинг марҳаматсизлигидан, рақиблар жабридан қалбини изтиробига солган, кўнглига жароҳат етказган воқеий ҳолатларни самовий тимсоллар асосида реал тасвирлашда **гумбаз, қуёш, кавокиб, арз, само, фақр боргоҳи** (қабулхона, қабул этиладиган жой), **жаҳон, кеча-кундуз, олам, моҳи тобон** каби сўз-атамаларидан фойдаланган¹.

Қуёш — шоира ғазалларида бадий тимсол сифатида қўлланиш кўлами жиҳатидан бошқа самовий тимсоллар даражасида мурожаат қилмаган бўлса-да, шарқ шеърияти анъаналарига содиқ қолиб, инсоннинг рухий-маънавий олами тасвирига урғу беришда, инсонни само билан яқинлаштиришда бу бадий тимсолдан реал исм (қизи исми) сифатида ҳам тасвирий восита тарзида ижодий фойдаланган. Шоира **қуёш** сўзини аслида қизи исми сифатида қўллаб, ўз ижодида бу сўз-исмнинг бош лугавий ва мажозий маъноларини эътиборга олиб, **қуёш, нур, шамол, кўрк, гўзал маъшуқа, иссиқлик, ҳарорат, юксак, порлоқ, улуғ, нафис, тиниқ** каби ишораларда аёл қалби ҳиссиётларини қиёслаб бўлмас зоҳирий ва ботиний маъноларда тасвирлаган.

Маълумки, Увайсий жуда оғир ва қашшоқ ҳаёт кечирган, ҳатто кундалик ночор турмушида фарзандларини дуруст кийинтира олмаган ҳам:

Кўйлак-ла рўмол дебон Қуёшим,
Они йиғисига қотти бошим. •
Вайсийни сўзига қилма шак,
Ўғлимга тўн-у, қизимга мирсақ².

Ушбу байтда **Қуёш** сўзи ном, атоқли от, ягона қизи исми сифатида қўлланиб, унга рўмол ва кўйлак олиб беролмаган шоиранинг Умархон саройида хизматда бўлган, ундан илтифот кутган, ёрдам сўраган пайтдаги мурожаати содда тилда тасвирланган.

¹ Коинот илми атамаларининг эски туркий ёзма ёдгорликларда қўлланилиши хусусида қаранг: Х.А.Далабаев. *Астрономические наименования в старотюркских письменных памятниках XI-XIV вв. // Историко-лингвистический анализ лексики старописьменных памятников. Т., «Фан», 1994, 32-43.*

² Иброҳимова З. Шоира Увайсий биографияси тўғрисида янги маълумотлар. ЎТА масалалари, 1960, № 2, 68-бет.

Шоира ижодий маҳсулининг аксарияти автобиографик характерда ёзилган, унинг ички дард галаёнлари, сабр ва матонат каби бадний тасвирлари Вайсий таржимаи ҳолининг бир деталидир:

Зарра изҳор этма, эй Вайсий, қуёшнинг нуридин
Тоб эта олмай Араб бирла Ажам қўзғолмасун.

Ушбу мисрада **қуёш** сўзини мажозан ишлатиб, чархнинг бедолигидан, давр ва ҳаётнинг нобошлгидан, тақдири азалнинг шафқатсизлигидан изтироб чекса-да, у аёллик жасорати, сиймосидаги юксак, порлоқ, бутун борлиқ — Араб ва Ажам исён кўтарса ҳам қарши чиқолмайди, енголмайди — деган муболағали тасвири бадний ифодалаган.

Шоира самовий жисмлардан Ой ва унинг турли шаклларда кўриниши воситасида бошқа ижодкорлар каби асосий образ сифатида маъшуқанинг тенгсиз қиёфасини тасвирлайди. Сўз санъаткори бу сўзни ой, нур, ёруғлик, порлоқ, гўзаллик, меҳр-шафқат, маҳбуба каби маъноларда қўллаган. Шоиранинг ягона ўғли Муҳаммаджон Қашқарга ҳарбий аскар сифатида мажбурий юборилгандан кейин унинг соғинчи шоира қалбида алам, изтироб уйғотади:

Қоронғу бўлди олам ушбу жудолиғдин,
Қўзу кўнглум зиёси моҳи тобонимни соғиндим¹.

Ушбу байтда моҳи тобон - тобланувчи, ёрқин ой маъноларидаги сўз бирикмасини шоира ўзига ҳос янги талқинда ўхшатиш ҳосил қилиб, ўғли Муҳаммадхон - кўзимнинг нури, кўнглимнинг равшани, ёрқин ойим тарзида яккаю-ягона фарзандини она соғинчи нидоси сифатида тасвирлаган².

Самовий жисм ҳисобланмиш **кавокиб** (юлдузлар) сўзини чиройли ўхшатиш қилиб, шоира ўз дард-аламларини қуйидагича тасвирлайди:

Кечалар фиғонимдин тинмади кавокиблар,
Арз то само узра можаро Увайсийман³.

Шоира, кечалар қилган оҳ-фиғоним билан ҳатто юлдузларни ҳам нотинч этган, еру осмон оралиғида барча ғавғо-жанжалларга сабабчи бўлган Увайсийман деб, кавокиб (юлдузлар), арз (ер юзи), само (осмон) каби рамзий-мажозий маънолар юклаб ўқувчига реал тупгунча бериш билан бирга, аёл қалби ва қисмати, хусусан шоиранинг шахсий ҳистуйғулари хусусида кишида кенг мушоҳада юритиш билан муҳим аҳамият касб этади.

Шоиранинг бадний маҳорат сирларини нозиклик билан ҳис этиши, аёл қалбидаги санъаткорона дид ва тасвир услуби форсча самовий атама **гумбаз** сўзидан фойдаланишида яққол намоён бўлган:

¹ Юқоридаги мақоладан.

² Қаранг: Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. Т., 1953, 191- бет.

³ Увайсий. Девон. Т., 1959, 230- бет.

Ул на гумбаздур, эшиги, туйнугидин йўк нишон,
Неча гулгунпўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдируб гумбазни, қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзларига парда тортиғлик юрарлар бағри қон.

Шоира ушбу тўртликда ўзбек тили лексикасининг ўз ва ўзлашган қатламга оид сўзлардан ўринли фойдаланган. Қўлланган сўзларнинг асосий қисми она тилимиздан мустақкам ўрин олган, ўз қатламга оид соф ўзбекча сўзлар ташкил этади: ул, на, эшик, туйнук, йўк, неча, қизлар, айлабдур, синдируб, олсам, юзларида, тортиғлик, турар, бағир, қон кабилар; ўзлашган қатламга оид форсча сўзлардан: гумбаз, гулгунпўш, парда сўзлари; арабча сўзлардан: нишон, манзил, ҳол, хабар сўзлари ишлатилган.

Араб, форс тилларининг билимдони Увайсий ўз она тилида 7000 байтдан иборат лирик шеърлар яратиб, ўз даври адабий тилини бойитишга муносиб ҳисса қўшган.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ АЙРИМ СЎЗЛАРНИНГ ШЕВАЛАРДАГИ ИНЪИКОСИ

Шоимова Н. (ТАИ)

Буюк аллома Алишер Навоий туркий тилда жаҳонга машхур асарларни яратар экан, шу тилининг лексик бойлигидан моҳирона фойдалана олган. Унинг асарларида қўлланган сўзларнинг кўпчилиги ҳозирги адабий тилимизда ҳам кенг миқёсда ишлатиб келинмоқда, айрим сўзлар эса баъзи шева ва лаҳжаларда сақланиб келаётир. Буни Қашқадарё воҳасида истиқомат қилувчи «же»ловчи қипчоқ шева вакиллари нутқида яққол кўриш мумкин. Масалан, *Жўй ҳашарига ҳамма борishi керак* (Яккабоғ-Бешқўтон). Мисолдаги **жўй** лексемаси «ариқ» маъносида ишлатилади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асарида ҳам аини шу маънода қўлланган:

Магар Ширинга бўлди орзуйи,
Чиқармоқ хора ичра тўрфа жўйи.

Шева вакиллари нутқидан ёзиб олинган шундай бир жумлага ҳам эътибор берайлик: *Ҳамсиянинг қизи Камалдинан кув гаплашата, шу дейман, ангал бун қоганга ўхшайти*. Алишер Навоийда:

Муяссардур, Навоий, ёр васле топсанг,
Ки, яъни бўлмаса, ул хилват ичра ўзлукунг ангал¹.

Иккала матидаги **ангал** сўзи «ошиқ бўлиш, ёқтириб қолиш, севиш» маъносида ишлатилганини пайқаш қийин эмас. Бироқ бу сўз бошқа шевалар луғатида ҳам, ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам ўз

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I. Тошкент, Фан. 1983, 93- бет.

ифодасини топмаган. Бу мисолда сўз маъносининг ўзгарганлигини қайд этмоқчимиз.

Желак//жевак. Йўл-йўл матодан тикилган паранжининг бир тури (узун эмас, белдан пастга қараб бир озгина узунроқ, гирди кашга қилиб тикилган аёллар бош кийими). **Энам момамга чирайли желак тикип берди. Момам аялларга каштали жавак бичип ўзи яна тикип беради.** Алишер Навоийда:

Жавак атлас айлаб ўзига либос
Кийиб бўрк ўрнида бошига тос¹.

Зулфиқор лексемаси Алишер Навоийда «Муҳаммаднинг куёви бўлмиш тўртинчи халифа Алининг афсонавий қиличи» маъносида қўлланган:

Ҳалоки нафс вали нутқи билки, риштаи куфр,
Кесар ишига Али зулфиқоридур микроз².

Шевада мазкур сўз **зулпиқор** шаклида «дарахтларнинг шох-шаббасини кесадиган узун дастали асбоб, яъни дасткала» маъносида ишлатилади: **Қурт боққанда пақат зулпиқардан пойдаланамиз, у туттинг шохини йахшилап кесади** (яъни ўтқир, катта, узун пичоқ).

Мувасо лексемаси Алишер Навоийда «мурасага келиш, келишиш» маъносида ишлатилган:

Бор ишорат ангаким рифқу мувосодур иши,
Хар муҳолиф эл ила фақрға топқан тавфиқ³.

Шевада бу сўздан ясалган феъл мавжуд: **Домляям отасиминан мувасалаша бошлади.**

Бундай мисоллар улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий қаламига мансуб қатор лексемалар ҳозир ҳам шеваларда яшаб келаётганлигидан далолат беради. Бу каби луғавий бириклар она тилимизнинг барча шеваларида мавжуд.

¹ Шу асар, 555-бет.

² Шу асар, 521-бет.

³ Шу асар. П. Т., Фан, 331-бет.

ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК

А.Н. САМОЙЛОВИЧ ВА БИРИНЧИ ТУРКИЙШУНОСЛАР ҚУРУЛТОЙИНИНГ ЧАҚИРИЛИШИ

Худойбердиев Ж. (ЎЗМУ)

1926 йилда Бокуда Биринчи Туркийшунослар қурултойи бўлиб ўтди. Туркий халқлар тарихи, этнографияси, тили ва адабиёти масалалари муҳокама қилинган ушбу қурултой материаллари (24) турлича нуқтайи назардан таҳлил қилинди. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги матбуот қурултой туркий халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеа бўлганлигини узлуксиз равишда тарғиб этди (26-334-342). Хориждаги тадқиқотларда ушбу тадбир туркий халқларни большевистик мафкура асосида шакллантиришга қаратилган муҳим бир босқич эканлиги қайд қилинди (37, 38, 39). Йигирманчи асрнинг ўттизинчи ва ундан кейинги йилларида шу мақсаддаги ҳаракатлар изчиллик билан олиб борилганлиги кўплаб хорижий адабиётларда акс этди (1, 37, 40, 41, 48).

Бундай қарама-қарши фикрларга сабаб бўлган ўша давр манбаларини қайта кўриб чиқиш туркийшунослик билан шуғулланадиган олимлар, мутахассислар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Қурултой материалларини таҳлил қилишдан олдин анжуманни чақириш тўғрисидаги фикр қачон ва қай мақсадда пайдо бўлди, деган саволни аниқлаштириш керакка ўхшайди. Чунки ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотларда бу ҳақда маълумот йўқ. Рус тилшунослигида ҳам бир-бирига мос келмайдиган қарашлар мавжуд.

Ф.Д.Ашнин туркийшунослар қурултойи чақиришни А.Н.Самойлович 1922 йилда илгари сурган деб ҳисоблайди (12-24-25). А.Н.Самойловичнинг Петербургдан москвалик туркийшунос олим В.А. Гордлевскийга ёзган хатлари эса анжуманни ўтказиш фикри анча олдинроқ туғилганини кўрсатмоқда. Унинг 1913 йил 29 августда ёзган хатида шундай жумлалар бор: «В середине сентября жду в гости J.Делу из Парижа, который приготовил недурную османскую грамматику. Было очень приятно, что в среди османистов начинают появляться туркологии. Вам бы тоже было хорошо прикатить в Питер, устроили бы репетицию конгресса тюркологов, о конгрессе я мечтаю... идея которого встречается сочувствие на Западе» (13-88).

Француз туркийшуноси Ж.Дени Петербургга келганидан кейин А.Н.Самойловичнинг туркийшунослар съездини ўтказиш тўғрисидаги фикри бир қадар ўзгарган. У В.А.Гордлевскийга ёзган кейинги хатида (1913 йил, 7 октябрь) съезд хусусидаги фикри ҳозирчалик ярим ҳазил эканлигини алоҳида таъкидлайди: «Моя мысль о съезде тюркологов, можно сказать, пока полу-шутка» (13-88).

А.Н.Баскаковнинг фикрича, туркийшунослар съездини ўтказишга I жаҳон уруши халақит берган (13-88).

А.Н.Самойловичнинг Россиядаги туркийшуносларни бирлаштириш, улар олиб борадиган тадқиқотлар йўналишларини мувофиқлашти-

риш хусусидаги ҳаракатлари 1915 йилда бошқа бир шаклда давом этган. 12 сентябрда таниқли туркийшунос олим В.В.Радловнинг хонадонида Олтойшунослар тўғараги тузилган. Бу ҳақда А.Н.Самойлович В.А.Гордлевскийга шундай хабар беради: «Давнишняя моя идея объединить русских тюркологов начинается, по-видимому, осуществляться: по моей инициативе 12 сентября основан на квартире Радлова частный кружок «алтаистов» (турецко-монгольско-маньчжурский); его задачи: объединение научной работы, установление планомерности, подведение итогов, выработка программ, коллективная разработка вопросов, превышающих единичные силы. Были: Радлов, Котвич, Руднев, Штернберг, Владимирцов и я» (13-88). Тўгаракнинг учинчи йигинидан В.В.Бартольд ҳам иштирок этган. В.В.Радлов вафотидан кейин (1918) тўгарак Радлов тўғараги деб номланган ва уни В.В.Бартольд бошқарган. 1930 йилга қадар фаолият кўрсатган (19-6) ушбу тўгаракнинг йигинларида кўпроқ туркий тилларга оид масалалар муҳокама қилинган (28-509).

Шуни таъкидлаш жоизки, XX аср бошларида, айниқса, 20- йилларда туркий тилларда ёзув тилини жонли тилларга яқинлаштириш, бу жараёнда қардош тиллардаги муштаракликни сақлаш, араб алифбосига асосланган ёзувни ислоҳ қилиш ёки бошқа алифбо билан алмаштириш сингари масалалар устида қизгин баҳслар бўлаётган эди. Татаристонда (20-126-139), Қозоғистонда (18-66-74) араб алифбоси ислоҳ қилиниб, мактаб ва матбаа ишларига жорий қилинди. Бу даврда Ўзбекистонда ҳам қатор анжуманлар ўтказилди (2, 4, 5, 6, 88-97). 1923 йилдан араб алифбосига асосланган ўзбек ёзуви ислоҳ қилиниб амалда қўллана бошланди (3). Натижада, Татаристон, Қозоғистон ва Ўзбекистон зиёлиларининг кўпчилиги ислоҳ қилинган алифбо тарафдори бўлиб чиқдилар (6, 18, 20, 29-389, 45).

Озарбайжонда эса 1922 йилдан лотин ёзувита ўтиш ҳаракати кучайди. Лотин алифбосини жорий қилиш мақсадида лотин ёзувида «Jeni jol» номли газета чиқарилди. Газетанинг I- сонида 34 ҳарф ва бир тугук белгисидан иборат «Янги турк алифбоси» эълон қилинди (36). 1923 йилдан лотин алифбоси давлат ёзуви деб белгиланди (14).

Туркий халқлар маданий ҳаётида кечаётган бундай ўзгаришлар ўз мафкуравий тамойилларини шакллантираётган янги ҳокимиятнинг тил сиёсати учун қулай вазият эди. Шу мақсадда туркий алифболар тўғрисидаги баҳсларда бир неча марта рус ёзувининг афзалликлари хусусида фикр билдиришди. Масаланинг бу шаклда, яъни мавҳумроқ тарзда қўйилишига сабаб Чор Россияси даврида олтой (33-37-41), ёқут (22-208-214), чуваш (23-92-96), черкес, кабардин, абхаз, қорачой-балқор (34-97-106), шор (17-202-207), хакас (35-183-188) сингари кам сонли аҳолини христианлаштириш мақсадида рус алифбоси жорий қилинган эди. Ильминский ва унинг маслакдошлари XIX аср охири ва XX аср бошларида бундай ҳаракатни янада кучайтиришди (7, 8, 11, 46). 1907 йилда Россиядаги туркий халқларни рус ёзувига ўтказиш тўғрисида подшонинг махсус фармони чиқди (10-34). Россиядаги ғайрирус

миллатлар тилларининг қўлланиш доирасини чеклаш сиёсат даражасига кўтарилиди. Ушбу масала Россия Давлат Думасининг бир неча йиғинларида муҳокама қилинган бўлса-да, маҳаллий тиллар мавқеини кўтариш борасида ҳеч қандай амалий иш қилилмади. Большевиклар ҳокимияти ҳукронлигининг дастлабки йиллариданоқ Чор Россияси давридаги тил сиёсати давом эттирилди. Шу боисдан туркий халқларга тўғридан-тўғри рус алифбосига ўтишни тавсия қилиб бўлмасди. Рус ёзувининг афзалликлари тўғрисидаги ўртага тақланган фикрлар эса омма қайфиятини билиш мақсадида эҳтиёткорлик билан тутилган сиёсат эди. Бу ҳам ўз давридаёқ кескин қаршиликка учради. Шундан кейингина озарбайжонли маҳаллий зиёлилар томонидан илгари сурилаётган лотин ёзувига ўтиш хусусидаги таклифлар давлат миқёсида қўллаб-қувватланди. Жойлардаги мунозараларда фаол қатнашиш, ташвиқот-тарғибот ишларини лотин алифбоси фойдасига ҳал этиш учун ўз даврининг етакчи олимлари жалб этилди. Булар орасида машҳур туркийшунос А.Н.Самойлович ҳам бор эди (48-524-527).

У 1923 йилнинг кузида Боку университети ва олий педогогика институтига маъруза ўқиш, Озарбайжон МИК раиси Оғамли раҳбарлигида тузилган «Янги турк алифбоси комитети» аъзолари, улар олиб бораётган ишлар билан яқиндан танишиш учун Озарбайжонга боради (12-25).

Шу йилиёқ озарбайжон тилида туркий тиллар учун лотин алифбосини жорий қилиш мақсадга мувофиқ, мазкур масалани муҳокама қилиш учун туркийшунослар қурултойи чақириш лозим, деган мазмунда мақола чоп эттирди (27-119-120). Шу мазмундаги мақолани кейинроқ рус тилида ҳам нашр қилдириб, Озарбайжонда олиб борилаётган ишларга тўхталиди (29-388-391). Олим туркийшунослар қурултойини чақириш ҳақида шундай ёзади: «И применение латинского алфавита к турецким языкам, по моему, также должно подвергнуться обсуждению, если не на «международном», то «междутурецком» съезде - «курултае... Якутский и азербайджанский опыты могли бы послужить весьма полезным материалом для такого съезда» (29-390). Қурултойни чақиришдан мақсад-фақат туркий халқлар ёзувини ўзгартиришдан иборат эмасди. Туркийлар учун янги адабий тилларни яратиш ҳам мўлжалланаётган эди: «Мало того, если новый алфавит разрешает вопрос о новом правописании, то он не может одновременно разрешить и весьма трудного и сложного вопроса о новом литературном языке, который требует особого рассмотрения» (29-392).

А.Н. Самойлович Озарбайжондаги вазиат билан яхши танишиб Петербургда қайтиб келганидан кейин 1924 йил 24 мартда Жонли шарқ тиллари институтига, туркийшунослар қурултойини чақириш зарурлиги, унда кўриладиган масалалар тўғрисида маъруза қилган (12-25, 32). Радлов тўғрагининг йиғинларида эса петербурглик туркийшунос ва тилшуносларни туркий алифболар ҳақидаги баҳслар, тузилган алифбо лойиҳалари билан таништириб борган (12-25, 28-509). Бу даврда туркийшунослик қурултойини Петербургда, Москвада ўтказишга ҳара-

катлар бўлган. Бироқ бу мўлжаллар амалга ошмаганлигидан кейин А.Н.Самойлович 1924 йилда сентябрь ойида Озарбайжон ўлкашунослик курултойида қатнашиш учун Бокуга боради ва шу анжуманда собиқ иттифок микёсида туркийшунослар курултойини чақириш тўғрисида Қарор қабул қилдиртиради (30-519-520, 31-442-444). Шундан кейин курултойни ўтказиш тўғрисидаги ҳаракатлар кучайди, ташкилий кўмита тузилиб, унга А.Н.Самойлович ҳам киритилди (15). 1926 йилнинг 26 февраль- 5 март кунлари Бокуда Биринчи туркийшунослар курултойи ўтказилди (24).

Адабиётлар:

1. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлингани бўри ер. Тошкент, 1997.
2. Маориф ва маданият ходимларининг иккинчи ўлка курултойи. Ҳарф-имло масаласи. «Қизил байроқ», Тошкент, 1922, 26 апрель.
3. Туркистон жумҳурияти маориф комиссарлигининг Туркистон ўзбекларининг имлолари тўғрисидаги берган буйруғи. Тошкент, 1923.
4. «Туркистон», Тошкент, 1923, 31 октябрь.
5. Тил ва имло курултойи. «Қизил байроқ», Тошкент, 1921, 27 январь.
6. Худойбердиев Ж. Ўзбек ёзуви тарихидан (Араб алифбоси ва унинг ислоҳи). Миллий мустақиллик. Тил ва адабиёт масалалари, Тошкент, 1996.
7. Худойбердиев Ж. Тилқаланишдан тикланишга. «Миллий тикланиш», Тошкент, 1996, 26 май.
8. Худойбердиев Ж. Турк дунёси ва Ильминский. «Миллий тикланиш», Тошкент, 1998, 31 декабрь.
9. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг тараққиёти ва ёзув масаласи. Тошкент, 1979.
10. Валиев Рамзи. Фажиға. Казан, 1996.
11. Каримулин Аббар. Тел - миллатнен сакчыси. Казан, 1997.
12. Ашнин Ф.А. Александр Николаевич Самойлович. В кн.: Тюркологический сборник 1974, Москва, 1976.
13. Баскаков Н.А., Самойлович А.Н. в письмах к В.А.Гордлевскому. СТ. Баку, 1973, №5.
14. «Бакинский рабочий», Баку, 1923, 26 июл.
15. Биштенг орг. комиссия по созыву 1-го Всесоюзного тюркологического съезда. Баку, 1926.
16. Вырдин Андрей. Фитрат, Поливанов, Сталин и другие. «Звезда Востока», Ташкент, 1994, №5-6.
17. Донидзе И.И. Шорский алфавит. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков в СССР. Москва, 1972.
18. Кенисбаев С.К., Мусабаев Г.Г., Неталиева Х. Об алфавите казахского языка. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков в СССР. Москва, 1972.
19. Кононов А.Н. Тюркская филология в СССР 1917-1967. Москва, 1968.
20. Курбатов Х. Алфавит татарского языка. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972.
21. Мусаев К.М. Алфавиты языков народов СССР. Москва, 1965.
22. Петров Н.Е. Алфавит якутского языка. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972.

23. Петров Н.П. Чувашский язык. У совершенствование алфавита и орфографии... В кн.: в совершенствования алфавитов и орфографии языков народов СССР. Москва, 1982.
24. Первый Всесоюзный тюркологический съезд. 26 февраля - 5 марта 1926 г. Баку. 1926.
25. Подивацов Е.Д. Проблема латинского шрифта в турецких письменностях. Москва, 1923.
26. С.В. Первый Всесоюзный тюркологический съезд. НВ. Москва, 1926, №12.
27. Самойлович А.Н. Туркүлүжи куруттойи лозимдир. «Маориф ва маданият», Баку, 1923, №10.
28. Самойлович А.Н. Востоковедение в Ленинграде. НВ. Москва, 1924. №6.
29. Самойлович А.Н. Новый турецкий алфавит (Письмо из Азербайджана), НВ. Москва, 1924, №5.
30. Самойлович А.Н. Первый Азербайджанский съезд краеведения. НВ. Москва, 1924, №6.
31. Самойлович А.Н. Первый Всеазербайджанский съезд краеведения. Краеведения, Москва, 1924, т.1, №4.
32. Самойлович А.Н. Ma guza. Jeni yol. Baqu. 1924, 6 ijun.
33. Суразакова Н.Н., Тыбыкова А.Т., Чумакаева М.И. Алтайский язык. К вопросу об усовершенствовании письменности. В кн.: Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР. Москва, 1982.
34. Хабичев М.А. Языки народов Карачаева-Черкеской АО. Алфавиты и орфографии языков народов Карачаево-Черкеской АО. В кн.: Опыт совершенствования алфавитов и орфографий языков народов СССР, Москва, 1982.
35. Чанков Д.И. Создание и усовершенствование хакасского алфавита. В кн.: Вопросы совершенствования алфавитов тюркских языков СССР. Москва, 1972.
36. Jeni yol, Baqu. 1922, 21 sentjabr. №1.
37. Arnold J. Toynbee, The Adoption of the Latin in place of Arabic Alphabet in Turkey and in the Turkish States members of the U.S.S.R. (1918-28). Surey of international Affairs. 1928. London: 1929.
38. Bacon E.E. Central Asians Under Russian Rule, New York, 1966.
39. Castagne Joseph, Le Congres de Turkologie de Bokou, en Mars 1926. Revue de Monde Musulman, LXIII, ler trimestre. 1926, Paris, 1926.
40. Castagne J. Latinisation de l'Alphabet Turk dans les Republiques Turko-Tatares de i' U.R. S.S., Revue des Etudes Islamiques. 1927, Cahier III, Paris, 1927.
41. Henze, Paul B. Politics and Alphabets in Inner Asia. Royal Central Asian Journal, XLIII. 1956. 29-51.
42. Henze, Paul B. Alphabet Changes in Soviet Central Asia and Communist China. Royal Central Asian Journal, XLIV, 1957. 124-136.
43. Bilal N. Şimşir. Azerbaycan'da Türk Alfabeti tarihçe. Ankara. 1991.
44. Bilal N. Şimşir. Türk Yazı Devrimi. Ankara. 1992.
45. Musabay V. Idil-Ural Türkleri dil ve yazılarının Sovyetleştirilmesi ve Rislaştirilmesi. Dergi, 1959, № 15.
46. Hudaýberdiyev C. Özbekçede ses uyumunun yok edilişi. Türk dünyasi dil ve edebiyat dergisi. Ankara. 1998, № 5. 433-443 s.
47. Hudaýberdiyev C. Fitrat va latin yozuvi. Türk lehçeleri, Ankara, 1997, № 15.
48. Zeki Velidi Togan. Hatıralar. Ankara. 1999. 524-527.

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА СЎЗЛАР ЯСАЛИШИНING БАЪЗИ БИР ХУСУСИЯТЛАРИ

Умаров А., Каримова Н. (ЎзДЖТУ)

Бугунги кунда хорижий тилларни билиш бутун дунё давлатлари билан эркин ва дадил тиллашаётган мустақил Ўзбекистон учун муҳимдир. Мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсатда хорижий тилларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тил шундай бир мураккаб системадирки, унда сўзлар тарихий тараққиёт натижасида турли хил ўзгаришларга (маъنونинг кенгайиши, торайиши, кўчма маънода келиши, фонетик, морфологик ва бошқа ўзгаришларга) учрайди.

Қўшма сўз ҳақида фикр юритганимизда унинг ясалиши, тип ва моделларини белгиласан қўшма сўзнинг баъзи бир хусусиятларини аниқлаб бўлмайди. Бинобарин, деярли барча тилларда дастлаб композицион усулда сўз ясалгани маълум. Бошқа сўз ясаш усуллари маҳсулдорлиги ва тараққиёт даражасига кўра ҳар бир тилда турлича бўлган.

Маълумки ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти бўлади, ҳар бир тил ўзига хос қонун-қоидаларга эга, булар тилларни қиёслаб ўрганганда кўпроқ намоён бўлади. Уларнинг ички имкониятлари, нозик томонлари ҳам шунда кўринади. Бир-бирига қардош бўлмаган икки тилда, яъни ўзбек ва француз тилларида қўшма сўзлар таркиб жиҳатдан ғоят мураккаб ва ранг-барангдир. Қўшма сўзлар таркибига эътибор бериб қарасак, уларнинг турли туркум сўзларидан ҳосил бўлганлиги кўзга яққол ташланиб туради. Таркиби қандай туркум сўзларидан ташкил топганлигига қараб қўшма сўзларни бир неча типларга ажратиш мумкин.

Биз қуйида бу икки тилда қўшма сўзлар таркибини сўз туркумлари бўйича алоҳида-алоҳида кўриб ўтамиз.

1.	От — от	1.	N — N
	Асалари, арпабодийён, илон-чирмовик, лайлактумшук		Wagon ^o -lit, chou-fleur, oiseau-mouche, hache-viande
2.	Сифат — от	2.	Adj. — N
	Аччиқтош, олапўчок, кўкйўтал, оққуш		Gentilehomme, belle-fille, grand-mère, rouge-gorge
3.	Сон — от	3.	Nom dunomb — N
	Бешкокил, тўрткўз, бешбармок, бешқарсак		Monopole, demi-lune, demi-jour, monotone
4.	Феъл — от	4.	V — N
	Очилқамиш, қайнаҳумча, уртўкмок		Garge-robe, cache-nez, essuie-main, porte-drapeau
5.	Феъл — феъл	5.	V — V
	Солди-пишди, чакма-чақар, Тониболди, олибсотар		Laisse-passer, garde-manger, passe-passe, pèle-mêle

Кўшма сўзлар маълум зарурият асосидагина вужудга келади, чунки тилда предмет, воқеа ва ходисалар доим бир сўз билан ифодаланавермайди. Кўп вақт уларни ифодалаш учун икки ёки ундан ортик ўзаро бириккан сўзлардан фойдаланилади.

Масалан: ўхшатиш йўли билан **айиқ** ва **товон** сўзлари орқали маълум бир тушунчани билдириш мумкин топилиб, бу икки сўздан ўша ўсимлик маъносини билдирувчи сўз **айиқтовон** кўшма сўзи тузилган.

Кейинги пайтларда кўшма сўзлар яшашнинг янги усуллари ҳам пайдо бўлмоқда. Бунда сўзларнинг у ёки бу қисми олиниб, уларни кўшиш орқали янги сўзлар ҳосил қилинади.

Масалан: **moteur + hotel = motel**.

Тўғри, кўшма сўзларнинг яшалиш моделлари, уларнинг синтактик хусусиятларига бағишланган илмий ишлар мавжуд. Бироқ бу тил ходисаси француз ва ўзбек тилларида қиёсий ўрганилмаган. Француз ва ўзбек тилларида кўшма сўзларнинг семантик-синтактик структураларини қиёсан ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

ЎЗБЕК ВА ТУРК ТИЛЛАРИДА ПАЙТ ҲОЛИНИНГ ИФОДА МАТЕРИАЛЛАРИ

Худойберганова З. (ТДШИ)

Маълумки, ўзбек ва турк тилларининг морфологик табиатини таққослаб таҳлилу тадқиқдан ўтказишга бағишланган қатор тадқиқотлар, мақолалар мавжуд. Аммо ушбу тилларнинг синтаксисини қиёсий аспектда ўрганиш масалалари диққатдан четда қолган. Шу боис ўзбек ва турк тилларидаги пайт ҳолининг специфик белгиларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб ўзбек тилида ҳолнинг олти ёхуд саккиз тури мавжудлиги эътироф этилмоқда¹. Булар равиш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, микдор-даража ҳоли, хусусан, шарт ва тўсиқсизлик ҳоллари. Ўзбек тилида ҳаракат-ҳолатнинг белгисини аниқлаштирувчи гап бўлаги билан махсус шуғулланган Ф.Убаева ўзбек тилидаги ҳолни семантик-синтактик структураси нуқтайи назаридан ўн уч гуруҳга таснифлайди. Бунда, кўшимча тарзда, ўхшатиш, биргалик-ёлғизлик, тартиб, натижа, инкор ҳолларини фарқлашни тақлиф этади².

Турк тилида, қайд этиб ўтиш зарурки, барча иккинчи даражали гап бўлақлари тўлдирувчи деб номланади. Мазмунан ва шаклан ўзбек тилидаги ҳолга мувофиқ келувчи гап бўлақлари равиш тўлдирувчиси номи билан берилади. Равиш тўлдирувчиси(ҳол)нинг маъносига кўра беш тури тилга олинади: пайт тўлдирувчиси, ўрин тўлдирувчиси, ва-

¹ Убаева Ф. Ҳол категорияси. Т.: Фан, 1971, 3- 6. Асқарова М., Абдурахмонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., Фан, 1986, 118- б.

² Убаева Ф. Ҳол категорияси, 20- б.

зият тўлдирувчиси, микдор тўлдирувчиси, сўроқ тўлдирувчиси¹. Демак, солиштирилаётган ҳар икки тилда ҳам иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини билдирувчи гап бўлаги - пайт холи ажратилади.

Ўзбек ва турк тилларидаги пайт ҳолининг таърифи асосан муштарак бўлса-да, айрим ўзгачалик бор. Ўзбек тилида умуман иш-ҳаракатнинг юзга чиқиш замонини ифодаловчи гап бўлаклари пайт холи ҳисобланса, турк тилида фақат кесим маъносини вақт тушунчаси билан аниқлашгирувчи гап бўлаги пайт ҳолидир. Бу ўринда турк тилидаги қоидада айрим нуқсон мавжудлиги кўринади, чунки пайт тушунчасини англлатувчи гап бўлаклари ҳар доим ҳам кесимга боғланиб келиши, унга тобе бўлиши шарт эмас. Фезълнинг функционал шакллари бошқа гап бўлаклари вазифасини бажарганида ҳам айни ҳаракатнинг бажарилиш вақтини билдирган сўзлар унга тобе бўлиши мумкин.

Ўзбек ва турк тилларида пайт ҳолининг ифода материаллари ўртасида умумийлик кучли. Масалан, қиёсланаётган тилларда биринчи навбатда пайт равишлари пайт холи бўлиб келади: Бугун Шерзоднинг палатасидаги семиз беморга жавоб тегди (Ў.Х.). Onumuzden şimdi tramvay geçiyor (К.Н.К.). (Ҳозир олдимиздан трамвай ўтаётти). Хусусан, замон тушунчасини ташувчи отлар пайт холи вазифасини бажаради: Тонгда қайтсам керак. Akşam vakayı anneme anlattım (A.R.) (Оқшом воқеани онамга сўзлаб бердим).

Турк тилида синтактик, морфологик ҳодисаларга муносабатнинг ўзбек тилидан анчагина фарқли экани айнан шу ўринда ҳам намоён бўлади. Масалан, турк тилида сўз бирикмаси ажралмас конструкция ҳисобланади, шу сабабли у ҳар доим гапда бир гап бўлаги вазифасини бажариши эътироф этилади². Бунда сўз бирикмасининг икки тури — от ва сифат бирикма тафовутланади. Ўзбек тилидан фарқли ўлароқ турк тилида сўз бирикмасини гуруҳлашда бош мезон тарзида ҳоким сўз эмас, тобе сўзнинг қайси туркум сўзи билан ифодаланиши назарда тутилади. Масалан, қуйидаги мисолда ажратиб кўрсатилган сифат бирикмаси гапда пайт холи бўлиб келган: Fakat bu müşkul zamanlarda ondan akıl ve tedbir sor (R.N.G.). (Фақат бу мушкул замонларда ундан ақл ва йўл-йўриқ сўра). Ўзбек тилининг грамматик метёрларига кўра бу мушкул аниқловчидир, чунки zamanlarda сўзнинг белгисини аниқлашга хизмат қилади. Предметнинг белгиси ёки кимга қарашилiligини билдирувчи бўлак — аниқловчи турк тилида гап бўлаги статусига эга эмас.

Ўзбек ва турк тилларида пайт ҳоллари кўмакчи ишгирокида тузилган бирикмалар билан ҳам ифодаланади: Тонгга қадар сени кутдим (Ў.Х.). Dune kadar derdini neye soylemedin, a, oglum (N.C.). (Нега кечаги кунгача дардингни айтмадинг, а, ўғлим?). Шунингдек, таққосланаётган тилларда кўмакчи воситасида ифодаланган пайт ҳоллари тар-

¹ Dizdaroğlu H. Tumcebilgisi. Ankara, TDK, 1976, s.120.

² Dizdaroğlu H. Tumcebilgisi. S.122.

кибидаги ёрдамчи сўзлар бир-биридан фарқланади. Масалан, **қарши** кўмакчиси ўзбек тилида зиддик ва модал маъноларни ифодалайди¹: Бахтга қарши ҳозир ҳам бор (А.К.). Ушбу сўзнинг туркча муқобили **karşı** кўмакчиси ўзбек тилидаги **яқин** сўзига тўғри келади: Sabaha karşı uyandım (N.E.) (Тонгга яқин уйғондим). Турк тилидаги **doğru** сўзи ҳам мазкур маънода ишлатилади: Ertesi günü ikinciye doğru onunla buluşmasını rica ettim (N.C.). (Эртаси куни пешинга яқин у билан учрашишини илтимос қилдим). Бу сўзнинг ўзбек тилидаги муқобили **тўғри** сўзи йўналиш маъносини ифода этади. Ўзбек ва турк тилларида **билан** — **ile** кўмакчиси иштирок этган сўзлар ҳам иш-ҳаракатнинг юз бериш вақтини билдириши мумкин. Аммо ўзбек тилида **билан** кўмакчиси кўпинча ҳаракат номлари билан келиб, бир ҳаракат кетидан иккинчисининг тез бошланишини англатади. Туркчада эса ушбу кўмакчи умуман пайт маъносини ифодаловчи сўзлар билан ишлатилиши мумкин, ўзбек тилида бу ҳол нисбатан кам учрайди: Ҳозир у эрталаб кўзини очиши билан ... кўзи дорига тушди (Ў.Х.). Bahçede akasyalar açar baharla (A.M.Dranas). (Боёда акациялар очилар эрта билан).

Ўзбек ва турк тилларидаги сифатдошларнинг ўрин-пайт келишиги шаклидаги кўриниши ҳам гапда иш-ҳаракатнинг амалга оширилиш вақтини ифодалайди: Келганимда биласан (Ў.Х.) Gelen gecende yuzunu inceliyogum (M.B.) (Келган-кетганларида юзига синчиклаб қарайман). Фейлнинг равиш шакллари ҳам гапда пайт холи вазифасида қўлланилиши мумкин. Ўзбек тилида равишдош -(и)б, -а, -й, -гач, -гунча, -гани, -гудек аффикслари ёрдамида ясалади. Булардан -гач, -гунча шакли равишдошлар замон тушунчасини тапшиди. Асосан -гунча қўшимчали равишдош гап таркибида пайт холи вазифасини бажариши мумкин: Шерзод жаҳддан тушиб, гурурини тийиб олгунча чидади (Ў.Х.).

Турк тилида равишдош куйидаги аффикслар ёрдамида ҳосил қилинади: -maksizin, -ince, -erek, -p, -meden, -dukca, -alı, -ken, -diginda. Кўрамизки, бу икки тилдаги равишдош ясовчи қўшимчалар бир-биридан анчагина фарқланади. Булардан фақат замон маъносини ифода эта оладиган шакллариға эътибор қиламиз. -alı қўшимчаси билан ҳосил қилинган равишдош иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини билдиради: Nesil arabayı alalı bize ugramadı (M.H.). Бу қўшимча ўзбек тилидаги **-гандан бери** шаклли феълга мутаносиб маънони англатади: *Несил машина олгандан бери бизга учрамади.* -ince аффикси билан ясалувчи равишдош ҳам ўзбек тилидаги **-ганида** шаклли, демак, ўрин-пайт келишиги қўшимчасини олган сифатдошга мутаносиб маъно билдиради: Berna hanım uyanınca hemen kahvaltıyı hazırladı (M.H.). (Берна хоним уйғонганида дарров нонушта ҳозирлади). Мазкур шаклдаги равишдош кўмакчилар иштирокида келиши мумкин: Celineye kadar onlar gitmiştiler (A.R.). Бунда ўзбек тилидаги бошқа грамматик шаклга мос маъно

¹ Ўзбек тили грамматикаси: Икки жилдик. Т., Фан, 1975. Ж.1. 553-, 554- бет.

англашилади: *Келгунларигача улар кетишган эди*. -dukса аффиксли равишдош ҳам замон маъносини ташийди: Beni gorunce yaslarini saklamadi (Н.Е.А.). (У ўйчан бўлиб қолганида хотинининг оқшомларга яқин ортган севинчи сўнди). -ken аффиксининг турли замон шакллари билан ишлатилишидан юзага келган феъл шакли ҳам иш-ҳаракатнинг бажарилиш вақтини ифода этади. Бу кўшимча ўзбек тилидаги турли замон шакллари билан қўлланувчи **экан** тўлиқсиз феълга мутаносиб маъно англатади: *Шерзод юриб борар экан, вужудида худди шу энгилликни ҳис қилди* (Ў.Х.). Yanimdan gecerken bir tuhaf bakti (В.Н.). (Ёнимдан ўтар экан, бир ғалати қаради). Ўзбек ва турк тилларида -р, -мас, -г, -maz аффикслари билан ясалувчи сифатдошларни жуфт ҳолда қўллаш билан ҳам воқеа-ҳодисанинг рўй бериш замонини билдириш мумкин: Çocuklar yataga girer girmez hemen uyudular (М.Н.) (Болалар ётоқхонага кирар-кирмас дарҳол ухлаб қолдилар).

Ўзбекчада -гача, -га довур, -га қадар, -дан бери (буён, сўнг, кейин, аввал), туркчада -e kadar, -dek degin, -den deri (sonra, once) шаклидаги сўзлар ҳам гапда пайт тушунчасини англатишга хизмат қилади: *Сени кун ботгунга қадар кутаман* (Ў.Х.). Bu yuzden elli yildan beri Türkçesiyiz (Ғ.А.). (Шу сабабли эллик йилдан бери туркийшуносмиз).

Ўзбек ва турк тилларидаги иш-ҳаракатнинг бажарилиш замонини билдирувчи гап бўлаклари юзасидан олиб борилган кузатувлар натижа-сида куйидаги хулосаларга келинди: Ўзбек ва турк тилларида пайт хо-ли анчагина чуқур ўрганилган, тадқиқ этилган. Бироқ турк тилшунос-лигида пайт ҳолини таърифлаш чоғида фақат кесимга тобе гап бўлак-лари назарда тутилиши нотўғри. Чунки турк тилидан тўлланган мисол-лар бошқа гап бўлакларига боғланган пайт ҳоллари ҳам борлигини кўрсатди. Таққосланган тиллардаги ушбу гап бўлаклари орасида муай-ян муштараклик мавжуд. Хусусан, сўз туркумларидан пайт равишлари ва вақтни билдирувчи отлар пайт холи вазифасини бажаради. Ҳар икки тилда ҳам маълум бир кўмакчи сўзлар ёки феълнинг функционал шакллари иштирокида иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш замони англати-лади. Фарқлар асосан бу тиллардаги пайтни билдирувчи грамматик шаклларда намоён бўлади. Турк тилида ўзбек тилида мавжуд бўлмаган -ince, -dukса, -ali, -ken вақт тушунчасини билдирувчи кўшимчалар бор. Пайт холи таркибида келувчи кўмакчилар ҳам маъноси ва қўллани-шига кўра ўзаро тафовутланади.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	1
Тил назарияси	
<i>Раҳматуллаев Ш. (ЎзМУ)</i> . Айрим синтактик термин ва тушунчалар ҳақида	5
<i>Неъматов Ҳ. (БухДУ)</i> . Шарҳ ва Ғарб тилшунослиги методологик таҳсил асослари	9
<i>Дадабаев Ҳ. (ЎзМУ)</i> . Лисоний алоқалар — тил тараққиётининг муҳим омилли	12
<i>Нурмонов А., Набиева Д. (АндДУ)</i> . Морфемик сатҳда инвариант ва вариантлик	15
<i>Мирзаев И. (СамДУ)</i> . Лингвистик поэтика ва унинг филологик таҳлилдаги ўрни	20
Фонетика, фонология	
<i>Абдуазизов А. (ЎзМУ)</i> . Профессор Айюб Ғулум ва ўзбек тили фонологияси ҳамда морфонологияси	24
<i>Рафиев А. (ЎзМУ)</i> . 20- йиллар ўзбек тили тараққиётига рус олимларининг таъсири	27
Грамматика	
<i>Миртожиев М. (ЎзМУ)</i> . Ноагентив феъллар ҳақида	29
<i>Расулов Р. (ТДПУ)</i> . Айрим феълларнинг маъно хусусиятлари ҳақида	32
<i>Тоҳиев Ё. (ЎзМУ)</i> . Ўзбек тилидаги -чи аффиксининг айрим жиҳатлари ҳақида	34
<i>Қурбонова М. (ЎзМУ)</i> . Ўзбек тилшунослигида гап ва гап бўлаклари таърифи масаласи	37
<i>Назарова С. (БухДУ)</i> . Нутқ синтаксиси ва лисоний синтаксис	40
<i>Муҳамедова С. (ЎзМУ)</i> . Ҳаракат феълларининг адресат валентлиги	42
<i>Лутфуллаева Д. (ТВДПИ)</i> . Йўқликни бидирувчи гапларнинг табиати хусусида	45
<i>Маҳматқулдов С. (ТермизДУ)</i> . Предикатив синтагма феъл аъзосининг -ётган сифатдош ясовчиси билан трансформация қилиниши	47
<i>Хайназарова М. (ТВДПИ)</i> . Турғун бирликлар асосида тузилган сўроқ гапларда шаклий-мазмуний номувофиклик	51
<i>Бахриддинова Б. (ҚаршиДУ)</i> . Грамматик шаклда категориал ва нокатегориал маънолар	53
<i>Йўлдошева Д. (ФДУ)</i> . Ўзбек тилида сабаб-натига муносабатини ифодаловчи лисоний воситалар	56
<i>Шукуров Р. (ФДУ)</i> . Синтактик синонимлар	57
<i>Шарипова Ў. (ТДПУ)</i> . Юмуш феълларининг адресат валентлиги	60
<i>Омонтурдиев Ж. (ТермизДУ)</i> . Кўчирма гапли қурилма эволюцияси (синтактик соддаланиш)	64
Лексикология	
<i>Содиқов Қ. (ТДШИ)</i> . Ўзбек тилидаги айрим акраболик отлари ҳақида	67
<i>Омонтурдиев А. (ТермизДУ)</i> . Эвфемик омонимияга доир	70
<i>Нормуродов Р. (ТермизДУ)</i> . Перифразанинг ижтимоий муносабатлар асосида шаклланиши	73
<i>Қиличев Б. (БухДУ)</i> . Ўзбек тилида луғавий парадигма	75
<i>Бекмуҳамедова Н. (ЎзМУ)</i> . Сўз ишлатишнинг социолингвистик аспектидан бири ҳақида	77

Ишусова З. (ЎЗМУ). Лугавий микросистема ва унинг турлари..... 79

Тил тарихи

Аширбоев С. (ТДПУ). Алишер Навоий прозасида ва синтактик тавтология. 82

Қидиров М. (ЎЗМУ). Навоийнинг тилшуносликдаги маҳорати. 84

Ҳамидов З. (ЎЗМУ). «Садди Искандарий» лексикасида самовий тимсоллар. 86

Ўзлдошев И. (ТДПУ). Ўзбек китобатчилик терминологиясидаги арабча
Умташмалар. 89

Ҳазманова З. (ЎЗМУ). «Бобурнома»даги айрим лексемаларнинг семантик
кунами. 92

Ашмов И. (ТДПУ). Эски ўзбек тилида қўшма гапларда боғловчилар
испаласи. 95

Ҳасимова Ш. (ТВДПИ). Увайсий шеърятда самовий тимсоллар. 98

Шоимова Н. (ТАИ). Алишер Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг шева-
лардаги ингиқоси. 100

Қиёсий тилшунослик

Ҳудойбердиев Ж. (ЎЗМУ). А.Н.Самойлович ва биринчи туркийшунослар
курултойининг чақирилиши 102

Умаров А., Каримова Н. (ЎЗДЖТУ). Француз ва ўзбек тилларида қўшма
сўзлар ясалишининг баъзи бир хусусиятлари. 107

Ҳудойбергенова З. (ТДШИ). Ўзбек ва турк тилларида пайт ҳолининг ифода
материаллари. 108

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ШАРАФИ

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ШАРАФИ

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ШАРАФИ

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ШАРАФИ

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ШАРАФИ

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ШАРАФИ

ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ ШАРАФИ

**ТИЛШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ .
(Илмий мақолалар тўплами)**

*Муҳаррир Ш.Раҳматуллаев
Мусаҳҳих З.Ахмеджанова*

Босишга рухсат этилди 23.04.2002 й. Бичими 60x84¹/₁₆. Нашриёт ҳисоб табоғи 8.4. Шартли босма табоғи 12.1. Адади 300 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма №.141

“Университет” нашриёти. Тошкент - 700174. Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, маъмурий бино.

ЎзМУ босмахонасида босилди.